

**Рустам Худайбергенов**

**РА Н Г Ш У Н О С Л И К  
В А  
К О М П О З И Ц И Я  
А С О С Л А Р И**

**Тошкент -2017**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ**

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ  
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**Худайберганов Рустам Адамбаевич**

**Р А Н Г Ш У Н О С Л И К  
ВА  
КОМПОЗИЦИЯ АСОСЛАРИ**

**5150800 - “Рангасвир” йўналиши Олий ўқув юрти талабалари учун  
ўқув қўлланма**

**Тошкент –2017**

## **Аннотация**

“Рангшунослик ва композиция асослари” фани тасвирий санъат таълимининг муҳим буғинларидан бири ҳисобланади. Рангтасвир билан шуғулланувчиларда рангшунослик ҳақида ва композиция тузилиши асослари ҳақида кенг маълумот беради. Ранг танлаш маҳоратини ошириш, ранг билан ишлашни теранроқ талқин қилиш, шунингдек текисликда тасвир композициясини яратиш ва уни мақсадга мувофиқ амалга ошириш қонун – қоидаларини назарий ва амалий тушунтириш ушбу қўлланманинг асосий мақсади ҳисобланади. Булардан ташқари ранглар табиати, композиция яратишда қонун - қоидалари ҳақида кенгроқ тушунча бериб ижодкорларнинг ўзига хос йўлларини, текислик, симметрия, асимметрия, контраст, ритм, ҳаракат, турғунлик кабиларни ўз ижодида мақсадли ишлата олиш қобилиятини ўстиришдан иборат.

Мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юрти тасвирий санъат муассасаларининг талабалари учун мўлжалланган. Шунингдек ёш рассом ва ўқитувчи - педагоглар ҳам фойдаланиши мумкин.

**Муаллиф:** Р.А.Худайбергандов - Ўзбекистон халқ рассоми,  
профессор

**Тақризчилар:**

Ўзбекистон Бадий Академияси академиги,  
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,  
профессор С.А.Абдуллаев

Педагогика фанлари номзоди, доцент  
Н.Х.Толипов

К.Бехзод номидаги МРДИ Илмий Кенгашининг 2017 йил (№  
баённомаси) қарори билан нашрга тавсия қилинган.

## **Аннотация**

“Рангшунослик ва композиция асослари” фани тасвирий санъат таълимининг муҳим буғинларидан бири ҳисобланади. Рангтасвир билан шуғулланувчиларда рангшунослик ҳақида ва композиция тузилиши асослари ҳақида кенг маълумот беради. Ранг танлаш маҳоратини ошириш, ранг билан ишлашни теранроқ талқин қилиш, шунингдек текисликда тасвир композициясини яратиш ва уни мақсадга мувофиқ амалга ошириш қонун – қоидаларини назарий ва амалий тушунтириш ушбу қўлланманинг асосий мақсади ҳисобланади. Булардан ташқари ранглар табиати, композиция яратишда қонун - қоидалари ҳақида кенгроқ тушунча бериб ижодкорларнинг ўзига хос йўлларини, текислик, симметрия, асимметрия, контраст, ритм, ҳаракат, турғунлик кабиларни ўз ижодида мақсадли ишлата олиш қобилиятини ўстиришдан иборат.

Мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юрти тасвирий санъат муассасаларининг талабалари учун мўлжалланган. Шунингдек ёш рассом ва ўқитувчи - педагоглар ҳам фойдаланиши мумкин.

## **Аннотация**

Предмет “Цветоведение и основы композиции” является важным звеном в обучении изобразительного искусства. Занимаясь живописью он даёт широкие сведения о цветоведении и об основах структуры композиции. Основной целью данного пособия считается повышение навыков выбора цвета, яснее трактовать работу с цветом, а также составление композиции изображения на плоскости и теоретическое и практическое объяснение закономерностей его целесообразного осуществления. Кроме этого, пособие представляя обширное понятие о правилах природы цветов, составлении композиции, ставит себе задачу повышать способность целесообразного применения в своем творчестве своеобразных путей создателей, плоскости, симметрии, асимметрии, контрасту, ритму, движению, постоянству.

Данное учебное пособие предназначено для студентов учреждений изобразительного искусства высшего учебного заведения. А также им могут пользоваться молодые художники и учителя - педагоги.

## ***Annotation***

This manual “Cyromatics and Composition Poinciples” is given to students of Secondary Specialized Colleges with the artistic base. It is the main subject and teaches how to use and prepare the colours on the ways of education and regulation the colours in nature.

This manual also keeps the modern demands to students, the ways of individual promotion of knowledge, take in love and respect to the chosen profession, helps to become the modern specialists. Besides, colours give wider meaning about nature and rules of composition and improve the creators ability to use planar, symmetry, contrast, rhythm, action and constancy correctly. This educational manual is for students of visual arts high education and also it can be used by young artists and teachers as well. Its such yound artists and teachers can also use it.

## Мундарижа

### 1 БОБ

Кириш .....	1 4
1.1. Рангшунослик ва композиция асослари хақида.....	17
1.2. Рангшунослик ва композиция асослари фанининг мақсади ва вазифалари.....	23

### 11БОБ

11. 1. Рангни ҳис қилиш (Ахроматик ва хроматик ранглар) .....	26
11.2. Бир ватқнинг ўзида таққослаш. (ёки солиштирув). .....	29
11.3. Рангларнинг асосий хусуиятлари .....	33
11.4.. Умумий ранг ва тус(тон)лар ҳолати .....	37

### 111. БОБ

111.1. Ранг айланаси .....	39
111.2. Қўшимча ранглар ҳосил қилиш .....	41
111.3. Контраст ранглар топиш .....	44
111.4. Ранглар туси ( оқартириш, қорайтириш ) .....	45
111.5. Рангларни яқин ёки узоқлашганлиги .....	47
111.6. Рангларни аралаштириш .....	52
111.7. Ранг муносабатларининг пропорционаллиги .....	55

### 1V БОБ

1V.1. Рангнинг руҳий таъсири .....	59
1V.2. Ранг колоритини ҳосил қилиш .....	63
1V.3. Ранг эстетикаси .....	69
1V.4. Ёруғлик таъсирида ранг ҳолати .....	71
1V.5. Рангларга фон тусининг таъсири .....	73
1V.6. Ранглар тусини тўлиқ талқин қилиш(амалий тавсиялар) .....	75

## **V БОБ**

V.1. Ранг билан ишлаш .....	80
V.2. Гуаш билан ишлаш .....	83
V.3. Мойбўёқ билан ишлаш .....	86
V.4. Ранглардан композиция тузиш .....	89
V.5. Ранг ва фактура .....	90
V.6. Амалий машғулотлар .....	91
V.7. Рангшуносликдан амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар.....	93

## **V1 БОБ.**

V1.1. Бадий образларнинг ифода воситалари ва қуроллари.....	97
V1.2. Текислик ва фазо .....	103
V1.3. Фазовий қурилма .....	104
V1.4. Чизиқлар (линия) .....	105
V1.5. Ёруғлик, соя, ранг .....	106
V1.6. Фактура ва текстура .....	107.

## **V11 БОБ**

### **КОМПОЗИЦИЯ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ**

V11.1. Контрастлар.....	110
V11.2. Стилизация.....	116

## **V111БОБ**

V111.1. Композиция хусусияти. ....	117
V111.2. Яхлитлик ва ўзаро боғлиқлик .....	118
V111.3. Композицияда мувозанат.....	119

## **1X БОБ**

1X.1. Композиция элементлари .....	123
1X.2. Симметрия .....	124
1X.3. Асимметрия .....	126
1X.4. Ритм, ҳаракат (динамичность) ва тинч (статичность) ҳолати .....	127
1X.5. Бирлик ва бир - бирига бўйсунуш. Композиция маркази.....	131

## **X БОБ**

X.1. Композиция воситалари .....	133
X.2. Масштаб ва масштаблик .....	137
X.3. Композицияда ритм (вазн) .....	140

## **X1 БОБ**

X1.1. Мураккаб шакл ва уни ташкил қилиш усуллари .....	142
X1.2. Симметрия, асимметрия ва улар комбинацияси .....	148
X1.3. Амалий вазифаларга услубий кўрсатмалар .....	151

АМАЛИЙ ТАВСИЯ ВА ИЛОВАЛАР .....

158

Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати .....

163

Адабиётлар .....

185

## **Содержание**

### **Глава 1**

Введение .

1.1. О цветоведении и основа композиции

1.2. Цель и задачи цветоведения и основ композиции.

### **Глава II.**

11.1. Чувство цвета (Ахроматические и хроматические цвета.)

11.2. Одновременное сопоставление (сравнение).

11.3. Основная специфика цветов.

11.4. Состояние общих цветов и тонов.

### **Глава III.**

111.1. Цветовой круг.

111.2. Образование дополнительных цветов.

111.3. Угадывание контрастных цветов.

111.4. Тон цветов (осветление, затемнение).

111.5. Приближение и удаление цветов.

111.6. Смешение (красок) цветов.

111.7. Пропорциональность цвета.

### **Глава IV.**

IV.1. Духовное влияние цвета.

IV.2. Создание колорита цвета.

IV.3. Эстетика цвета.

IV.4. Состояние цвета под влиянием света.

IV.5. Изменение цвета под влиянием фона.

IV.6. Полная интерпретация цветового тона.(практические рекомендации).

### **Глава V.**

V.1. Работа над цветом.

V.2. Работа гуашью

V.3. Работа с масляными красками.

V.4. Составление композиции цветом.

V.5. Цвет и фактура.

V.6. Практическая занятия.

V.7. Указания и рекомендации к практическим занятиям по цветоведению.

### **Глава VI.**

VI.1. Выразительные средства художественных образов.

VI.2. Плоскость и пространство.

VI.3. Пространственное сооружение.

VI.4. Линия.

VI.5. Свет, тень, цвет.

V1.6. Фактура.

**Глава V11.**

V11.1. Основные законы композиции.

V11.2. Контрастность.

V11.3. Стилизация.

**Глава V111.**

V111.1. Особенности композиции.

V111.2. Целность и взаимосвязь.

V111.3. Равновесие в композиции.

**Глава 1X.**

1X.1. Элементы композиции.

1X.2. Симметрия.

1X.3. Асимметрия.

1X.4. Ритм. Состояние движение и покоя (динамичности и статичности).

1X.5. Единство и согласование между собой. Центр композиции.

**Глава X.**

X.1. Средства композиции.

X.2. Масштаб и масштабность

X.3. Ритм в композиции.

X.4. Восприятие форм изображения.

**Глава X1.**

X1.1. Сложная форма и его составление.

X1.2. Симметрия, асимметрия и их комбинация.

X1.3. Методические указания к практическим занятиям.

**ПРАКТИЧЕСКАЯ РЕКОМЕНДАЦИИ И ПРИЛОЖЕНИЯ**

Толковый словарь изобразительного искусства.

Литература

## Contents

### Chapter 1

#### Introduction

1.1. General information

1.2 About chromatics.

1.3. Purpose and tasks of chromatics and colour principles.

### Chapter 11

11.1. Achromatic and chromatic colours.

11.2. Saturation of colour (Approach @ remove the colours).

11.3. Fundamental specific colours.

11.4. Position of general colours.

### Chapter 111

111.1. Circle of colours.

111.2. Formation of additional colours.

111.3. Guess the contrast colours.

111.4. Thick and light of tones.

111.5. Approaching and Purging of colours.

111.6. Mixing the colours.

111.7. Colour proportionality.

### Chapter 1V

1V.1. Intellectual influence of colour.

1V.2. Creation of colouring.

1V.3. Aesthetics of colours.

1V.4. Changing the colour on artificial light.

1V.5. Changing the colour on artificial tone.

1V.6. Full interpretation of colour tone.

### Chapter V

V.1. Work with colour.

V.2. Working with gouache, paint.

V.3. Work with oil paint.

V.4. Colour composition, formation.

V.5. Colour and material.

V.6. Practical classes.

V.7. Guidance and recommendation to practical classes on chromatics.

### Chapter V1

V1.1 Expression of art pattern.

V1.2. Planar surface and space.

V1.3. Spatial installation.

V1.4. Line.

V1.5. Light, shade, colour.

V1.6. Texture.

### Chapter V11

V11.1. The main principle of composition.

V11.2. Contrast range.

V11.3. Style.

### Chapter V111

V111.1. Composition, features.

V111.2. Aim and interrelation.

V111.3. Equilibrium in composition.

### Chapter X1

1X.1. Elements of composition.

1X.2. Symmetry.

1X.3. Skewness.

1X.4. Condition of rhythm, dynamic and statistics.

1X.5. Unanimity and matching of composition.

### Chapter X

X.1. Means of composition.

X.2. Scale on a large scale.

X.3. Rhythm in composition.

X.4. Understanding of forms of painting.

### Chapter X1

X1. 1. Complex form and its composition.

X1. 2. Symmetry, asymmetry and additions.

X1.3. Methodical to practical lessons.

Practical recommendations and supplements.

Visual Arts Thesaurus.

Literature

# 1 БОБ

## КИРИШ

Ўқув, илмий, маънавий - маърифий ишларда самарадорликни ошириш бугунги куннинг биринчи даражали вазифаларидан биридир. Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган келажакни яратувчи ёшларнинг маънавий, жисмоний камолотга эришиши борасидаги ҳаракатларида бадий таълимнинг аҳамияти беқиёс. Бадий ўқув даргоҳларида ўқитиладиган барча махсус фанларнинг асоси рангтасвир фани билан бевосита боғлиқдир. Зеро рангтасвир асарини ишлаш жараёнида талаба перспектива, пропорция, рангшунослик, чизматасвир, композиция, ашёда ишлаш каби билимларни амалиётда эгаллаб боради ва бу малака ҳаққоний тасвирни яратишга, маҳоратини оширишга кўмак беради.

Инсон табиатдан рассомдир. У ўз ҳаётида кўрган, билган нарсаларини, воқеаларни бошқалар билан баҳам кўришга, ўзи кўрган гўзал табиатни, инсон гўзаллигини таърифлашга, тавсифлашга интилади.

Ўқув адабиётларида рангтасвирнинг асосий мақсад ва вазифалари, натурадан тасвирлаш жараёнидаги махсус қонун - қоидалар, ранг, ранг туслари, турли бўёқларда ишлаш техникаси каби қимматли маълумотлар ва композиция асослари сирларини ўрганувчи ёш рассомлар учун зарур бўлган таклиф - мулоҳазалар кенг баён этилган.

Ушбу қўлланма рангтасвирда тус ва ранг муносабатларини белгилаш услублари, рангтасвир асарини ишлаш жараёнидаги кўзнинг кўриш қобилияти ёки кўриш ҳис туйғусининг ўзига хосликлари билан боғлиқ умумий ранг ва композиция сабоқлари ёритилган. Шу билан бирга тус ва ранг муносабатлари, уларнинг натурага пропорционаллик хусусиятлари, умумий тус ва ранг ҳолати, уларни рангтасвир асарида акс эттириш, ўзаро таққослаш каби масалаларга ҳам алоҳида тухталиб ўтилган.

Рангшунослик ва композиция асослари фанини чуқурроқ тушуниш мақсадида уни бошқа бир қатор фанлар, яъни физика, кимё, психология, физиология ва эстетика фанлари билан боғлаб ўрганилади. Бу ўз навбатида

рангнинг физик, кимёвий, психофизиологик ва эстетик хусусиятларини атрофлича ўрганишга кенг имконият яратади.

Рангшунослик - мураккаб ва кўп меҳнат талаб этувчи санъат туридир. Уни эгаллаш учун доимий изланиш ва узлуксиз меҳнат қилиш зарур. Нафақат машқ ва ўз устида изланиш, балки буюк рангтасвир усталари тажрибалари мисолида рангтасвир санъати назариясини эгаллаб бориш ҳам муҳимдир. Бу жараёнлар талабалардаги рангтасвир маҳоратини мукамаллашиб бориш даражасини тезлаштиради.

Мазкур “Рангшунослик ва композиция асослари” қўлланма рассомлик санъатини ўзлаштираётган бошланғич рангтасвирчиларга мўлжалланган бўлиб, унда келтирилган фикр - мулоҳазалар мустақил ишлаш жараёнида зарурий бўлган тавсиялар сифатида қабул қилиш, кераксиз бўлган оддий хатоларга йўл қўймасликка ёрдам бўлади. Бироқ, ҳар бир рассом ижодий малакага тинимсиз меҳнат ҳамда ҳаётнинг ранг - баранг ҳодисаларини кўзатиш ва англаш орқали эришади. Шунинг учун ҳам, авваломбор, ёш рассомнинг табиат ва ундаги аниқ ҳодисаларни ўткир "ижодкор нигоҳи" орқали синчковлик билан кўра олиш қобилиятини шакллантириш лозим. Шундай экан, унинг рангтасвир асарлари гўзалликка йўғрилган ҳаққонийлик ва самимийлик сифатлари билан бирга бадиий фазилатларни ҳам ўзида мужассам этиши зарур.

Натурани ранг билан ишлаш жараёнини бевосита энг сара санъат асарлари намуналарини ўрганиш билан узвийликда олиб бориш зарур. Бу ёш рассом учун нафақат унинг онги ва эстетик дидини ривожлантирувчи маънавий озуқа, балки бир вақтнинг ўзида асосий профессионал малакага эришиш йўли ҳамдир.

Композиция фани билан фақат рассомларгина шуғулланмай, балки ёзувчилар, бастакорлар, драматурглар, архитекторлар умуман барча санъаткорлар шуғулланиб келадилар.

Бадий асар яратиш учун ранг ва композиция қанчалик аҳамиятга эга бўлса, унинг асосларини фан сифатида ўрганиш ҳам шунча муҳим ҳисобланади. Асар композициясини яратишдан олдин ранглардан фойдаланиш ва композиция асосини ўрганиш катта аҳамиятга эгадир.

“Рангшунослик ва композиция асослари”ни ўрганиш ўқув курсида рангни ҳис қилиш, рангни аралаштириш, ёруғлик таъсирида ўзгариши ва композиция қонун қоидаларини, шунингдек ўқув жараёнидаги курс вазибалари устида иш олиб боришни назарда тутди.

Ёш рассомлар “Рангшунослик ва композиция асослари” фанини ўзлаштиришда зарурий билимлар ва амалий малакаларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Рангшунослик ва композиция асослари фани бўлажак рассом учун жуда муҳим бўлиб, бадий асар яратишда катта ёрдам беради.

“Композиция асослари” фани талабанинг атроф борлиқни умумлаштиришга ва маъносини тушунишга ўргатади. Ҳар куни у кузатаётган ва ҳис қилган нарсаларни бадий образларда акс эттиришга ёрдам беради.

“Рангшунослик ва композиция асослари”ни ўрганишда босқичма - босқич мақсадли методологик асосда пластик шакл ечимини мураккаблаштириб борилади.

Ранг ва композициядан фикрлаш қобилиятни ўстиришда “Рангшунослик ва композиция асослари”дан мустақил вазибалар ишлаши катта роль ўйнайди. У нафақат ўқиш жараёнининг давоми бўлиб қолмай, балки бўлажак рассомнинг шахсий қобилиятини ўстиради, унинг теварак атрофни ва борлиқни кузатишда ижодий фикрлашини оширади.

Асар композицияси устида ишлаш давомида композиция асослари воситаларидан фойдаланиб, асосий ғояни ва асар мазмунини очиб беришда фойдаланадилар.

Қўлланмада кўпгина ранглarning ўзбек тилидаги номларини турғунлаштиришга ҳаракат қилинди. Бу ўз навбатида ўзбек тилида шу соҳага оид бўлган атамашуносликни бойитишга хизмат қилади.

Ушбу қўлланмани ёзишда муаллиф ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги бир қанча адабиётларга ҳамда ўзининг кўп йиллик илмий, ижодий, педагогик тажрибасига таянди.

### **1.1. Рангшунослик ва композиция асослари ҳақида**

Рангшунослик фани инсониятни қадимдан қизиқтириб келган. Инсон ҳар доим ўз ҳаёти даврида теварак - атрофи, муҳити рангли буюмлардан, манзаралардан, шакллардан, кийим - кечаклардан ва шу қабилардан ташкил топганини кўриб, маънавий, руҳий озиқа олади. Ўзига маъқул келган рангдаги нарсаларни ишлатади. Руҳига мос ранглardan хурсанд, руҳи тетик бўлади ва қувонади. Шундай экан биз рангга бефарқ эмасмиз, унга диққат билан қараймиз, танлаймиз. Ана шунинг учун ҳам рангшунослик фани инсонга яқиндан хизмат қилади.

Биз бу фанда ранглarning турлари, уларнинг бир - бирига нисбатан ҳамоҳанглигини, контрастлигини, тусини, кўзимиз орқали идрок қилишимизга яқиндан ёрдам беради. Асосий ва қўшимча ранглар, яъни улар ёрдамида ҳосил бўладиган ранглarning ҳис қилишимизни, ранглarning амалда аниқлай олишимизни машқ қилишни ҳам назарда тутаяди.

Шунингдек деярли ранглар билан боғлиқ касб эгалари учун яқиндан ёрдам беради.

Ранг ҳақидаги илмда – рангшунослар томонидан рассомлар қизиқтирадиган саволлар кўплаб ўрганилган. Унга ёруғлик, масофа, қўшни ранг таъсири, бўёқлар аралашуви, колорит ва бошқалар ҳисобланади.

Ранг ҳақидаги рангшунослик фан сифатида энг қадим замонларда дунёга келди. Эр. авв. IV асрда Юнон олими Аристотель ранг ва рангнинг ҳар хил

кўринишини тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Италия уйғониш даврида яшаган олим Леонардо да Винчи<sup>1</sup> ўзининг “Тасвирий санъат ҳақида рисола” асарида рассомлар учун катта амалий аҳамиятга эга бўлган ранг ҳақида маълумот беради.

Рангшунослик – ёш фан бўлиб, ўтган асрда мустақил илм сифатида изланувчи олимларни ранг ҳақидаги саволлар диққат этиборига тушди. Ўтган давр буюк рассомлари ва назарийчиларидан: Чеккино Ченнини (1400 йилар), Леон Баттиста Альберти (1404-1472), Пьеро делла Франческо (1416-1492), Леонардо да Винчи (1452-1519), Джорджо Вазари (1511-1574), Джанпаоло Ломацио (1539-1600), Альбрехт Дюрер (1471-1528), Франциско Пачеко (1564-1654) рангтасвир ҳақидаги изланишларида ранг ҳақида ёзиб қолдирганлар. Буюк фан намояндalarидан Ньютон (1642-1727), Ломоносов (1711-1765) ранг ҳақида изланиш олиб борганлар. Ломоносов эса асосий рангларни кашф этди. Буюк немис шоири ва табиатшуноси Гёте (1749-1832) “Ранг ҳақида фан” махсус асарини ёзиб қолдирган. Шунингдек, Ван Гог, Салвадор Дали, Рафаэль Санти, Микеланжело, Рембранд, Ганс Голбеин, Сандро Боттичелли, Рафаель каби буюк рассомлар ўз асарларида ранглардан моҳирона фойдаланганлар<sup>2</sup>.

Рассомлар учун ранг ўзгариш қонунларини билиши катта аҳамиятга эга. Рангшунослик ижод қилиш усулларини ўргатмасда табиатда ранглар билан боғлиқ ўзгаришларни тушунтириб, рангтасвирчи рассомлар ижодига яқиндан ёрдам беради.

Рангтасвирнинг илмий негизини рангшунослик фани ташкил қилади. Рангшунослик бўлғуси рассомларга рангларнинг табиатда ҳосил бўлиши ва тарқалиши масалаларини, атроф – муҳит таъсирида ўзгариб кўринишини, бўёқларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш йўлларини ўргатади.

---

<sup>1</sup> Klaus Reichold, Bernhard Graf. PAINTINGS that Changed the World

<sup>2</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 1 боб.

Ўзбекистонда ранглар ҳақидаги таълимот қадимдан китоб минатюраси, наққошлик ва деворларга фреска паннолар ишлаш билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. ( 1 а, б - расм)

Чунки мусаввирлик ҳунари ранг танлаш ва уларни тайёрлай билишни талаб этган. Шунинг учун ҳар бир шогирд, аввало, ранг тайёрлаш сирларини ва шу иш билан боғлиқ, кимёвий жараёнларини ўрганган.

Рангларнинг табиатда қандай ҳосил бўлиш ва тарқалиш ҳодисаси қадимдан олимлар ва рассомларнинг диққатини тортган. Уйғониш даври буюк рассомлари ва назариятчилари Леон Баттиста Альберти, Леонардо да Винчи ва бошқалар рангасвир ҳақидаги асарларида рангларнинг хусусиятлари ҳақида ёзганлар.

“Рангасвир асарининг кучи ҳар қандай санъатдагидек – шакл моҳияти теранлиги ва мукамаллигидадир. Фақат муҳим, илғор ғоянинг ва илғор касбий маҳоратнинг бирлашувигина асл санъат асарини юзага келтиради. Агар рассомнинг ижодий фикрлаши унинг руҳий кучи бўлса, рангасвир техникаси унга зарур техник қурол бўлиб хизмат қилади ва унинг рассомчилик ютуқларининг амалий негизини ташкил қилади”<sup>3</sup>.

Машҳур олимлар Ньютон, Ломоносов, Гельмгольцлар рангларнинг моҳиятини илмий асосда текширганлар. Исаак Ньютон қатор тажрибалар ўтказиб, оқ ёруғликни кўп рангларга тақсимланиб кетишини исботлаган, экранда спектр рангларини ҳосил қилган. Ньютон қуёш ёруғлиги асосида ўз назарий фаразини амалда исботлади. Бунинг учун Ньютон қуёшнинг оқ ёруғлигини уч қиррали призмадан ўтказиб, натижада экранда ҳар хил ранглардан иборат кенг ёруғлик дастаси ҳосил қилди. Экранда кўринган ранглар спектр ранглар бўлиб, улар қуйидаги тартибда жойлашган эди: қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, зангори, кўк ва бинафша ранг ( 2 - расм).

Махсус асбоб – спектроскоп ёрдамида кўплаб аниқ ва равшан спектрларни ҳосил қилиш мумкин.

---

<sup>3</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 1 боб.

Оқ ёруғлик аслида мураккаб бўлиб, рангдорлик жиҳатидан шунчалик турли – туман, бир рангдан иккинчисига ўтишда яна бир катор ранг турлари сезилади. Спектр рангларни ёмғир ёғиб ўтгандан кейин осмонда пайдо бўладиган камалакда, фавворалардан отилаётган сув зарраларида кузатиш мумкин. ( 3 - расм). Спектр рангларни қайта бир жойга тўпланса, оқ ёруғлик ҳосил бўлади.

Ньютон рангларнинг физика фани нуқтаи назаридан ўрганган бўлса, немис шоири ва санъатшуноси И.В. Гётени кўпроқ рангларнинг киши танасига кўрсатадиган таъсири қизиқтирган, Гёте “Ранглар ҳақидаги таълимот” номли асарида рангларни илиқ ва совуқ турларга ажратиб, илиқ (сарғиш - қизил) ранглар кишида кайфи – чоғлик туйғусини уйғотиши ҳақида ёзган.

XIX асрда немис табиатшунос олими Г.Л. Гельмгольц рангшунослик назариясида муҳим янглик яратди. Кўп йиллик тажрибалар асосида хроматик рангларни – ранг туси, рангнинг оч – тўқлиги ва тўйинганлиги каби учта асосий аломати асосида туркумлаш кераклигини кўрсатади.

Ранг муаммоларини ўрганишга япон олимлари ҳамиша жиддий қарашган. Ҳозир ҳам дунёда ягона Токио ранг институтида инсонга таъсир этадиган табиат ходисаси бўлган ранг илмий тадқиқ этилади.

Рангларнинг номини ифодаловчи, яъни уларнинг бирини қизил, иккинчиси кўк, учинчиси бинафша ва ҳоказо деб аталишига асос бўлган белгиси ранг туси дейилади.

Бирор хроматик рангга озроқ кулранг қўшсак, унинг шўхчанлиги пасайиб нурсизланади. Бу хол рангнинг кам тўйинганлигидан, яъни унинг таркибида соф бўёқнинг камайганлигидан дарак беради. Демак рангнинг тўйинганлиги деганда, унинг кул рангига нисбатан *рангдорлик* даражасини, тозаллигини тушуниш керак.

Юқорида айтилганлардан маълум бўлдики, хроматик ранглар бир – биридан ранг туси, рангнинг оч тўқлиги ва тўйинганлиги каби учта хусусияти билан фарқ қилади. Спектрни синчиклаб кузатсак, унинг энг чеккасидаги қизил ва бинафша ранглари орасида ўхшашлик аломатини сезамиз.

“Қуёш спектри шкала-даража кўрсаткичининг бутун узунлиги бўйича энг юқори ёрқинлик ва рангларнинг энг бой таркиби билан характерланади. Бундай ёруғлик сабабли қуёш остидаги турли рангдаги предметларнинг кўпи акс этувчи ёруғлик манбаи бўлиши мумкин. Қуёш нури билан ёритилган предметларни ҳаққоний тасвирловчи картина қуёш спектрининг ўзи каби биринчидан, умумий ёруғлиги билан, иккинчидан, кўп ранглилиги билан, учинчидан, тўқ жойларнинг камлиги билан ажралиб туради”<sup>4</sup>.

Иккала ранг бир – бирига қўшилса, уларнинг оралигида қирмизи ранглар ҳосил бўлади. Бу ҳосил бўлган рангни қизил ранг бинафша рангнинг ўртасида жойлаштирилиб спектр туташтирилса, ҳалқа келиб чиқади. Буни рангшуносликда *ранглар доираси* деб юритилади. (4 - расм).

“Ранг доираси – бу шунчаки электромагнит спектрнинг айлана бўйлаб жойлашган, кўринадиган қисмидир”<sup>5</sup>.

Рангтасвирнинг илмий негизини рангшунослик фани ташкил қилади. Рангшунослик бўлғуси рассомларга рангларнинг табиатда ҳосил бўлиши ва тарқалиши масалаларини, уларнинг атроф - муҳит таъсирида ўзгариб кўринишини, бўёқларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш йўлларини ўргатади.

Ранглар доирасида қизил, қизғиш - зарғалдоқ, сарик, сарғиш - яшил, яшилтаб - зангори, ҳаворанг, кўкимтир ҳаворанг, кўк, кўкимтир - бинафша, қирмизи рангларнинг ҳар хил туслари кўринади.

---

<sup>4</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 1 боб.

<sup>5</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 1 боб.

Ранглар доирасида ранг туслари жуда кўп бўлиши мумкин. Лекин кўзларимиз 180 тага яқинини ажратишга қодир. Рангларнинг доира бўйлаб жойлашиш тартиби сақланиб қолади. Ранг доираси икки тенг бўлакка бўлинса, биринчи ярмида қизил, зарғалдоқ, сарғиш - яшил (пистоқи) ранглар жойлашган бўлиб иссиқ ранг гуруҳига киради, иккинчи ярмида эса яшил хаворанг, феруза, зангори, кўк, бинафша ранглар, совуқ ранглар гуруҳи ҳисобланади. Бундай номланишига сабаб - қизил, сариқ ранглар оловни, қизиган темирни, чўғни эслатса, хаворанг, зангори, яшил кўклар эса музнинг, сувнинг ранггини эсалатади. Бу фарқланиш нисбий бўлиб, ҳар қандай илик ҳам ўзига нисбатан илиқроқ ранг ёнида совуқ бўлиб кўриниши ва аксинча, совуқ ранг ўзидан совуқроқ ранг ёнида илиқроқ туюлиши мумкин. (5 - расм)

Шундай рангларда ишланган рассомларимизнинг рангтасвир асарларига назар ташласак, унда асарнинг умумий ранг тузилишида ёрқин, шўхчан рангдаги бўёқлар ишлатилганини кўрамиз. Оч ҳаво ранг, оч сариқ, тўқ сариқ, зарғалдоқ, оч қизил, пушти ва шунга ўхшаш рангларга кўзимиз тушади. Рассом асарларида иссиқ ва совуқ ранглар ҳар доим ёнма - ён туришини кузатишимиз мумкин.

Бунинг учун эса рангларни аралаштириб ранг тусларини тайёрлашни яхши билишимиз керак.

*Саволлар:*

- 1. Рангшунослик фани нимани ўрганади?*
- 2. Рангшуносликни кимлар ўрганган ва илмий ишлар олиб борган?*
- 3. Спектр ранглари қайсилар?*
- 4. Гёте рангларнинг қайси томонларини ўрганган?*
- 5. Рангшуносликнинг рассомчиликдаги ўрни?*
- 6. Ранг доираси нима?*
- 7. Асосий ранглаар қйсилар?*
- 8. Кўзимиз нечта рангларни ажрата олади?*

## 1.2. Композиция асослари ҳақида

Композиция воситаларини ўрганишга катта эътибор қаратиб, унинг пластик формасини бадиий образларда очиб беришдаги аҳамиятини ўқувчига тушунтириш зарур. Ўқиш жараёни дунёдаги етук бадиий асарлар ва халқ санъати асарларини таҳлил қилиш, тушунтириш асосида олиб борилади. Бадиий асар ғоясини очиб беришда қўлланган композиция воситаларини тушунишга кўникма ҳосил қилинади.

Композицияни ўрганиш бадиий асар яратиш устида ишлашнинг айрим босқичлари аҳамиятини тушунишни, бирон бир фикр орқали мазмунли бадиий асар яратиш талабада кўникма ҳосил қилишининг босқичи бўлиб қолиши керак.

Пластик бадиий образ яратишда ғоя ва туйғу бирлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Композиция асосларини ўрганишда дастлабки ўқув машғулотлардан бошлаб композиция қонун - қоидалари, воситалари, усуллари, борлиқни картина текислигида ечиш, тасвирлаш усули ва услубларини изчиллик билан ўрганадилар.

Композиция асосларини ўрганиш ўқув вазифаларининг мавзу бўйича тасвирий амалий эскизи, шунингдек ўқув жараёнидаги курс вазифалари, шакллар композицияси устида иш олиб боришни назарда тутади.

Композиция асослари мавзуси устида ишлаш жараёнида чизматасвир, қоралама ашёлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Талабанинг композиция асослари фани юзасидан фикрлаш ва кўникма қобилятини ўстиришда мустақил ишлаши катта роль ўйнайди. У нафақат ўқиш жараёнининг давоми, балки, бўлажак рассомнинг шахсий қобилятини ўстиради, теварак атрофни ва борлиқни кузатишда ижодий қобилятини оширади.

Тексилликда композиция асосий қонун - қоидаларидан фойдаланиш ўқув - машқ эскизида шакллар, қиёфалари, планлар орқали кўрсатиш билимига эга бўлади.

Композиция асослари фан дастурининг кейинги босқичларида пластик ечим ва замонавий услублар билан таништирилиб борилади. Шунингдек, композиция асосларидан вазифалар аста - секин мураккаблашиб боради.

Композиция асослари фани ўқув жараёнида рангтасвир, чизматасвир, ашёда ишлаш каби фанлар билан узвий боғланган ҳолда давом эттирилади.

### **1.3. “Рангшунослик ва композиция асослари”**

#### **фанининг мақсад ва вазифалари**

Тасвирий санъатда “Рангшунослик ва композиция асослари” фани малакали мутахассис рассоми тайёрлаш борасида унинг касбий хусусиятларни ривожлантирувчи, шунингдек, иқтидорли, ижодкор рассом кўникмаларини ўзида намоён қилувчи ва соҳага қизиқиш уйғота олувчи, ўз йўналишини топишда, айниқса, бадиий асар композицион қурилишини ўргатувчи фан сифатида зарурияти катта.

“Рангшунослик ва композиция асослари” фанини ўқитишдан мақсад – талабаларда рангтасвир композициясини яратишда турли усул, қоидалардан фойдаланиш йўллариини ўргатишдан иборатдир.

Композиция асослари фани мукамал композиция яратиш қонун - қоидаларини, воситаларини ўз ичига қамрайди.

Бўлғуси ижодкор мутахассислар тасвирий санъатнинг реалистик мактаб анъаналарини ўрганиш, сақлаш ҳамда ривожлантиришда ҳозирги замон тасвирий санъати янги пағоналарини эгаллаш, яратилган асарларни бадиий таъсирчанлигини англаш, ҳис этиш ва унинг бадиий ғоясини ошириш, ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича назарий ва амалий билимларини шакллантиришдан иборатдир. Малакали рассом тайёрлашда “Рангшунослик ва композиция асослари” фани муҳим аҳамиятга эга.

Фаннинг вазифаси - Бадий образга мос элементларини ҳисобга олган ҳолда композиция яратиш кўникмасини ҳосил қилишдир

Шунингдек, рангтасвир композициясининг асослари, вазифаси, композициянинг аҳамияти ҳақида тушунча бериш муҳим аҳамиятга эга.

“Рангшунослик ва композиция асослари” фаннининг асосий мақсади образли ва ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш, ҳаётдаги гўзалликни, янгиликни, илғорликни кўрабилишни тарбиялаш жараёнидан иборат бўлади.

“Композиция асослари” фани мукамал композицияли асар яратиш қонун қоидаларини, воситаларини ўз ичига қамрайди. Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда рангтасвир композициясини яратишда турли усул, қоидалардан фойдаланиш йўлларини ўргатишдан иборатдир. Шунингдек, рангтасвир композициясининг вазифаси, уни мавзу билан боғлаш, композиция асосининг аҳамияти ҳақида тушунча беришни мақсад қилинади.

Рассом ижод этаётгандагина ёки бевосита санъат асарлари яратаётгандагина санъаткор бўлиб қолмай, у санъат асарларини идрок этаётганида ҳам ижодкор эканлигини тушуниши зарурдир. Бунинг учун эса фикр, ғояни қандайдир тартибда ифодалаш, тасвирлаш тартиб қоидаларига композиция асослари фани қатта ёрдам беради. Шунинг учун қўлланмада композиция асоси, унинг воситалари, композиция элементларидан; симметрия, ассимметрия, формат (текислик), масштаб, контрастлар ва бошқалар ҳақида баён қилишга ҳаракат қилинди.

“Композиция асослари”ни ўрганиш бадий асар яратиш устида ишлашнинг айрим босқичлари аҳамиятини тушунишни, бирон бир фикр орқали мазмунли бадий асар яратишда кўникма ҳосил қилиш муҳим босқичи бўлиб қолиши керак.

Композиция асосини ўрганишда дастлабки ўқув машғулотлардан бошлаб композиция қонун - қоидалари, тасвирлаш усули ва услубларини изчиллик билан ўрганадилар.

*Саволлар:*

- 1. Композиция асослари фани нимани ўргатади?*
- 2. Композиция асослари қандай фанлар билан боғлиқ?*
- 3. Рангшунослик ва композиция асослари фани нимани ўргатади?*
- 4. Рангшунослик ва композиция асослари қандай фанлар билан боғлиқ?*
- 5. Рангшунослик ва композиция асослари фанини ўрганишдан мақсад нима?*
- 6. Композиция элементлари нима?*
- 7. Композиция асослари ўз ичига нималарни қамраб олади?*
- 8. Рангшунослик ва композиция асослари фанининг вазифаси нима?*

## **11 БОБ.**

### **11.1. РАНГНИ ҲИС ҚИЛИШ**

#### ***Ахроматик ва хроматик ранглар.***

Тасвирий санъатда рассом ўз ижодида чизиқлар, шакллар ва ранглар ёрдамида асарлар яратар экан, ранг сезиш қонуни алоҳида аҳамиятга эгадир.

Одатда кўриш сезгиси икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга ахроматик рангларни сезиш туркуми : унга қора, оқ ва кулрангнинг қорадан очранг туригача киради. (6 - расм)

Иккинчи гуруҳга хроматик рангларни сезиш туркуми : бунга қора, оқ ва кулрангдан бошқа, яъни қизил, қовоқ ранг, кўк, мовий, яшил, сариқ ва бошқа ранглар киради. (7 - расм)

Шуни ҳам айтиш керакки, ахроматик рангга фақат тоза оқ, кулранг ва қора ранг киради. Қийинчилик билан фарқ қиладиган қизилроқ, кўкимтир ёки сарғишсимон ранглар *хроматик ранглар* ҳисобланади.

Рангларни аралаштириш Ньютоннинг алоҳида изланишлари тубандаги асосий қонунларга бўйсунди.

*Биринчи қонун.* Ҳар бир хроматик рангда бошқа бир хроматик ранг мавжуд бўлиб, уларнинг аралашмасидан ахроматик ранг пайдо бўлади.

Бундай жуфт ранглар бир – бирига қарши (контраст) бўлади, улар қўшимча ранглар деб аталади. Масалан: сариқ, рангга – бинафша ранг, қизил ранга – яшил ранг, яшилсимон рангга олча ранг ва бошқалар.

*Иккинчи қонун.* Қўшимча ранг бўлмаган икки рангнинг аралашмаси учинчи янги рангни (оралиқ) пайдо қилади. Қизил ва кўк рангни аралашмасидан бинафша ранг ҳосил бўлади, кўк ва сариқ рангдан яшил ранг ҳосил бўлади ва бошқалар.


*Учинчи қонун.* Ранг аралаштирилаётганида унинг спектр туркумига боғлиқ эмас. Яъни аралаштирилаётган ранг бошқа ранглар аралашмасидан тузилган бўлиши ҳам мумкин. (4 - расм)

Масалан: сариқ билан қизил ранг аралашмаси сариқ ёки қизил спектр рангига мос келишидан қатъий назар қовоқранг ҳосил қилади.

Инсон кўз орқали атрофидаги маълумотни қабул қилиб олади. Унинг тузилиши жуда мураккаб бўлиб анатомия курсида ўрганилади. Кўз катакчалари қатлами жуда сезгир бўлиб, нерв маркази қаламчалари билан боғлангандир. Қоронғиликда кўз атроф - муҳитни оқ - қора (ахроматик) ранг тусларида қабул қилади. Кундуз куни эса кўп рангли (хроматик) тусдаги тасвирини кўради.


*Кўзнинг спектр сезиши.* Одам кўзи ахроматик ва хроматик рангларнинг 10000 хил ранг тусини фарқ қила олади. Шунинг билан бирга кўз ўртача ёрқинлик даражасидаги спектрнинг (бинафша, зангори, мовий, яшил, сариқ, зарғалдоқ, қизил) 180 хил ранг тусини аниқлай олади.

*Рангларни ҳис қилишида кўзнинг хусусияти.* Рассомлар ишида (ижодида) рангларнинг бир - бирига таъсири муҳим аҳамиятга эга.



8-расм. Кўз схемаси

боғлиқдир. Бошқачача қилиб айтганда кундуз кунидан қоронғуликка ўтганда кўз ҳам шунга қараб мослашади ёки адаптация ҳосил бўлади. (8 - расм)



8-расм. Кўз схемаси

Чехословакиялик олим Ян Эвангелист Пуркинъе (1787-1869) кўп синовлар ёрдамида ёруғлик ўзгаришига қараб ҳар хил шакл ранги ёрқинлиги ва ранг тўлқини узунлиги ўзгаришини аниқлади. Ҳар хил ёруғлик ўзгариши кўзимиз спектр сезувчанлиги билан

Биз ёруғликдан қоронғи хонага кирар эканмиз анча вақтгача атрофдаги шакллари тусини ва рангини бирданига аниқлай олмаймиз. Чунки одам кўзи дарров кўника олмайди. Шунингдек

қоронғиликдан ёруғликка чиққанимизда ҳам кўзимиз бир

мунча қисилиб атроф - муҳитни англай олмаслигимиз мумкин. Бу ҳолатни адаптация, яъни кўникиш деб атаймиз.

Иккала ҳолатда ҳам биз шаклланинг ранги ва тусини бир мунча аниқлайолмаймиз. Бунинг учун бироз кўзимизни чиниқтириб кузатишга тўғри келади. Шу ҳолатда аввало фақат тус фарқларини англайолсак, кейинчалик ранглар фарқини аниқлаймиз. Аммо нозик фарқларини бироз вақтдан кейин англашимиз мумкин.

Шундай қилиб ёруғликдан қоронғуликка ўтганда кўз олдимизда қизғиш-зарғалдон спектр ранглари қуюқлашганини ва яшил – кўк ранглар эса оқаришини кўрамиз. Масалан, қизил атиргулни ва кўк гулни икки хил даражадаги ёруғликда таққослаб кўрайлик. Бу тажрибада кузатганимизда кечкурун қизил атиргул қорамтир бўлиб кўринса, кўк гул эса анча оқишроқ эканлигини кўрамиз.

Контраст теварак - атроф рангли фон таъсири остида ҳосил бўлади. Ранг контрасти ранг туси тозалиги ва ёрқинлиги ранг сезиш ўзгариши таъсирида кўриш мумкин. Ранг ўзгаришини сезишимизни қарама - қарши ранг фонидан ранг ўзаро таъсир кучини оширади. Масалан, кулранг доира бўлакчаси оқ ранг фонидан тўқлашади, қора фонда эса оқаради. Шунга эътибор бериш керакки ранг ўзгариши қўшимча ранглар йўналишида ҳосил бўлади. Тўқ қизил ранг қўшимчаси яшил ранг, сариқ рангга эса кўк ранг ҳисобланади. (9 - расм)

Шуни ҳисобга олиш керакки, қайси ранг кўпроқ юзани олса шу рангнинг контрасти таъсири кучлидир. Масалан, агар катта қизил текислигида кичкина яшил ранг бўлакчаси бўлса, қизил рангга нисбатан контраст таъсири кўпроқ бўлади.

### **Саволлар:**

1. *Ахроматик ранг қандай пайдо бўлади?*
2. *Хроматик ранглар қайсилар?*
3. *Уч қонунни бир-биридан фарқи нимада?*
4. *Адаптация (кўникма) нима?*
5. *Рангларни ҳис қилишда кўзларнинг хусусияти нимада?*
6. *Ранг бўйича Ньютон биринчи қонуни қандай?*
7. *Ранг бўйича Ньютон иккинчи қонуни қандай?*
8. *Ранг бўйича Ньютон учунчи қонуни қандай?*
9. *Ян Эвангелист Пуркинъе ким?*

## 11.2. Бир ватқнинг ўзида таққослаш (солиштирув).

Кандай килиб бир ватқнинг ўзида шакл ва рангдаги ёруғлик фазовий макон, перспектива таъсирига асосланган ўзгаришларни кўриш мумкин? Нур-соя ва ранглار муносабатани кай тарзда белгилаш мумкин?

Маълумки, буюмларнинг сифати ва хусусияти бошқа буюмларнинг сифати ва хусусияти билан таққослаш натижасида англанади.

"Таққослаш - деб айтади Қ.Д.Ушинский - ҳар қандай тушунча ва ҳар қандай фикрнинг асосидир. Оламда барча нарсаларни таққослаш орқалигина ўрганамиз. Агар бизнинг қаршимизда ҳеч қандай жисм билан солиштириш ёки фарқлаш мумкин бўлмаган жисм турса ва бу жисм ҳақиқатда мавжуд бўлса, биз у ҳақида ҳеч қандай фикр ва ҳаттоки ҳеч қандай сўз айта олмас эдик".

Рассом шакл ва рангларнинг пропорционал муносабатлари билан ишлайди. Тасвирлаш жараёнида натурада мавжуд бўлган ўзаро фарқларни сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Бу фарқларни эса буюмларни ўзаро таққослаш орқалигина кўриш мумкин.

Турли масофада жойлашган буюмларнинг ўзаро тафовутини таққослаган ҳолда, яъни уларнинг катталиги, ёруғлик даражаси ва ранг сифатлари орасидаги фарқни солиштириш натижасида ҳар бир буюмнинг ўзига хос перспектив ўлчамини ва рангини аниқлаш мумкин.

“Предметлар қиёфасини биз тунда ғира-шира, кундузи аниқ кўрамыз. Ёруғлик предметлар чегараларини намоён қилади, қоронғилик уларни беркитади”<sup>6</sup>.

Рассом - педагоглар пропорция ва тус муносабатларини белгилашнинг нақадар муҳим эканлигини таъкидлаш мақсадида одатда ўз шогирдларига куйидаги жумлани тез - тез такрорлаб туришади: "Инсоннинг бош қисмини тасвирлаш жараёнида, унинг оёғига эътибор қаратинг, ва аксинча оёқ қисмини чизиш жараёнида инсоннинг бошига ахамият беринг". Мазкур

<sup>6</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 3 боб.

*зайритабиий* жумлада ҳаққоний моҳият мавжуд. Зеро, предмет ва объектларнинг ўлчами, ёруғлик даражаси ва ранг сифатларини ўзаро таққослаш орқали уларнинг аниқ катталиги ёки рангини белгилаш ҳамда буюм ва ранглар орасидаги ўзаро тафовутни кўриш мумкин.

Бироқ таққослашдаги амалий жараён баъзи бир мураккабликларга боғлиқ ва буюмларни одатий кўришда деярли амалга ошмас ҳодисадир. Агар инсон нигоҳи турли масофадаги шакл ва объектларни бир вақтнинг ўзида аниқ ва тиниқ кўра олганда эди, таққослаш жараёни бир оз енгил кечарди. Гап шундаки инсон нигоҳи бир қанча предметларга эътибор қаратган бўлса ҳам, улар бир хил қабул этилмайди. Масалан, бир гуруҳ буюмларни икки қисмга бўлиб жойлаштирилса ва яқин масофада турган биринчи қисмга нигоҳ қаратилса, иккинчи қисмдаги буюмлар ноаниқ кўриниш касб этади. Ёки аксинча, узокроқ масофага жойлаштирилган иккинчи қисмдаги буюмларга нигоҳ қаратилса, уларнинг ранги ҳамда бўртма шакллари аниқлик касб этиб, биринчи қисмдаги буюмлар ноаниқ кўринади. Яна бир мисол, агар китобни очиб, икки кўз нигоҳи варақнинг марказига қаратилса, ҳаттоки бир хил масофа ва бир хил текисликда ҳам, беш - олти ҳарфдан иборат битта сўздан ортиқ сўзни кўриш мумкин эмас. Қолган атрофдаги сўзлар ёки бутун варақ ноаниқ кўринади. Бу ҳодиса бир гуруҳ нарсаларни кўриш жараёнида ягона предмет шаклигина кўз сетчаткасидаги аниқ кўриш маконига жойлашиш имкониятига эга эканлиги билан изоҳланади. Сарик доғ деб шартли номланган бу макон туғноғич бошидан бир оз каттароқ ўлчамга эга. Табиий равишда, инсон нигоҳи бир бор бир буюм юзасини ёки бир нечта буюмларнинг аниқ кўра олиш имкониятига эга эмас. Шу билан бирга турли масофада жойлашган буюмларнинг шакл чизиқлари аниқлиги, ёруғлик ва ранг сифатларини фарқи ва ўхшашлигини таққослаш ва белгилаш учун уларни бир вақтнинг ўзида ва бир хил аниқликда кўриш зарур.

Барча объектларни бир вақтнинг ўзида кўриш - "бир варакайига кўриш" ҳамда барча объектларни яхлитликда кўриш - "яхлитликда ҳис этиш" жараёни кўринаётган натуранинг нур - соя ва ранг муносабатларини

*перспектив* ва бошқа ўзгаришлар билан белгилашга имконият беради. Масалан шаҳар манзараси кўринаётган очиқ дераза олдида қўйилган гулдастандан иборат натура жойлашувидаги нур - соя ва ранг муносабатларини аниқ топиш учун, инсон нигоҳи камраётган барча нарсаларга бир вақтнинг ўзида қараш ва уларни кўриш керак бўлади: дераза пардаси, гулдаста ва ойна ортидан кўринаётган шаҳар манзараси.

Яхлитликда хис этиш натижасида инсон онгида тасвирланаётган картинанинг умумий кифоаси муҳрланади ва рассом натурадаги турли объектларнинг ранг муносабатларини тўғри белгилай олади.

Одатий кўриш жараёнида нур - соя ва ранг муносабатларини аниқлашга қийинчилик туғдирувчи кўриш хусусиятининг яна бир ўзига хослиги мавжуд. Маълумки, турли даражада ёритилган юзаларга нисбатан кўриш ҳиссиёти ўзгарувчандир. Натура жойлашувидаги ёрқин ёритилган объектни кўриш ҳолатида буюмларни таққослаш ва тус муносабатларини топиш жараёнида кўзнинг ҳис этиш фаолияти кучсизланади. Нур - соя ва рангнинг нозик хусусиятларини ҳис этиш қийинлашади. Агар рассомнинг нигоҳи ожиз ёритилган объектга қаратилса, аксинча, тескари жараён содир бўлади. Бу ҳолат тус муносабатларини тўғри белгилашга тўсқинлик қилади, чунки буюмлар кўзнинг турли хил таъсирчанлигида кўриб чиқилади.

*Агар ягона* буюмнинг ўзигагина эътибор қаратмасдан, бир вақтнинг ўзида *турли* ёритилган буюмларнинг барчасига қаралса, кўз доимий ёритилиш шароитларида бўлади ва унинг таъсирчанлиги ўзгаради. Бу жараён туслардаги тафовутни тўғри аниқлашга ёрдам беради.

Кўриш ҳис туйғусининг яна бир ўзига хослигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Кўриш марказига яқин масофада жойлашган натурадаги буюмларни кўриб чиқиш жараёнида уларнинг нафақат шакл чизиғи, шунингдек, нур ва соя ўйинларининг қарам - қаршилиги ҳам аниқроқ кўринади. Буюм кўриш марказидан қай даражада йироқлашгани сари - тусларнинг ўзаро зиддияти шу даражада камайиб боради. Агар буюмларни

навбатма - навбат кўриб чиқилса, ҳақиқий тус муносабатларини белгилаш қийин бўлади.

Демак кўриш ҳис туйғусининг барча хусусиятлари умумий яхлит кўришни, яъни кўзни бир нуқтага эмас, балки бир вақтнинг ўзида барча объектларга қаратишни талаб этади. Рассом бир вақтда нигоҳи билан тасвирланаётган натурани камраб олишни ҳамда барча тусларни диққат марказида ушлашни ўрганиши даркор. Шу билан бирга, нигоҳни биргина қисмга қаратиш лозим эмас. Аксинча, натурани рўйи - рост ҳамда барча нарсаларни баробар кўриш жараёнида буюмларнинг ранг ва ёруғлик нисбатларини солиштириш лозим: бу жараёнда нима кўпроқ кўзга ташланаётганлиги, нималар эса иккинчи даражага тушиб қолаётганлиги, қайси жисмлар тўқ қайсилари эса оч тусда эканлигини белгилаш керак. Алоҳида жисмларга эътибор қаратмаслик ва улар билан чалғимаслик ҳамда натурада барча буюмларни баробар кўра олиш мақсадида рассомлар тасвирланаётган натурани "тасаввурдаги тексилекда" жонлантиришни ёки кўзни "кенг очиб ёки қисқ ҳолатда кўриш"ни тавсия берадилар.

Б.В.Иогансон тўғри муносабатларни топиш, омадли таққослаш ҳамда барча нарсани бир вақтда кўриш борасида қуйидагича тавсиф бериб ўтган: "Икки-учта тусни бир пайтда кўриш қийиндир, бешта ва ундан ортиқ тусни эса ундан-да мураккабдир. Барча тусларни бир вақтда кўра олиш ва *ифодалаш* эса имконсиздек туюлади. Бунга кўзни доимий тарбиялаш орқали *эришиш* мумкин; кўзни дастлаб кичикроқ ва секин аста каттароқ жойни нигоҳ билан қамраб олишга ўргатиш зарур. Матога тасвирланиши лозим бўлган барча нарсани биргаликда кўра олиш керак. Шундагина аниқ ва тўғри олинмаган жойлар оркестрдаги ноаниқ нота каби қалбаки кўриниш касб этади. Малакали рассом яхши дирижёр каbidир; дирижёр скрипкани, флейтани, арфани ва бошқа чолғу асбобларини бир вақтнинг ўзида эшита олгани каби, у ҳам бир вақтнинг ўзида барча нарсани кўра олади" .

Умумий кўриш хусусиятига боғлиқ бўлган мазкур усулларнинг барчаси кўз сетчаткасининг аниқ кўриш марказига тушаётган нарсаларга эътибор

қаратмасдан, натурани ундан-да кенгроқ хис этишга ўргатишга қаратилган. Бу жараён барча нарсаларни бир вақтда ва бир хил аниқликда кўриш имкониятини беради. Бундай кўриш усулида барча буюмлар шакли ва ранги ноаниқ хис этилади, бироқ айнан шу дақиқада натурани яхлит кўра олиш ва хис этиш имконияти пайдо бўлади ҳамда бу ўз ўрнида тус ва ранг муносабатларини тўғри белгилашга ёрдам беради.

Юқоридаги фикрлардан хулоса шуки, бир вақтнинг ўзида кўриш ва буюмларни ўзаро таққослаш усули орқали нур - соя ва ранг муносабатларини белгилашга эришиш мумкин. Ранг муносабатларини аниқлашда умумий яхлитликда кўриш рангтасвирчининг барча иш жараёнида етакчи ўринга эга.

Ранг муносабатлари жиҳатидан буюмларни ўзаро фарқлаш ва таққослаш учун авваломбор бир буюм рангини бошқасидан қандай ажратиш мумкинлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш муҳим. Рангнинг асосий хусусиятлари билан яхшилаб танишиб чиқиш зарурдир.

*Саволлар:*

- 1. Яхлит кўриш нима?*
- 2. Таққослаш ҳақида Қ.Д.Ушинский нима деган?*
- 3. Таққослаш нима?*
- 4. Таққослаш қандай амалга оширилади?*
- 5. Предметлар қиёфасини тунда ва кундузи қандй кўрамыз?*
- 6. Рассом - педагоглар пропорция ва тус муносабатларини белгилашда шогирдларига нима дейди?*
- 7. "Бир варакайига кўриш" нимани беради?*
- 8. Б.В.Иогансон тўғри муносабатларни топшида нима деган?*

### **11.3 Рангларнинг асосий хусусияти**

Агар оқ қоғозни уч бўлакга қирқиб, бир бўлагини ёруғликка, иккинчисини сояга, учинчисини қоронғи жойга қўйиб, учаласига бир вақтда (бир йўла) қарасак соядаги оқ қоғоз ёруғликдагидан кулрангсимон,

коронғидагиси эса тўқ кулранг эканлигини кўрамиз. Мана шу тажрибани оқ қоғозда эмас рангли (қизил, яшил, кўк) қоғоз бўлакчалари ёрдамида кузатсак қизил, яшил, кўк ранглар сояда ҳам қизил, яшил, кўк кўринишида қолади. Кўрдикки оқ, кулранг, қора ранглар бир - биридан туси билан фарқ қилади. Оқ кулрангга нисбатан оқроқ, кулранг эса қорага нисбатан очроқ рангдалигини кўриш мумкин. Агар ранг бир - биридан озгина бўлсада ранги билан фарқ қилса албатта ахроматик рангга кирмайди. (6 - расм),

Оқ, кулранг ва қора ранглардан бошқа ранглар *хроматик* (рангли) ранг дейилади. Улар ҳам бир - биридан тўқ - оч туси билан фарқ қилади. (10 - расм)

Биз атроф - муҳитни кузатганимизда рангли ва рангсиз нарсаларга ажратамиз. Рангли нарсалар яъни қизил, яшил, сариқ, кўк, бинафша, мовий каби турларини Хроматик (рангли) деб юритамиз. Албатта улар бир - биридан ранги, туси билан фарқ қилади. Чарақлаган куюшли баҳор фаслини олайлик, теварак - атроф ниҳоятда гўзал эканлигини кўрамиз. Чунки мовий осмон, оқ булутлар, ям - яшил далалар, қип - қизил лолалар, ҳар хил рангда гуллаган дарахтлар ҳаммаси кўзни қувонтиради. Масалан, қизил олма, сариқ гул, яшил дала ва бошқа кабилар.

Рангсиз нарсалар эса фақат туси билан фарқ қилади. Буларга оқ, кулранг, қора тусли бўлиб Ахроматик деб юритилади. Масалан, оқ кўйлак, оқ гул, қора шим, қора қозон, кулранг идиш ва бошқалар. Қиш пайти кечкурунги маназарани олайлик, оппоқ қор қопланган дала ва қорамтир кулранг дарахтлар бир - бири билан фақат туслари билан фарқ қилади. Оқ бўёқни қора бўёқ билан аралаштириб яна бир қанча оралик тусларини аниқлашимиз мумкин. Улар қанчалик кўп бўлмасин бир - бирига нисбат оз бўлсада туслари билан фарқ қилади. (6-расм)

Бинафша (фиолетовый) ранг қизил рангга нисбатан қорамтир, қизил ранг эса сариқ рангга нисбатан қорамтир. Шунингдек қизил ранг сариқ рангдан қорамтирлигидан ташқари у қизил рангдир. Рангнинг қизиллиги,

ковок ранглиги, сариқлиги, яшиллиги, кўклиги ва бошқалар ранг хусусияти ранг туси деб аталади.

Қайси бир ранг бўёқни (оқ ва қорадан бошқа) кулранг бўёқ билан аралаштирсак бир неча мураккаб ранг тусларини ҳосил қилишимиз мумкин. Агар рангли бўёқ тусидаги кулранг билан аралаштирсак жуда кўп бир хил тусдаги ранг бўлакчаларини топамиз. Очроқ тусдаги рангни ҳосил қилиш учун оқ бўёқ, қорамтир тусдаги рангни ҳосил қилиш учун эса қорамтир бўёқ билан аралаштириш мумкин. (10 - расм)

Бўёқ таркиби тиниқ қизил ранг бўлса кулранг бўёқ ранги билан аралашмаси эса тиниқ қизил ранга ўхшамайди. Қизил ранг таркибида кулранг қанчалик кўп бўлса кулранга яқинлашади, рангсизланади. Хроматик ранг даражасининг фарқи ахроматик ранг тусига қанчалик яқинлашса уни тўйинганлиги дейилади. Шунингдек қизил ёки бошқа ранг таркибида кулранг миқдори даражаси қизил ранг тўйинганлигини ўзгартиради. Хроматик ранглар бир - биридан ёрқинлиги, ранг туси ва тўйинганлиги билан фарқ қилади. Масалан, лимон ранги бинафша рангга нисбатан кам тўйинган.

Тўйинганлик – бу ранг туси, рангдорлик даражасидир. Бинафша ранг (краплак) шунингдек бақлажон (ултрамарин) ранг туси лимон рангига (сарик) нисбатан туси фарқлиги бизга маълум. (4 - расм)

Ранг ёрқинлиги, туси ва тўйинганлиги рангни асосий хусусияти (**СВЕТЛОТО**) дейилади. Ранг ҳақидаги фанда рассомлар “ёрқинлик” терминининг “ёрқинлик кучи” билан алмаштириб ишлатадилар. Ранг туси тушунчасини рассомлар ранг деб атайдилар(ранг туси бўлмаган ахроматик рангларни ранг турига қўшмаслик керак). “Тўйинганлик” термини тушунчаси ранг ёрқинлиги билан боғлиқдир.

Атрофни кузатганимизда айниқса баҳор, ёз пайтлари яшил ўтлоқлар, дарахтлар, кўм-кўк осмон, қизил, сариқ, бинафша рангда гулларни кўрамиз, завқланамиз. Ранглар жилоласидан руҳимиз кўтарилиб хурсанд бўламиз. Кечки пайт қуёш ботиши арафасида қизил қуёш, қизғиш булутлар, осмон ҳам

қизаргандек манзарани кузатамиз. Ёнаётган ўчокдаги ўтқи қизил, сариқ, зарғалдоқ ранглар жилосини томоша қиламиз. Шунинг учун ҳам қизил, сариқ, зарғалдоқ каби ранглар тўпламини иссиқ ранглар деб юритамиз.

Қорли қиш манзарасида эса кўк осмон, оқ, кулранг, кўкимтир музлар, қорамтир дарахтларни кўришимиз мумкин. Ана шу ранглар тўплами, яъни яшил, мовий, бинафша, кўк каби рангларни совуқ ранглар тўплами деб юритамиз.

Албатта бу иссиқ ва совуқ ранглар бир-бирига нисбатан бўлиши мумкин. Қанчалик ранглар билан машқ қилсак кўзимиз шунчалик нозик ранг тусларини ажрата олиши мумкин.

Иссиқ ва совуқ ранглар тушунчаси нисбийдир. Иссиқ ранг ундан иссиқроқ ранг олдида совуқроқ бўлиши ва аксинча совуқ ранг эса ўта совуқ ранг олдида нисбатан совуқроқ кўринишида бўлиши мумкин. Иссиқ ва совуқ ранг рангтасвирда катта аҳамиятга эга. Бу тўғрисида кейинроқ кўриб чиқамиз. (5 - расм)

Спектр ранги чеккасидаги гилос рангли ва кўк бинафша бироз бир - бирига ўхшашроқ. Биринчиси бинафшароқ, иккинчиси қизилроқдир. Агар уларни аралаштирсак оралиқдаги тусли ранглар ҳосил бўлади. Бу эса рангли доирадир. Ранг доираси ҳар хил 150 рангга яқин ранг бўлакчаларидан ташкил бўлиши мумкин (ундан кўп рангларни кўз ажратиши қийинроқ). Ҳамма ранг доирасида ранг кетма - кетлик сақланиб қолади.

Рангтасвирдаги ранглар гармониясини ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Шу жумладан рангтасвирда иссиқ (сарғиш, қизил, зарғалдоқ) ва совуқ (яшил, кўк, нилоби) ранглар ҳам муҳим роль ўйнайди.

*Саволлар:*

- 1. Ахроматик ранглар қайсилар?*
- 2. Хроматик ранглар қайсилар?*
- 3. Оқ, кулранг ва қора рангларни нима деб аталади?*

3. Ранг тусларини қандай ҳосил қилиш мумкин?
4. Хроматик ранглар фарқи нимада?
5. “Тўйинганлик” термини нима билан боғлиқ?
6. Иссиқ ранглар қайсилар?
7. Совуқ ранглар қайсилар?
8. Кўк, оқ, кулранг, кўкимтир рангларни нима деймиз?

#### **11.4. Умумий ранг ва тус(тон)лар ҳолати**

Ранглар муносабатини қанчалик тўғри топилишига қарамай, тасвир ҳаққоний бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун унинг колоритини, ранглар ҳолатини ва ранглар равшанлигини, уларнинг бир - бирига, об - ҳавонинг ёки куннинг ҳар хил вақти тасвирланган рассом картиналарини кўриб чиқайлик. Биз бунда қуёшли кун тасвирида рангларни равшанлигини, бўёқлар ёрқинлигини (тўйғинлигини) кўрамиз.

Булутли кун, қуёш чиқиши ёки қуёш ботиши тасвирланган ҳолатларда эса аксинча ранглар равшанлиги паст, ранглар қуюқлашган оғир ҳолатларини кузатиш мумкин. Булар рассом томонидан табиат манзараларида ёруғлик ҳолатини ҳаққоний тасвирлаганлигидир. “Ёрқин оқ предметлар, ҳаво муҳитида сариқ тусга киради. Буни булутларда кузатиш мумкин; олдинги планда булутлар нурлари оқ, узоклашиш билан улар сариқ ва горизонтда тўк сариқ ва хатто пушти тусга киради”<sup>7</sup>.

Чарақлаб турган қуёш нуридаги манзара эрталабки ёки кечки пайтдагидан ранглар туси албатта ёрқиндир. қоронғиликда ҳамма буюмлар тўқлашади, ўзаро ёрқин ва қора контрастлилик камаяди. Булутли кунларида эса ёруғлик ва соя ўртасида кескин фарқ бўлмайди.

---

<sup>7</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 2 боб.

Реалистик рангтасвирда шаклларнинг ёритилиш ҳолатини акс эттиришни билиш керак. Куннинг ҳар хил вақтида ёки ҳар хил об - ҳавода акс эттирилган манзара картинаси бир - биридан фарқ қилиши керак. Шунингдек эрталаб, кечқурун ёки куз, қиш ва ёз тасвирланган манзаралар ҳам рангларга мувофиқ фарқланади. (11,12,13,14,15 - расм)

Суриковнинг «Эрталаб ўқчининг жазоси» картинасида ранг колорити, ранг туси, бўёқ равшанлиги пасайтирилганлигини кўрамыз. У қорамтир бўёқларда ишланган. Картинадаги ўқчининг оқ кўйлагига оқ қоғозни солиштириб кўрсак, кўйлак оқ рангда эмас, балки хира-кулранг эканлигини кўрамыз. (6 - расм)

Аммо у картинада оқ бўлиб кўринади. қолган жойлари: қўл, юз, кийим ранги – ҳаммаси қорамтир ва тўқ бўёқларда тасвирланган. Эрталабки паст ёруғлик шароитида ҳамма буюмлар ва ташқи олам хиралашиб кўринади. Агар бундай манзарали картинага ёрқин ранг қўйилса, у бошқа бўёқлар ранги билан боғланмаслиги мумкин.

Масалан; қиёфа, шаклдан ёруғлик манбаини аста-секин узоқлаштирсак, ёритилган ва сояли кўринишлар хиралашётганини кўрамыз.

Қуёшли куни манзарадаги ёруғлик ва соя контраст кучли фарқ қилса, булутли куни эса аксинча хиралашади.

Ёруғлик кучи ўзгаришига қараб буюм умумий равшанлигигина эмас, балки унинг ранги ҳам ўзгаради. Ёруғлик пасайганда буюмнинг ранг ёрқинлиги (кучи) ҳам пасаяди. Булутли куни кўкатлар ранги қуёшли кунга қараганда ёрқинлиги паст. Шимолий ўлка манзараларида жанубга нисбатан ранглар жилоси, ёрқинлиги ҳам пастдир. Бўёқ билан рангтасвир ишлаш жараёнида буюмдаги энг оқ қисмини энг оқ бўёқ билан, энг ёрқин рангли жойини - ёрқин тўйинган бўёқларда ишлаш шарт эмас, фақат ранглар орасида ранг нисбатлари мос бўлса бас.

Ранглар муносабат(нисбат)и, умумий туси ва ранглар ҳолати тўғри топилган санъат асарини яхши рангтасвир дейишимиз мумкин.

*Саволлар:*

- 1. Рангларни табиатда ўзгариши қандай?*
- 2. Фаслларда ранглар ўзгариши нимада?*
- 3. Ёрузлик таъсирида рангнинг ўзгариши ҳолати қандай?*

## **111 БОБ**

### **111.1. Ранглар доираси**

Уч қиррали шиша призмадан оқ рангни ўтказсак бир неча рангларга бўлинишини кўришимиз мумкин. Бу камалак ранглар бўлиб спектр ранглари деб аталади. Бу спектр ранглар кетма-кет жойлашган бўлиб *қизил – зарғалдоқ – сариқ – яшил – кўк – мовий - бинафша* кабилардан иборат эканлигини кўрамиз. Икки чеккадаги рангларни ёнма - ён қўйиб туташтирсак доира ҳосил бўлади. Бу ранг доираси деб юритилади. (3,4 - расм)

Ранг доирасидаги қизил ранг орқали диаметр чизиғини ўтказсак карама-қарши томонда яшил ранг жойлашганлигини кўрамиз. Яшил ранг эса қизил ранг қаршисида жойлашганлигини аниқлаймиз. (4 - расм)

Доирадаги кўк ёки бинафша ранглар орқали диаметр чизиғини ўтказсак кўк ранг қаршисида зарғалдоқ, бинафша ранг қаршисида эса сариқ ранг жойлашганини кўрамиз.

Бу қўшимча рангларни палитрада аралаштирсак кулранг пайдо бўлади.

Шунингдек бу ранглар ёнма - ён жойлашганида бир - бирига нисбатан контраст ранглар ҳам ҳисобланади. (17 - расм)

Биз табиатни кузатар эканмиз яшил дала ёки боғларда очилган гуллар сариқ, қизил, зарғалдоқ, бинафша каби рангларни учратамиз. Табиат

рангларга жуда бой ҳар хил нисбатда ва ҳар хил турларда, тусларда учратамиз. Албатта ниҳоятда гўзал бўлиши мумкин. Масалан: яшил ранг кўк рангга яқин бўлса, бунга қўшимча ранг зарғалдоқ ранга яқин бўлиши мумкин.

Шундай қилиб ранг доирасидаги битта ранг қаршисида бир неча ўхшаш ранг бўлиши ва улар ўзига хос чиройли нисбатда ҳамоҳанг бўлишини кузатамиз.

Ранг доирасида 6 та, 12 та ёки 24 та жуфт ранг доираси ясаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда ранглар жилосини ва контраст ранглар ҳосил бўлишининг кўплигини аниқлаймиз.

### **“Уч асосий ранг” ҳақида рангларни аралаштириш иккита асосий услуби ҳақида**

#### **Ранг доираси. Уч ранг (*Гёте ранг доираси*)**

Асосий ранглар: Сарик, кўк, қизил, яъни бошқа ҳамма ранглар асосини ташкил қилувчи ҳисобланади. (*18 - расм*)

Ана шу асосий ранглар(уч)ни маълум даражада аралаштирилса кулранг (серый) ҳосил бўлади.

Агар уч асосий рангдан икки рангни аралаштирсак учунчи ранг келиб чиқиши мумкин. Масалан, зарғалдоқни олайлик бу сарик ранг билан қизил ранглар нисбати аралашмасида ҳосил бўлади. Шунингдек кўк ва қизил ранг аралашмаси эса бинафша (фиолетовий) рангдир.

Гётени “Табиат ранг доираси” учбурчак асосида тузилган. Ана шу учбурчак учларида сарик, қизил ва кўк ранглар жойлашган. (*18 - расм*)

Иккинчи учбурчак учларида эса қўшма (тузилган) 1-даражали ранглар жойлашган. Иккала учбурчак битта олти бурчакни ташкил қилади. Бунда яшил ранг асосий бўлса қолган икки ранг қўшма ранг турганини кўраамиз. Олтибурчакларни қарама - қарши турган бурчакларини ингичка чизиқ билан

туташтириб чиқсак, бир - бирига контраст яъни қарама - қарши ранглар ётганини кўрамиз. Масалан, қизил ранг қаршисида яшил ранг, сариқ ранг қаршисида эса бинафша ранг жойлашган. Бу ранглар бир - бири билан аралаштирилса кулранг ҳосил бўлади. Агар ёнма - ён жойлашган икки рангни ҳар хил нисбатларда аралаштирсак яна бир қанча тусдаги ранглар ҳосил бўлишини кўрамиз. Шунингдек қарама - қарши турган рангни ён томонидаги, масалан, сариқ ранг қаршисидаги бинафша ранг ёнидаги қизил ёки кўк ранг билан аралаштирсак, яна бир қанча ҳар хил тусдаги ранглар ҳосил бўлишини кузатиш мумкин.

### **111.2. Қўшимча ранглар ҳосил қилиш**

#### ***Асосий ранглар ёрдамида қўшимча рангларни яратиш.***

Гёте ранг доирасидаги уч ранг асосида бошқа рангларни яратиш мумкин.

Бу асосий ранглар қизил, сариқ ва кўк ранглардир. Ана шу ранглардан бирига иккинчисини қўшсак учинчи ранг келиб чиқади. Масалан: сариққа кўк ранг аралаштирсак яшил ранг ҳосил бўлишини аниқлаймиз. Шунингдек сариққа қизил ранг аралаштирсак зарғалдоқ ранг ҳосил бўлади. Қизил рангга кўк ранг қўшсак бинафша ранг ҳосил қилган бўламиз.

Юқоридаги икки ранг аралашмасидан ҳосил бўлган учинчи ранг турлари ҳам, туси ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Одам кўзи қанчалик кўп тусни кўра билса шунча ранг тусини аниқлаш мумкин. Масалан: Сариқ билан яшил ранг орасида яна бир неча сариқга яқин яшилсимон ранг туси ҳосил бўлиши мумкин. (4 - расм)

Шундай қилиб уч ранг асосида яна уч асосий ранг ҳосил қилинган бўлса улар орасида яна биттадан ҳосил қилсак  $3+3+6+12$  каби давом эттириш мумкин. Шунингдек топилган 12 хил ранг асосида ҳар бирини оқ, қора ва кулранг аралаштириб ўн икки бўлакчадаги ранг тусини ҳосил қилиб чиқсак жами 144 та ранглар тусини ҳосил қилиш мумкин. (19 - расм)

Шунингдек контраст ранглари бир - бирига аралаштириб (ранг доирасида диаметр чизиғидаги эмас балки уларнинг ён томонларидагиси) яна бир қанча ранглар шкаласини аниқлашимиз мумкин.

Машқ қилган ҳолда 500-600 ранг тури ва тусини кўзимиз ажратаолиши мумкин.


Бунда рассом палитрасининг ранг - баранглиги ва рангга бойлигини кузатишимиз қийин эмас.


Ёш рассом учун бу машқлар катта аҳамиятга эга. Бу билан инсон кўзи ранглари яхши ажратабилиши эса гўзал асарлар яратишига катта ёрдам беради. Баъзи ранг билан ишлайдиган мутахассислар битта ранг орқали шакл ва текислик яратишига катта имкониятга эришадилар. Масалан: плакатда, хона деворларида, буюм, машина ва бошқаларда эстетик жиҳатдан гўзаллик яратишига муҳим замин бўлади.

Гёте назарияси бўйича тенг ёнли учбурчак бурчакларида асосий ранглар – сариқ, кўк ва қизил ранглар жойлашган. Доира ичига жойлашган иккинчи ағдарилган учбурчак жойлашган бўлиб, бу учбурчак учларида эса биринчи даражали ранглар жойлашганлигини кўрамиз. Иккала учбурчак олти қиррали учбурчакни ҳосил қилиб бта ранг жойлашади.

Ана шу доира ичидаги учбурчак ингичка чизиқлар билан туташган бурчаклардагилардан бири эса асосий ранг, қолган икки бурчак учидаги ранг эса кўшимча (излаб топилган) биринчи даражали ранг жойлашади. Ингичка чизиқлар билан туташган бурчаклардаги ранглар қарама - қарши ёки кўшни ранглар (контраст ранглар) ҳисобланади. Масалан: қизилга - яшил, қовоқрангга - кўк, сариқга - бинафша шулар жумласидандир. Шундай қилиб ҳар бир жуфт ранглар асосида ранглар доираси ҳосил бўлади.

#### ***Уч спектр рангнинг аралашуви.***





Б – бинафша, О – оқ.

Битта рангли ёки ҳар хил ранглар ёрдамидан фойдаланиб рассомлар холст текислигида ранг - баранг тўлақонли тасвирий асарлар яратадилар. Ҳақиқатан, тоза, тиниқ ранглар ёрқинлиги мутаносиблиги ёрдамида ясси - безакли картиналар ишлаш мумкин. Рассомлар: П.Гоген, П.Пикассо<sup>8</sup>, А.Бенуа, Ч.Ахмаров, А.Мирзаев, Ж.Умарбеков каби рассомлар асарларида нақшиндор, гўзал ранг тусларининг муҳимлигини кўриш мумкин.

Импрессионистлар манзара, натюрморт асарларида ранг ва ёруғлик муаммоларини ранг ёрқинлик нисбатлари колористик тўплами ёрдамида ҳал қилганлар.

Очиқ ҳавода рангтасвир ишлаш жараёнида ранг ва ёруғлик ўзаро таъсирини тасвирлашда рангни тозалик кучи пастроқ ва юқори ёрқинликдаги бўёқлар ёрдамида майда нуқтачалар ҳосил қилиб табиий кенгликдаги рангтасвир яратганлар. Бунда қуёш нури остида ранглар ўйинини тўлақонли акс эттирганлар.

Шундай қилиб, рангли тасвирда ҳар қандай услубда яратилган, анъанавий ёки ёрқинлик ҳар доим ўз аксини топган. Фақат унинг озроқ ёки кўпроқ ўрин олганини кўриш мумкин. Шунинг учун рангтасвир асосидан рангни баъзи рассомлар каби ажратиб қўйиш мумкин эмас. Албатта бу нотўғридир.

Рассомлар картина яратиш жараёнида бўёқларни бир неча қатламда, баъзи жойларда қалинроқ, қуюқроқ, суюқроқ рангларни тоза, ёрқин, ҳар хил тус контрастидан фойдаланиб холст текислигида тўлақонли тасвир ҳосил қиладилар.

*Саволлар:*

*1. Ранг айланаси нима?*

---

<sup>8</sup> Klaus Reichold, Bernhard Graf. PAINTINGS that Changed the World

2. *Спектр рангларга қайси ранглар киради?*
3. *Ранг айланасидаги деаметр чизигидаги ранглар нима деб аталади?*
4. *Гёте ранглари қайсилар?*
5. *Икки ранг оралигида қайси ранглар пайдо бўлади?*
7. *Қўшимча ранглар қандай ҳосил бўлади?*
8. *Учбурчак учларида қайси ранглар?*
9. *Олтибурчак учларида қайси ранглар жойлашган?*
10. *Асосий ранглар қайси ранглар?*
11. *Контраст ранглар нима?*
12. *Контраст ранглар аралашмасидан қайси ранг ҳосил бўлади?*
13. *Ёнма-ён жойлашган икки ранг аралашмаси нимани ҳосил қилади?*

### **111.3. Контраст ранглар топиш**

Картинада иссиқ ва совуқ ранглар қарама - қарши келиши табиатдаги ёруғлик ва соя рангларга асосланади. Табиатда ёруғлик совуқ рангда бўлса, соя иссиқ рангда бўлади ва аксинча. Иссиқ ва совуқ ранглар ёнма - ён туриши текис ёритилган юзада ёки хира текисликда ҳам бўлиши мумкин.

Бирон ранг ёки ранг бўлакчани кузатганимизда ранг контрасти қонунияти асосида унинг чегарасида қарама - қарши ранг ҳосил бўлади. Контраст ранг сезгидан ташқари ёруғлик нури таъсирида ҳам ҳосил бўлади. Яъни, қуёшли қиш куни қор сояси кўк рангдалиги, осмон рефлекси, сарғиш - зарғалдоқ қуёш нури билан ёритилган қор ранги контрастини (кўк) ҳосил қилади. Ёз кунлари сояларнинг ёрқин кўк - нилоби ва бинафша рангларда кўриниши ҳам контраст ранг тасаввурини ҳосил қилади. (20 - расм)

Рассом буюмларнинг ҳар хил рефлексларини тасвирлашдан ташқари, холст юзасида ёруғлик ва соя жойларида ҳам иссиқ, совуқ ранглар жилосини акс эттиради. Буларга эътибор бермаслик ранглар муносабатини сохталаштиришга олиб келади, табиийликни идрок қилишимизга салбий таъсир қилади. Ёруғлик ва соя қисмларида иссиқ ва совуқ ранглар қарама-

каршилиги нафис тасвирлаш маҳоратининг зарур шартларидан биридир. У гармоник колорит ҳосил қилишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, бой ва ҳар хил ўзаро рефлекслар, умумий ёруғлик туси ва ранглар ҳолати, асосий ёруғлик манбаининг спектр туркуми таъсири, контраст рангларнинг ўзаро таъсири каби нарсаларнинг жами рангини бирлаштиради, бир - бирига боғлайди ва яқинлаштиради.

#### **111.4. Ранглар туси (оқартириш ёки қорайтириш).**

Ранглар доирасидаги ранглардан бирига оқ бўёқ ёки кулранг бўёқ аралаштиришни аста - секин кўпайтириб борсак, асосий ранг бўлакчаси секин - аста оқариб боришини кузатамиз. Масалан: яшил рангга озгина оқ бўёқ кўшсак яшил туси бироз ўзгаради. Бу ранг бўлакчасини 12 та ранг туси бўлакчасигача ҳосил қилганимизда, энг охиргиси оқ рангда эканини кўрсак, оқ ранг билан яшил ранг оралиғидаги 10 та ранг бўлакчаси яшил бўлиб кўринсада улар бир - бири билан туслари фарқини кузатамиз. *(21 - расм)*

Агар ана шу яшил ранг қора бўёқ ёки кулранг бўёқ кўшиб ҳосил қилинган ранг бўлакчаларида яшил рангнинг аста - секин туси тўқлашганини кузатамиз.

Шунингдек, ранг доирасидаги бошқа рангларни шу тарзда оқарган ва қорайган ранг тусларини ҳосил қиламиз. Натижада ранг айланасидаги 12 та ранга оқ, кулранг ва қора кўшиб 36 та ранг гуруҳи тусидагисини аниқласак жами 432 та ранг туслар бўлакчасини ҳосил қиламиз.

Бу ранг туслари хилма - хиллиги ниҳоятда чиройли ранглар эканлигидан баҳраманд бўлсак, ранг тусини сезиш қобилиятимизни ҳам юқори даражага кўтарган бўламиз. *(10 - расм)*

#### ***Тусларнинг қалин ва оғирлиги***

Рангшуносликда ранг қалинлиги ёки қуюқлиги деганда ранг тўйинганлигини ҳам тушуниш мумкин. Яъни ранг айланасидаги сариқ рангдан бинафша ранггача ранг тусининг қалинлиги, тўқлигини машқлардан

кузатсак сарик рангга оқ бўёқ кўшиб ҳосил бўлган ранг туслари ҳам бунга мисол бўлаолади.

Табиатда кеч киришини кузатиб кўрайлик. Қуёш ботишидан олдин табиат нисбатан енгилроқ (очроқ) рангда бўлса, қуёш қанчалик уфққа ботишида ранглар ҳам қуюқлашгани ва оғирлашаётганини кузатиш қийин эмас. “Қуёш билан маълум масофада ёритилган ўртача ёрқинликдаги ранглар илиқлашади, соядагилар кўкаради. Булутли куннинг бир текис ёритишида хусусий ранглар узоклашиш билан аста-секин ўз индивидуал кирраларини йўкотадилар ва ҳамма узокдаги предметларга хос бўлган умумий мовий тус оладилар”<sup>9</sup>.

Ҳатто оқ қоғоз бўлакчаси қуёш ботишидан олдин қандай тусда эди-ю, қуёш ботаётганда оқ қоғоз кулрангсимон кўринишда бўлишини кузатишимиз мумкин. Албатта табиатдаги ранг ўзгаргани йўқ. Фақат бизнинг кўзимизга ранглар туси нисбати шундай кўринади холос. (16 - расм)

Қоронғи кеча ёки ойдин кечада ҳам кўзимиз илғаб олган ранглар бир-бирига нисбатан кўринади. Аммо нисбатан қорамтир ва қуюқлашган ранг туслардадир. Бундай ҳолатларни кузатиш бизнинг тасаввуримизни бойитади.

Шунингдек табиатдан рангтасвирлар яратиш машқларини олиб борсак ранг сезиш қобилиятимизни янада бойитади ва улар орасидаги ранглар тусини ҳосил қилиш машқлари билимимизни янада оширади. Масалан, икки хил манзарани олайлик; бири кундуз куни қуёш чарақлаб турган тасвирли манзара, иккинчиси ойдин кеча тасвирланган манзара мисолда бу фикримизни исботлашимиз мумкин. Иккала манзарадаги рангларни қиёслаштирадир бир - биридан ранглар фарқини англаш қийин эмас. Бу мисол туслар қалинлиги (қуюқлиги) ва тус, ранг оғирлиги фикримиз далилидир. (11,15 -расм)

*Саволлар:*

*1.Иссиқ ва совуқ ранглар таъсири нимада?*

---

<sup>9</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 2 боб

2. *Контраст ранглар ҳосил бўлиши қандай?*
3. *Рангларни оқартириш қандай ҳосил бўлади?*
4. *Рангларни қорайтириш қандай амалга оширилади?*
5. *Ранг доирасидаги рангларга қандай ранглар қўшиб бошқа ранглар ҳосил қиламиз?*
6. *Қуёш ўзгаришида ранглар қандай ўзгаради?*
7. *Ранг тусларининг қалинлиги нима?*
8. *Ранг тусларининг оғирлиги нимада?*

### **111.5. Рангларни яқин ёки узоқлашганлиги**

Жадвалда бир хил ўлчамдаги учта доира тасвирланган. Улар бири бирига яқин кўринса, бошқалари ётган текислигидан узоқда кўринади. Албатта бу ҳолат уларни ранги билан боғлиқдир. (22 - расм)

Бизга яқини қизил ранглардир, қизилга нисбатан бирмунча узоқ ранг – яшил ранглисидир. Ундан ҳам узоқда эса – кулранглисидир. Ранглар орасида бизга яқин қизил доирача бўлиб, у олдинга чиқаётгандек бўлади. Бу иссиқ рангларга хосдир. Биздан узоқлашаётган ранглар эса совуқ ранглардир. Рассомлар бу фаолиятдан фойдаланиб текислик юзасида чуқурлик таассуротини ҳосил қилиши мумкин.

Бўёқнинг муҳим оптик хусусияти – ранг туси, тўйинганлиги ва ёрқинлигидир. Бу хусусият бўёқ тайёрлашда бўёқ кукунининг характеристикасига боғлиқ бўлади. Шунингдек бўёқ кукунига қўшилган аралашма ҳам ранг тусига таъсир қилади.

Оқ қоғоз юзига юпқа сурилган бўёқ қатлами ранг тўйинганлиги, пасайиши табиий бўлиб ёрқинлиги кучаяди. Қорамтир қоғоз юзасига сурилган бўёқ эса аксинча. Шундай қилиб ранг туси ва ёрқинлиги даражасини биз истаган мақсадимиз даражасидаги натижага эришишимиз мумкин. (9 - расм)

Ранг тўйинганлиги (интенсивность) - бу бўёқнинг инсон кўзига таъсир кучи. Масалан, қизил ранг яшил рангга нисбатан таъсирчанлик кучи албатта юқоридир.

Рангни тўйинганлик кучини таққослаб кўришда, тўйинган ранг оқ , қора ёки кулранглардан бирини озгина қўшиб аралаштириб бўялган юза ранги, аралаштирилмаганига қараганда кам кучга эга бўлади. Шу йўл билан исталган миқдорда тўйинганлик кучидаги ранг тусини олишимиз мумкин.

( 11 - расм)

Ҳар бир буюм, шаклни кузатганимизда аниқланаётган шаклни ўз рангига эгаллигини кўраемиз. Масалан, буюмнинг оқ - қорадан кўп ранглилиги билан ажралиш сифати бу унинг рангидир.

Картинада тасвирланган буюмнинг характеристикаси нафақат унинг ранги билан ажралади, балки ёрқинлиги, ранг туси ва тўйинганлиги, шунингдек, ўлчами, шакли, жойлашиши билан фарқ қилинади.

Буюмнинг ранг тарқатиш назарияси: а) табиий ёруғликка, б) ёруғликни ютиш ва қайтариш, в) ёруғликни кузатувчи томонидан идрок қилинишига асосланади.

Рангни асосий параметри шундан иборатки: ранг туси (тон), тўйинганлиги (тозалиги) ва ёрқинлиги (светлота)дир.

Тўйинганлик ёки тозалиги ранг тусининг сифатини аниқлайди. Ранг тўйинганлиги қанчалик юқори бўлса шунчалик ахроматик (оқ, қора, кулранг) ранг тусидан фарқ қилади.

Ранг тўйинганлиги (тозалиги) шакл ёки буюмдан рангли нурларини қайтарилиши даражаси билан аниқланади.

$$P = \frac{X}{X+B}$$

P – ранг тўйинганлиги (тозалиги);

X – ранг нурунинг қайтиш сони;

B – ёруғлик нурунинг қайтиши сони;

Ранг (яркость, или светлота) ёрқинлиги ёки оч ранглиги, ранг қайтиш коэффиценти билан аниқланади. Тўйинган тоза рангни оқ ранг билан аралаштириб ранг ёйилмасини ишлаб чиқсак рангга қанчалик оқ кўшилса унинг тўйинганлиги шунчалик камаяди. Масалан, қизил рангни 12 та ранг: оқ, кулранг ва қора бўёқ кўшиб ранг бўлакчалари шкаласини тайёрланган тусини олайлик. Бу рангларни бир-бирига нисбатан тўйинганлик сифатини кузатиш мумкин. (19 - расм)

Ранг тўйинганлигини ўлчаш учун колориметр ва спектрофотометрдан фойдаланилади.

### ***Буюм (шакл) рангининг перспективада ўзгариши.***

Биз табиатда бўлганимизда узоқдаги буюмларни яқиндагиларга нисбатан унчалик аниқ кўра олмаймиз.

Бирор буюмдан узоқлашганимиз сари буюм ҳажм кўриниш кичрайиб кўринади. Шунинг билан бирга буюм ранги ҳам ўзгаради. Ҳаво таъсири остида ранг хиралашиб, ҳақиқий буюм рангидан фарқ қилади. “Тўқ ранглар узоқдан мовий ва кўк тусга киради, чунки уларни ҳавода тарқалган мовий ранг беркитади”<sup>10</sup>.

Бир хил рангли буюмни бирини яқинроқ, иккинчисини узоқроқда жойлаштирсак биринчи буюм ранги иккинчисига нисбатан ёрқинроқ рангда, иккинчиси хирароқ рангли бўлиб кўринади. Узоқда жойлашган яшил ўрмон кўк - кулрангда кўринади.

Масофага қараб рангининг ёрқинлиги ва туси ўзгариб боради. Узоқ - узоқда жойлашган буюмлар мовий (кўк) рангда кўринади. Бунга албатта биз билан буюм орасидаги ҳаво бўшлиғининг таъсиридир. (26 - расм)

Буюмнинг ҳамма ранглари узоқлашган сари ўзининг ёрқинлигини тўйинганлигини йўқотади, мовийроқ рангда кўринади.

---

<sup>10</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 2 боб

Контрастлар ранглар хиралашади. Шундай қилиб, узоқдаги жисмлар яқиндаги жисмларга нисбатан чегаралари юмшоқроқ, ранглар кучи сусаяди, туси ўзгаради.

Оч рангли буюмлар узоқлашган сари камроқ мовий рангда бўлса, тўқ рангли буюмлар кўпроқ мовий рангда кўринади. Улар қандайдир зангори тумандагидек бўлиб кўринади. Биздан узоқроқдаги буюмларни ҳаво қатлами ўраб олганлиги учун, бизга унинг ранги кўринмайди ва борган сари мовий рангда кўринади. Яъни узоқдаги тоғ, дарахт, қор кабилар бизга мовийсимон бўлиб кўриниши мумкин. Тўқ ранг эса оч рангда, оч рангдагилар эса тўқроқ бўлиб кўринади.

- Буюм рангининг ёрқинлиги ёруғлик кучига қараб ҳам ўзгаради. Ҳар хил тусга бурканиши мумкин. Ўртача ёруғликда ранглар ёрқинлиги камроқ. Кучли ёруғлик кучида ранглар очроқ. Камроқ ёруғликда эса ранглар тўқроқ ва кам тўйинган ҳолда кўринади.

Ёруғлик рангининг ўзгаришига қараб (эрталаб, кечкурун, қуёшли ёки булубли кун) кўкатлар, дарахт барглари, ер, уй томлари ранги ҳар хил тусланади. Эрта тонгда мовий ва кўк рангда, кундуз куни ҳар хил рангбаранг кўринишда, кечкурун қизғиш - зарғалдоқ рангда кўриниши мумкин. “Табиий ёки сунъий ёруғлик билан ёритилган интерьерда нотекис ёритиш юзага келади. Деразага ёки лампага яқин предметлар очроқ, улардан узоқроқда тўқроқ қилинади”<sup>11</sup>.

Рангларнинг чексиз ўзгариб кўринишига кун вақти ва ҳаво ҳолати таъсир қилади. Кечкурун қуёш нури ҳавонинг қалин қатламини қия кесиб ўтади. Шу сабабли қуёш нури ёруғлиги камаяди. Қуёш ботиш арафасида қизил, сариқ ранглар жилоласини кўрамыз. Теварак атроф буюмлари қизил – сариқ ранглар билан ёритилади, соялари эса кундуз кунидан фарқлироқ хира совуқ ранглар жилосида кўришимиз мумкин.

---

<sup>11</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 2 боб

Рангли буюм (шакл)лар ўзгаришини кузатар эканмиз, ҳар хил ранглар узок масофада ҳар хил ўзгаради. Агар қуёш бизнинг орқамизда бўлса, узокдаги тўқ ранглар оч тусда бўлиб кўринади. Тўқ ранглар биздан қанчалик узокда бўлса, у шунчалик ёруғ бўлиб кўринади. Оқ ранг биздан узоклашган сари ўз оқлигини йўқота бошлайди ва сариқ қовоқ рангга айлана бошлайди. Бу ҳолатни ёзги булутларда кузатишимиз мумкин. Яшил ранг биздан узоклашган сари ўз рангини кучли ўзгартиради ва зангори тусга кира бошлайди. (12 - расм).

Ой ёруғлигида буюмлар яшилсимон ва мовий совуқ рангларда кўринади. Ёруғлик рангини қишнинг қорли манзарасида кузатишимиз мумкин. Чарақлаган қуёшли куни оппоқ қор қизғиш (розоватый) рангда, сояда эса мовий - кўк рангда кўринади.

Ранг ёруғлик билан ёритилишига қараб ўзгариши мумкин. Электр чироғи ёруғликда ҳамма буюмлар сарғиш – зарғалдоқ рангга бурканган. Кечқурун чироқ ёруғлигидан совуқ ранглар (кўк, зангори, зангори – яшил, бинафша) қуюқлашади, қораяди. Мовий ранг яшилроқ, кўк ранг ўз қуюқлигини йўқотади, бинафша ранг қизилроқ бўлиб кўринади. Қизил ранг қуюқлашади, оч сариқ ранг эса оқаради, оқ ранг эса сариқ бўлиб кўриниши мумкин.

Одатда шакллар ўлчами тасвирланаётганда асли (натура ҳақиқий) ўлчамидан кичикроқ тасвирланади. Шунинг учун шакллар гуруҳининг умумий ўлчам бирлигини тўплаш вазифаси туради. Ана шунда буюм ва шаклларнинг ўлчамлари нисбати бир - бирига мос келиб, тасвир ҳаққоний ўхшаши мумкин. Ўлчам нисбати муносабатлари идрок қилиш қонуни фақат чизматасвирда эмас, балки рангтасвирда ранг ва тус нисбат муносабатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу рангларни ўзгариши ҳар хил ёритилиш хусусиятига боғлиқдир. Рассом ўз асарларини яратаётганда албатта шу ўзгаришларни эътиборга олиши керак.

*Саволлар:*

1. Ранг тўйинганлиги нимада?
2. Ранг ёрқинлиги нима?
3. Ранг тўйинганлигини қандай ўлчаймиз?
4. Яқинлаштирилган ранглар қайси?
5. Узоқлаштирилган ранглар қайси?
6. Ҳавойи перспективада ранглар қандай ўзгаради?
7. Табиатда узоқдаги рангларга нима таъсир қилади?
8. Электр ёруғлигида ранглар қандай ўзгаради?

### **111.6. Рангларни аралаштириш**

Рангларни оптик, механик ва рангли нурлар ёрдамида аралаштириш усуллари мавжуд бўлиб ҳар бири ўзгача хусусиятга эга.

*Рангларни аралаштириш оптик ва механик усул билан амалга ошириш мумкин. Оптик усулни театр сахнасида рангли прожекторлар ёрдамида ҳосил бўлишини кўрамиз. Масалан, кўк ранга яшил рангни йўналтирсак мовий ранг ҳосил бўлишини кўришимиз мумкин. Кўк, яшил, қизил рангларни аралаштирсак оқ ранг ҳосил бўлади. (24 - расм)*

Шунингдек уч хил: кўк, яшил, қизил рангдаги ойна шиша пластикаларини бир-бирига нисбатан схемадагидек жойлаштирсак ҳар хил ранглар пайдо бўлишини кўрамиз. (23 - расм)

Механик усул билан ранглар аралашмасида эса, ранг бўёқларни идишда (текисликда) амалга ошириш мумкин. Бу усулдан рассомлар кўпроқ фойдаланадилар. (24 - расм) Масалан, қизил бўёқ билан сариқ бўёқни аралаштирсак зарғалдоқ ранг ҳосил бўлишини кўрамиз. Бу усул билан истаганча ранглар жилосини ҳосил қилишимиз мумкин. Фақат контраст ранглар аралашмаси яхши натижа бермайди. Масалан, қизил ва яшил ранг аралашмаси бўғиқ, қорамтир, рангсизни ҳосил қилиши мумкин.

Айлантиргич доирасига ҳар хил ранглар нисбатида рангли қоғоз ёпиштириб айлантисак нигоҳимизда бошқача ранглар пайдо бўлишини кўрамиз. (24 - расм). Масалан: оқ қисмига бироз қора рангдаги қоғозни елимлаб айлантисак кулранг пайдо бўлишини кўрамиз. Кулранг туси эса оқ ва қора рангли қоғознинг нисбатига боғлиқ бўлади.

Шунингдек рангли қоғоз парчаларини қўйиб бир қанча ранглар ҳосил қилишимиз мумкин. Механик усулда аралаштиришдан фарқи биз бир қанча тоза, тўйинган, тўқ ва оч ранглар ҳосил қилишимиз мумкин.

Механик усулда аралаштирсак эса контраст ранглар кулранг ҳосил қилишини кузатиш қийин эмас.

Рангларни кўриб механик усулда аралаштиришни айниқса рассомлар кенг қўллайдилар. Рангтасвир ишлашда рассомлар палитрадан фойдаланиб, керакли ранг бўёқларни аралаштириб ва тус ҳосил қилиб тасвирий санъат асарини яратадилар. Шунингдек пардозловчилар (малярлар) ҳам биноларни бўяшда тегишли рангларни аралаштириб пардозли бўяш ишларини олиб борадилар. Масалан: бир челак оқ бўёққа озгина яшил ва қора бўёқ рангини аралаштирсак оқ рангдан ўзгача жилодаги ранг ҳосил бўлади.

Ранг аралаштириш кўникмасини ҳосил қилиш учун бир неча амалий машқ бажариш мақсадга мувофиқ. Масалан: қизил рангни оқ, кулранг, қора билан механик аралаштириб бир неча ранг бўлакчасини ҳосил қилишни кўриб чиқайлик. Қизил рангдан қорагача бўлган ранг бўлакчаларини кўрганнимизда ниҳоятда ҳар хил тусдаги қизил тўйинган рангларни аниқлаймиз.

“Спектрал рангларни оддий бўёқлардан ҳосил қилиш мумкин. Масалан, яшил ранглар лазур ва лимон-сарик ранглардан ҳосил қилинади. Қизил ранглар пушти-қизил ва сарикдан ҳосил қилинади.

Тўқ кўк, бинафша ранг, тўқ қизил ранг лазур ва крапладан. Ҳамма мураккаб ранглар оддий ёки спектрал ранглардан оқ ёки қорани қўшиш билан ҳосил қилиниши мумкин”<sup>12</sup>.

Бу машқлар бўлажак рассомлар учун муҳим аҳамият касб этиб, кўзни ранг тусларини нозик фарқларини сезишга ўргатади. Иш жараёнида самарали натижаларга эришишда яқиндан ёрдам беради. Кўп рангларни тусини сезишга катта кўмак беради. Бу қобилият рассомлар учун муҳим аҳамиятга эга.

### ***Ёруғлик ютилиши. Рангларни аралаштириш***

Физикадан маълумки ойна шиша призмадан ўтган нур бир нечта рангли нур бўлакчаларга бўлинади. (25 - расм). Ана шу нурлар олдида оқ экран қўйсақ, экранда ҳар хил спектр ранглар ҳосил бўлади. Булар гилос ранглар бир томондан, иккинчи томонда кўк – бинафшадир. Бу иккаласи спектр ранг орасида эса қизил, қизғиш - зарғалдоқ, зарғалдоқ, сариқ - зарғалдоқ, сариқ, сарғиш - яшил, яшил, кўк яшил, зангори, зангори - кўк, кўк, кўк - бинафша ранглар жойлашганини аниқлаймиз. Кулранг ёки қора экранда эса тўлиқ спектр рангларни тўқроқ ҳолда кўрамиз. Ана шу рангли нурлар йўлига хроматик рангдаги экран қўйсақ, бу экранда спектр бутунлай бошқача бўлиб кўринади. У ҳолда ранглар қисқариб (қизил ёки кўк рангсиз) ёки қайси бир бўлагида рангсиз, тўлиқ бўлмаган ҳолда бошқача ёрқинликда жойлашган ҳолатни кўришимиз мумкин.

Оқ, кулранг ва қора текислик юзасида рангли нурлар бир хил акс этса, хроматик текислик юзасида рангли нурлар ҳар хил акс этади. Баъзилари кўпроқ ҳажмда, бошқалари эса камроқ. Шунинг учун оқ, кулранг ва хатто қора буюмлар рангли нур ёруғлиги остида рангли бўёқга бўялгандек кўринади. Қизил, яшил, кўк ва бошқа рангдаги буюмлар (шакллар) ранги шу рангдаги нурлар остида ўз ранги қуюқлашади. Агар буюм ранги ёруғлик ранг нури (ёруғлиги) билан мос келмаса у ҳолда ранг тўйинганлиги камаяди ва

---

<sup>12</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 2 боб

қорамтир тусга ўхшайди. Баъзи ҳолда кам рангли тусда қорамтир ҳолда кўриниши мумкин. Чунки ёруғлик нурунинг бир қисмини буюм ранги ўзига ютади. Ёруғлик нур энергиясини ютиши натижасида бошқа энергияга айланади, яъни иссиқлик энергияга. Шундай қилиб қора рангдаги буюмлар кўёш нури остида оқ рангдагидан кўра кўпроқ қизийди. Ахроматик рангдаги буюмлар ҳар хил рангдаги ёруғлик нуруларни бир хил ютади ва қайтаради. Хроматик рангдаги буюмлар баъзи рангдаги нуруларни кўп ҳолда ютади, бошқалари эса камроқ. Қизил рангдаги буюмлар кўп ҳолда яшил рангли нуруларни кўпроқ ютади, қизилни эса камроқ. Яшил рангдаги буюм эса аксинча қизил ранг нуруларни кўпроқ миқдорда ютади ва аксинча яшил нуруларни камроқ ютади.

Агар қизил рангли ойнага қизил ранг нури билан ёритилса, у ҳолда нур ойна орқали тўлалигича ўтади. Яшил ёруғлик нуруни йўлласак, ойна эса кўп қисмини ютади, ўтказмайди. Ойна рангсиз ёки қорамтир бўлиб кўринади. Қизил ва яшил ойна биргаликда қўйилиб ёруғлик нуруни ўтказсак, ёруғлик нури кам ўтади. Ойна кўриниши эса ўта қорамтир бўлиб кўринади.

Сариқ ва кўк ойна биргаликда қўйиб нур ўтказсак у ҳолда ўзидан яшил рангли ёруғликни ўтказади. Шундай қилиб ойна шиша баъзи ёруғлик нуруни ўтказади, баъзиларини эса ўтказмайди.

*Саволлар:*

- 1. Рангларни механик усулда аралаштириши қандай амалга оширилади?*
- 2. Рангларга оқ ёки қора аралаштириб қандай рангларни ҳосил қилиши мумкин?*
- 3. Айлантурғич ёрдамида ҳосил бўлган ранг механик усулдан фарқи нима?*
- 4. Спектр ранглар қандай ҳосил бўлади?*
- 5. Спектр ранглар қайси?*

6. *Ранг тусларини қандай ҳосил қилиш мумкин?*
7. *Рангларни аралаштиришни қандай усуллари бор?*
8. *Хроматик ва ахроматик ранглар нурга бўлган таъсири қандай?*

### **111.7. Ранг муносабатларининг пропорционалиги.**

Рангтасвирда табиатдаги мавжуд рангларни ҳақиқий ёрқинлиги ва ранг кучида акс эттириш имконсиздир. Рангтасвир табиатдаги рангларнинг мутлоқ ёрқинлиги ва кудратига тақлид этилмайди, балки уларнинг пропорционал муносабатларини акс эттириш орқали ҳаққонийликка эришилади.

"Тасаввур қилгинки сенда чизишинг лозим бўлган бир нечта кулранг матолар бор. — *деб* айтади Коровин - Агар сен уларни аниқ нусхасини ишласанг, натижада синикқан, кулранг, зерикарли тасвирга эга бўласан. Бироқ тасвирлаш жараёнида сен уларнинг тус ва ранг муносабатлари орасидаги тафовутни изласанг ҳамда табиат уларга жо этган ўзига хос фарқни қидириш билан машғул бўлсанг — демак сенда оддий нусха кўчириш эмас, балки колоритга онгли ёндашув жараёни содир бўлади" .

Рангтасвирда ёруғлик кучи доирасидаги муносабатлардан ташқари ранг кучи (ёрқинлиги) ва ранг муносабатлари пропорционалиги ҳам берилиши лозим. Бу жараёнда рангнинг ёрқинлик муносабатлари муҳим ўринга эга. Чунки, рангтасвирдаги ҳаққонийлик ранг тусларининг аниқ берилишига нисбатан, ранг кучи муносабатларининг тўғри топилишига боғлиқ бўлади. "Ёруғлик предметнинг ташқи кўринишни белгилайди. Ёруғлик туфайли унинг қирраларини, учўлчамли рельефини эса, ўз ҳақиқий рангини ва унинг аниқ ўлчамларини ҳам сезиш мумкин. Ёруғликда майда қисмларни, ранглардаги соя хусусиятини, материал тузилишини, ғовакларни,

тахламларини, юза тузилиши ва уни қайта ишлашни кўришимиз мумкин”<sup>13</sup>.

Агар буюмларнинг мутлоқ ранг ва ёруғлик кучи муносабатларини баробор беришга ҳаракат қилинса тасвирда тусларнинг тўлиқ чалкашув ҳолати содир бўлади. Натижада матода ҳаққоний тасвир пайдо бўлмайди. Одатда, ёш рассомлар соддалик билан палитрадаги бўёқларнинг кучи табиатдаги ранглар кучи билан тенг деб ҳисоблаб, айнан унга мос ранг ва ёруғлик даражасини топиш мумкин деб ўйлашади. Улар ўз ишларида жон-жаҳдлари билан натурани кўчиришга ҳаракат қилишади. Бир неча бор қайта ва қайта нусха кўчиришади, қийналиб аниқ рангни топишга интилишади, баъзан совуқ баъзида эса иссиқ ранглардан иборат турли бўёқ қоришмаларини синаб кўришади. Бироқ уларнинг ниҳоясиз уринишларига қарамай ҳаққоний тасвирга эришиб бўлмайди. Натурани ҳаққоний тасвирлаш ёки ўз таасуротларини аниқ ифодалаш зарурияти ҳақидаги фикрни улар тўғридан - тўғри тушунадилар. Улар натурадаги буюмлар рангидан нусха кўчиришнинг имконсизлигини ва бунинг зарурати ҳам йўқлигини англамайдилар.

Ягона натура композициясини чизаётган бир нечта рассомларда тасвир гоҳ совуқ, гоҳ эса иссиқ ранглар мажмуида акс этиши мумкин. Уларнинг баъзиларида колорит бир оз ёруғ, баъзиларида эса тўқ кўринишда бўлиши эҳтимоли бор. Рассомлар ифодалаган алоҳида жисмлар таққосланса, уларнинг барчаси ранги, ёрқинлиги ва ёруғлик даражаси билан ўзаро фарқланиши мумкин. Шу билан бирга агар ранг ва ёруғлик кучининг буюмлар орасидаги ўзаро фарқи аниқ бир хилликда ифодаланса ҳар бир рассом томонидан амалга оширилган тасвир натурага айнан ўхшашлик таасуротини беради.

Бўёқлар орқали ишланган ҳаққоний тасвирни муסיқий оҳанг билан таққосласа бўлади. Агарда мусиқа таркибидаги оҳанглар орасидаги муносабат сақланиб қолинган бўлса инсон мусиқани баланд ёки паст

---

<sup>13</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 5 боб.

регистрда ўйналганлигидан қатий назар бир хилда ҳис этади. Бироқ, унинг оҳанглари таркибидаги ўзаро муносабатлар бузилса, мавжуд муסיқа ҳам йўқ бўлади. Бу жараён бўёқлар билан ҳам юз беради. Рассом оч ёки тўқ ёрқинликдаги бўёқлар гаммасини танлаши мумкин, аммо учта асосий хусусият доирасида буюмлар орасидаги ўзаро тафовутга албатта амал қилиши керак. Шундагина асар ҳаққоний, яхлит ва гармония таасуротини беради. Натурадаги ранглар ёруғлиги, ранги ва ёрқинлиги муносабатлари билан пропорционал тарзда боғланмаган бўёқлар муסיқадаги қалбаки нота каби ажралиб туради ва номуттаносиблик таасуротини уйғотади.

Хулоса шуки, рассом ўз олдида тасвирнинг ранг, ёруғлик ва ёрқинлик жиҳатидан натура билан мутлоқ тенглаштириш вазифасини эмас, балки тасвирланаётган буюмлар юзаси билан натурадаги тус ва ранг муносабатлари орасидаги тафовутнинг пропорционаллигини сақлаб қолишни асосий вазифа этиб қўйиши керак. Шундагина рассом кутилган натижага, яъни ҳаққоний тасвирга эга бўлади. (13 - расм)

Иккита ёки бир нечта буюмлар орасидаги равшанлиги, туси ва ёрқинлик сифатлари фарқи натурадаги ранглар муносабати деб аталади.

Матода тасвирланган бир нечта буюмлар орасидаги ёруғлик тус ва ёрқинлик жиҳатидан натурага пропорционал тафовути рангтасвирда *ранг муносабатлари* деб юритилади.

Рангтасвирда ўзаро муносабатлар вазифаси рангларни ифодалаш билан мураккаблашиб боради. Чунки, эндиликда нафақат нур ва соя ўйинларини, шунингдек, ранг муносабатларини ҳам бериш зарурияти туғилади.

Исталган объект юзасидаги рангни аниқ ва тўғри муносабатларда тасвирлаш қуйидагилар билан белгиланади. Биринчидан, мазкур юза ранги ёруғлиги тасвирда бошқа юзалар (ёки буюмлар) ёруғлигининг даражаси нисбатида бир хил бўлиши лозим. Икинчидан эса натурада юзанинг ранги интенсивлик жиҳатидан қанчалик кучли ёки кучсиз бўлса, тасвирда ҳам юзанинг ранг интенсивлиги шу даражада кучли ёки кучсиз ифодаланиши керак.

Рангтасвирда нур ва соя муносабатларининг ифодаланиши ранглар муносабатлари ифодаси билан ажратилмайди. Улар чуқур бирликда, ўзаро узвийликда ҳал этилади. Рангтасвирда ранг аниқлиги нафақат нур ва соя муносабатларининг аниқ ифодаланганлиги натижасидир, балки ранг муносабатларининг тўғри топилганлиги маҳсули ҳамдир. Шунинг учун ҳам рангтасвирда буюм шакли асосий рангнинг тўқлик ёки очлик сифатлари билан ҳосил бўлмайди. Рангнинг учта сифатлари ва ранг тусларининг аниқ ифодаси орқалигина бундай натижага эришилади.

Реалистик рангтасвирда бирор бир шакл ифодасида нур, соя ҳамда ранг муносабатлари асосий ҳал қилувчи ўринга эга. Ранг ва ёруғлик кучи ягона нисбатга риоя қилинган ҳолда ифодаланган тақдирдагина, яъни ҳар бир юзанинг тус ва ранг жиҳатидан пропорционал муносабатлари аниқ топилгандагина асар текислигида тасвирланаётган шаклнинг ҳажми, табиий хусусиятлари, фазовий макон ва ёруғлик ҳосил бўлади. (12,13,14,15,16 - расмлар)

Нотўғри тасвирланган тус ва ранг асардаги яхлитлик ҳиссиётини *бузиб* юборади, унга белгиланган жой ёки маълум бир макондан узилиб қолганлик таасуротини беради.

*Саволлар:*

- 1. Табиатдаги рангларнинг қандай акс эттирилади?*
- 2. Рассом Коровин ранг ҳақида нима деган?*
- 3. Ранг муносабатлари нима?*
- 4. Ранг пропорционаллиги нима?*
- 5. Шаклда ёруғлик орқали нимани кўрамыз?*
- 6. Буюмларнинг мутлоқ рангини акс эттириши нимага ўлиб келади?*
- 7. Ранг колорити нима?*
- 8. Ранг муносабатлари нимада?*

## 1V БОБ

### 1V.1. Рангларнинг рухий таъсири.

Рангларнинг ҳаётда инсонларга рухий таъсири каттадир. Тўйлар, бола туғилиши, бешик тўйи, никоҳ тўйлари каби қувончли воқеалар ва байрамлар бўлиб ўтади. Буларнинг ҳаммаси яхшилик, хурсандчилик, қувноқ жўшқин ҳаётни кўрсатувчи воқеалардир. Атрофдаги ранглар ҳам шуларга монанд қизил, сариқ, яшил, мовий ранглар жўш уриб чарақлайди. Чунки бу ранглар инсоннинг кўтаринки кайфиятига монандир.

Кўтарингки руҳдаги мавзуларда асар яратган рассомларимизнинг рангтаъсир асарларига назар ташласак, унда асарнинг умумий ранг тузилишида ёрқин, шўхчан рангдаги бўёқлари ишлатилганини кўрамиз.

Ўрол Тансиқбоевнинг “Менинг кўшиғим” каби асарлари бизга маълум. “Менинг кўшиғим” манзара асари шундай ишланганки, бир қарашда кишини ўзига мафтун қилади, шундай жойларга бориб дам олиш ҳавасини уйғотади. Манзаранинг олд томонида очилиб турган ёрқин сариқ рангли тоғ гулини, орқа томонида тоғ манзарасини ва қишлоқни кўрамиз. Мовий манзара томошабинларни ўз бағрига чорлаётгандек ҳис туғилади. (26 - расм)

Рассомлардан П.П. Беньковнинг “Узум узиш”, Н.Г. Караханнинг “Олтин куз” асарлари ҳам томошабинларга катта эстетик таъсир қилади.

Тарихда даҳшатли табиат воқеалари, сиёсий воқеалар, урушлар юз бериб тургани маълум. Рассомларимизнинг ана шундай мавзуларда ишланган рангтаъсир асарларини эслайлик.

Брюллевнинг “Помпейнинг охири куни” асарида эрамизнинг 1 асри бошларида Италиянинг Помпей шаҳрида лава (юқори даражадаги қизиқ ётган суяқ модда) босади, бутун иморат, дарахт ва бошқа нарсаларни вайрон қилади, жами аҳоли ваҳимага тушиб, бу даҳшатдан қутилиш учун қоча бошлайдилар. Рассом бу воқеани ҳар томонлама ўрганиб, полотно

яратган. Биз бу асарни томоша қилар эканмиз, албатта биринчи галда рангларга, қора булутсимон тутунга, оловга, кишилар ҳаракати ва рангларига кўзимиз тушади. Бунда катта фожиа қайғу ва азобни сезамиз.

Демак, қора, қизил, зарғалдоқ ранглар қайғуни, фожиани ифодалашга хизмат қилади.

Рус рассомларидан Борис Иогансоннинг тарихий мавзуда ишлаган (1937 й) “Эски Урал заводида” деган асарини олиб кўрайлик.

Бунда оғир меҳнатдан қийналган ишчиларнинг эски қоронғу завод цехида, завод хўжайини билан юзма – юз учрашуви тасвирини кўрамиз. Ўтирган ишчи ҳорғин, кийимлари эски – туски орқа томонида кекса ва ёш ишчилар ҳам тушкун кайфиятда тасвирланган. Чап томонда завод хўжайини тасвирланади, унинг поча – пўстини, дўмбоқ, семиз оппоқ қўли, бармоқдаги олтин узуклари ишчиларга қарама – қарши қўйилади.

Бу асарда қорамтир қуюқ рангларни кўрамиз. Инсон қалбида қайғулик, оғир руҳий ҳолат акси содир бўлади.

### ***Ранглар иқлим (тасири).***

Уй деворини бўяш учун ранг танлашда, парда учун қайси рангдаги газламани олиш хусусида маслаҳатлашиб ўтирилмайди, чунки ўзимизни бу соҳада билимдон деб ҳисоблаймиз.

Бу соҳада бирор умумий тавсия бўлиши мумкин эмасдек туюлади. Аммо шундай тавсиялар бор. Улар рангнинг инсонга таъсирини ўрганиб тузилган.

“Ранг ва инсон” муаммосини турли мутахассис олимлар ўрганишяпти. Улар орасида дўхтирлар, физиологлар, кимёгарлар, физиклар, муҳандислар, психологлар бор.

Ранглар инсон организмига, унинг асаб тизимига фаол таъсир кўрсатади.

Ишлб чиқариш биноларини бўяш бўйича таниқли мутахассис, Франциядаги техника эстетика институтининг асосчиси Жан Вьено бундай

ёзган : “Ранг ҳар нарсага қодир: у нур ва хотиржамлик ва ҳаяжонни келтириб чиқара олади. У гармония вужудга келтириши ва ларзага солиши мумкин, ундан мўъжизалар кутса бўлади, аммо фалокатга олиб келиши ҳам мумкин”. Асрлар давомида тўпланган тажриба ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Қизил ранг ҳаяжонга солишини, кўк ранг хотиржам қилишини, қора ранг қайғулар уйғотишини қадим замонлардаёқ билганлар. Сарик ранг эса кайфиятни яхшилайдди.

Ранглари қадим замонлардаёқ илиқ ва совуқ рангларга ажратганлар. Ўрта аср докторлари баъзи ранглarning сеҳрли кучига ишониб, одамларни ранг билан даволамоқчи бўлганлар. Даволашнинг бундай усуллари ҳозир ҳам қисман сақланиб қолган. Масалан: Францияда руҳий касалларни деворлари махсус рангга бўялган хонага жойлаштириб даволайдилар.

Рус руҳшуноси ва асабшуноси В.М. Бахтеров лабораториясида рангли ёруғликнинг руҳий жараёнлар ўтиш тезлигига таъсири аниқланган. Узун тўлқинли ёруғлик руҳий жараёни тезлатиши, ўртача тўлқин реакция тезлигини пасайтириши, қисқа тўлқинли ёруғлик кишини эзиши маълум бўлган. Мовий ранг кишини асабини хотиржам қилган. Руҳан эзилган кишиларга эса оч қизил ранг фойдали таъсир қилган.

Олимларнинг тажрибалари анемия – кам қонлик касаллиги учраган болаларни даволашда қизил ранг фойдали эканлигини кўрсатади. Бундай болаларда қизил ранг таъсирида қизил қон таначалари кўпайган, кайфиятни яхшилаб, семира бошлаганлар.

Кўк ранг кўзнинг қон босимини камайтириб, қоннинг қон томирларидан нормал юришини таъминлайди. Буни профессор С.В. Кравков аниқлади. Унинг шогирдлари эса ранг билан даволаш усулини ишлаб чиқдилар.

Глоукома касалига чалинган кишилар учун ҳозир кўк шишали кўзойнақлар ишлаб чиқарилади.

Буларнинг ҳаммаси ва бошқа фактлар турли ранг киши организмига, асаб системасига ва аввало кўзга турлича таъсир қилишидан далолат беради.

Кўзимиз жуда мураккаб ва энг такомиллашган оптик асбоб, асосий сезгир органларимиздан биридир. Одамлар ҳаёт тажрибасининг 80 – 90 % ни кўз орқали ўрганишларини руҳшунослар аниқлаганлар.

Кўзнинг сезгирлари ҳам ҳайрон қоларлидир. Агар ҳаво мусаффо бўлганда эди, инсон 200 км. узоқликда ёнаётган шамни кўриши мумкин бўларди. Кўз бир секунднинг мингдан уч қисми давомида ялтираган ёруғликни сеза олади, кўз қуёш спектрида бир – биридан фарқ қиладиган рангни ажратиб олади.

Қандай ранг кўзни кўпроқ чарчатади ? Маълум бўлишича сариқ, кўк, оқ рангларга кўз тез ўрганиб қолар, унча чарчамас экан. Қизил ва мовий ранглар кўзни тез чарчаттар экан. Бир неча мактабда ўтказилган тажриба ҳам шунини тасдиқлади. Мактабда оддий математика мисоллари ечилади. Лекин бу мисоллар фақат оқ қоғозга эмас, оч қизил, оч кўк ранг қоғозларга ёзилди. Мисоллар кўк қоғозда оқ қоғоздагига нисбатан 21.3 % кўп тўғри ҳал қилинган. Қизил қоғоздаги тўғри ҳал қилинган мисоллар эса 19 % кам бўлган.

Олимлар томонидан кўп йиллик тажрибаларда тўпланган маълумотлар асосида профессор Е.Б. Рабкин турли рангларнинг кўзга таъсири графигини тузиб чиқди. Бу графикка кўра кўз ўрта тўлқинли ранглар ўзгарувчи шароитга мослашишини ҳам айтиб ўтиш керак. Шу хусусият туфайли инсон кундузи ёруғда ҳам, тунги зулматда ҳам йўлдан адашмайди.

Рангни ажрата билиш ҳар киши учун энг қимматли хусусиятдир. Бу хусусиятни сақлаш ва ундан тўлароқ фойдаланиш масалалари билан тиббиётнинг ранги кўриш гигиенаси деган тармоғи шуғулланади.

Баъзи ранглар кўзни қувонтиради, бошқалари чарчатади. Ўринсиз ишлатилган рангли бўёқ меҳнат унумдорлигини пасайтиришгагина эмас, балки жароҳатланишга ҳам олиб келиши мумкин.

“Кўз чарчади” дейишнинг моҳияти нима? Осон бир тажриба буни тушунтиришга имкон беради. Қип – қизил доиранинг ярмини қора қоғоз билан беркитиб, доиранинг ўртасига 30 – 40 дақиқа тикилиб туринг. Сўнгра қора қоғозни олиб ташласангиз, қоғоз билан беркитилган қисми хирарок кўринади. Бу билан ранг ўзгармайди, балки кўзнинг рангга сезгирлиги вақтинча ва кўк рангларни осон фарқ қилишини кўрсатади.

Эслатма. Қизил ва тўқ сариқ ранг узун тўлқинли, оч сариқ ва кўк ранг ўрта тўлқинли, мовий, зангори, бинафша ранглар қисқа тўлқинли ҳисобланади.

*Саволлар:*

- 1. Рангларнинг инсонга руҳий таъсирини қандай?*
- 2. Ўрол Тансиқбоевнинг “Менинг қўшиғим” асари қандай таъсири бор?*
- 3. Брюллевнинг “Помпейнинг охири куни” асарида ранглар қандай?*
- 4. “Эски Урал заводидида” асарининг оанглари қандай?*
- 5. “Ранг ва инсон” муаммосини кимлар ўрганаётти?*
- 6. Француз Жан Вьено ранг ҳақида нима деган?*
- 7. Иссиқ ва совуқ ранглар таъсири нимада?*
- 8. Қайзу таъсири ҳосил қилувчи ранглар қайсилар?*

## **1V.2. Ранг колоритини ҳосил қилиш**

Биз рассомлар санъатимизнинг айрим бўлимларини назарий исботлаш ва асослашга зарурат сезамиз, негаки уларда шахсий муносабатдан нарига ўта олганимиз йўқ.

Бошқа санъат турлари вакиллари билан солиштирганда рассомлар унчалик яхши аҳволда эмаслиги кўриниб қолади, негаки мусиқа соҳасида композиция ва гармония назарияси консерваторияда зарурий курс сифатида ўқитилади. Рангтасвирда эса унинг кўпгина бўлимлари, айниқса колорит масаласи илмий асосланмаган. Албатта биз рангтасвирни ўрганишда илмий ишланган, шунингдек тажриба ёрдамида ишотланган перспектива, оптика ва рангшунослик масалаларига дуч келамиз.

Колорит масалаларини назарий жиҳатдан ўрганилмаганининг сабаби ушбу муаммо рассомлар ва тадқиқотчиларни қизиқтирмаганлигида эмас. Рассомлар онгида колоритга нисбатан ҳурмат қадимдан мавжуд, аммо улардан кўпчилиги ўзини ўйлантирган соҳанинг қонуниятларига киришига ҳаракат қилмади. Шунинг учун ҳам колоритни “ўрганиб бўлмади” дейилади. “Колорит деганда ҳамма кўриниб турган нарсаларнинг ранг қиёфаси тушунилади. У ёруғлик, кўриб идрок қилиш ва фикрлашнинг қатор қонунларига боғлиқ. Бизнинг вазифамиз мана шуларни кўрсатиш: колорит табиатда қандай юзага келади, қандай англанади ва кейин тасвирда ифодаланади; умумий ва жузъий колоритни юзага келтирадиган қонуниятларни, предмет ёруғ-сояси, унинг хусусий ва юзага келган ранги, ёруғлик таъсири остида предмет ташқи қирраларининг ўзгаришини очиқ бериш; бизнинг онгимизда колорит ҳақидаги тасаввурни юзага келтирадиган қонунларни кўрсатиш ва ниҳоят, картина текислигида реал колоритни акс эттиришга ёрдам берувчи техник усулларни кўрсатиш. Шундай кетма-кетликда бизнинг ифода тарзимиз ривожланади”<sup>14</sup>.

Бизни рангтасвир усталари олдида, уларнинг колористик асарлари олдида бош эгишимиз остонада тиз чўккан ҳолда тўхтатиб қўймаслиги керак.

Колористик соҳа билан номи чатишиб кетган Делакура ўз даврида шундай деган эди: “Менинг назаримда ижодкорлар колорист бўлиб туғилади, сўнгра рассом бўлиб қоладилар”.

---

<sup>14</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 1 боб.

Бирон бир соҳада ҳам прогресс ва наворлик болаларча ўйин сифатида пайдо бўлмайди, шу асосда рангтасвирда ҳам XX асрда унинг методик қонунлари ва жиҳатларини англамаслик ўта соддалик бўлар эди.

Ажойиб санъат асарлари олдидаги ҳаяжонларимиз колористик тўхтамлар асосини ташкил этувчи тамойилларни тушунишга, уларнинг аввал ўтган рассомлар ижоди билан боғлиқлиги ва навбатдаги кашфиётлар муаллифи бўлиб қолган бошқа рассомлар наворлигини англашга туртки бўлиши зарур.

Фалсафа, биология фанлардаги каби тасвирий санъатда ҳам икки нуқтаи назар мавжуд бўлиб, доимий ўзаро курашиб келади. Биринчиси ўз терминологиясини ўзгартирса-да санъат воқелигидаги ижодий жараёнларни англаб бўлмаслиги. Гўё улар шахсининг қонида вужудга келишини ёқловчи нуқтаи назардан иборат. Яна бошқа нуқтаи назар рассом у ёки бу асарни яратаётган пайтда уни ўраб турган жамиятга боғлиқлиги жиҳатидир. Ҳар иккала нуқтаи назар ўз ўрнида ҳақдир. Негаки асар яратилиш жараёни индивидумга боғлиқ, бу асардан эса жамоатчилик манфаат кўради.

Дастурларда рўй бераётган ўзгаришлардан қатъий назар бизнинг ўрта ва олий ўқув юртларида чизматасвир дарси ниҳоятда тажрибали профессор - ўқитувчилар томонидан ўқитилаяпти. Шунга қарамай рангтасвир ва колоритга нисбатан муносабат ҳар бир киши учун хусусий ишга айланиб қолди ва талабалар “ўзини” топиши учун берилган бу “тўла эркинлик” чоғида ким қандай эпласа шундай ҳаракат қилди.

Кўпчилик таниқли рассомлари рангтасвир ва колорит соҳасига қандай муносабатда бўлиши ҳақида фикр қолдирганлар, хусусан таълимнинг дастлабки босқичида “онг” ва “қонунлар тизими”га мурожаат қилиш маслаҳат бермайди, яъни рангни тафаккурлаш ва ақл билан эмас, балки қалбдан бўёқлар билан излаш лозим.

Шундай қилиб, шогирдга раҳбарлик қилиш чоғида рангтасвир масалаларида унинг интуицияси, дидига мурожаат қилинади.

Санъатга алоқаси бўлмаган кишилар одатда дид рассомнинг муҳим хусусияти эканлигини қатъий таъкидлайдилар ва буни эстетик эталон деб биладилар.

Ўзларининг “дидлар ҳақида тортишмайдилар” деган фикрларида қатъий турадилар.

Аммо “дидлар” ва оддий дид бор. Тортишув ана ўшалар орасида боради. Рассом таъбга таъбсизлик қарши туришини яхши билади ва уларнинг тортишуви табиий бўлибгина қолмай, балки қонуний ҳамдир. Кураш санъатдан ташқаридаги дидсизлик ва рассом диди ўртасида эмас, балки санъатнинг ўзидаги дидсизлик орасида кетади.

Демак дидсиз рассом бўладими, деган саволга ижобий жавоб олиш мумкин.

Бундайларни ҳар қандай санъат, ҳар қандай ижтимоий формация, турли ижодий оқимлардан топса бўлади.

Айнан ўшалар табиат, ҳаёт воқелигини безаб кўрсатишга ва охир оқибатда бутун борлиқни йўқолишига олиб келувчи “гўзалликни” тикиштиришга интиладилар.

Ҳақиқий рассомда дид – бу чексиз гўзалликни йиғиш ва бирор нарсага ҳисобсиз тарзда эътиқод қўйишидан иборат эмас, балки енгил шон - шуҳрат ортидан қувмайдиган шахсини белгилаб берувчи рассом ижодини назорат қилувчи аждодлар маҳоратида, йиллар давомидаги иш тажрибасида жамланган мавзу, композиция, пластика, колорит кабиларни эгаллашдан иборатдир.

Бу кўпчилик рассомлар учун хос хусусиятдир.

Албатта дидга нисбатан салбий муносабатда бўлмаган, унга эга бўлган рассомлар бор, аммо улар эътиборга сазовор бўлган асар яратмаган, санъатда ўзигагина хос йўлга эга бўлмаган. Бунга жўшқинлик, ижодий журъат, ёрқин шахсий хусусиятни мавжуд эмаслигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Ниҳоят, катта иқтидорга эга, санъатда янги йўл очган, ўз асарлари шакли ва мазмуни билан диднинг оддий талабларини бузган рассомлар бор.

Баъзан рассомнинг ҳаёти даврида диди ўзгарган пайти ҳам бўлади. И.Репиннинг ёши етмишга борганда худди шу ҳолат рўй берди.

Шундай қилиб дид рассомнинг ягона энг муҳим жиҳати бўлмаса-да, лекин рангтасвирчининг зарурий хусусиятларидан бири бўлиб қолади. Дид канчалик юқори бўлса, рассом устидан хукмрон бўлган хислар ва ғоялар ўзининг мустаҳкам эстетик ифодасини шунчалик юқори кўтараверади.

Шу нарса қувонарлики, санъат тарихида юксак маҳоратли, ажойиб дидга эга бўлган, ўзига хос ижод услубини топган, жаҳон санъатида ўз ўрнига эга бўлган рассомлар кўплаб топилади.

Тасвирий санъат тарихидан маълумки буюк моҳоратли, чуқур маънога, дидга эга бўлган К.Бехзод, Леонардо до Винчи, Тициан, Эпх Греко, Веронезе, Вермеер, Делакура<sup>15</sup>, Суриков, Серов, Ю. Елизаров, Н. Қўзибоев ва бошқалар яратган асарлар жаҳон халқининг меросидир.

**Колорит манба(ресурс)лари.** Назаримда колоритни бойитиш йўллари табиатни кузатиш ва ҳақиқий халқ санъатларини ўрганиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Халқ санъати ўрганиб бўлинган, янгилик учун асос бўлаолмайди дейдиганлар бўлиши мумкин. Аммо кўпдан маълумки “Бутунлай унутилган эскилик – бу янгиликдир” дейдилар халқимиз. Кўп эскиликка янгича қараш ва янгича ҳис қилиниши мумкин.

Маълумки ўрганишга табиат, унинг бой ҳаёти ва ўзгаришлари асос бўлиб хизмат қилади.

Декоратив - безак санъати рассомлари аллақачон табиатдаги гулларни бой колоритига, капалак ва бошқаларга мурожаат қилганлар.

---

<sup>15</sup> Klaus Reichold, Bernhard Graf. PAINTINGS that Changed the World

Биз биламизки табиатда тўтилар, капалаклар ва бошқаларнинг ёрқин рангларини дидсиз, палапартиш деб бўлмайди, балки аксинча.

Аммо баъзи рассомлар ўз асарларида колорит кетидан қувиб дидсизликка учрайдилар. Табиатда тош, дарахт, кўкат, гуллардаги ранглар туси нисбатлари ҳосил қилган колорит бизга сабоқ бўлиши мумкин.

Ҳақиқий колорист – рассом учун атроф - муҳитни, ҳаётни кузатабилиши муҳим касб этади. Кузатилган ҳодисаларни ва нарсаларни эслаб қолиш зарур.

Рассом ҳар доим, ҳамма жойда кузатишни ўз онгига сингдириши керак. Одамлар гуруҳида ритм ва чизиклар, ранг доғлари, кийимлари уйғунлиги ўткир янги ва эсдан чиқмайдиган кучга эгадир. Бола кўтарган аёл, унинг кийимлари уйғунлиги тузилиши ўзгача гўзалликка эга бўлиши мумкин.

Табиатнинг бадиий ижоди чексиз бўлиб ҳар қандай рассом учун ҳақиқий илҳом бериб колоритини бойитади, ранг - барангликка, доимий янгиликка руҳлантиради.

Санъат ҳаётга тақлид қилибгина қолмай, балки шоирона акс эттиради, ундан завқланади. Бу рассом олдида чексиз изланиш, янги воситалар топиш каби буюк вазифалар туради. Шунингдек шаблонлардан қочишга ундайди.

Колоритни ўрганиш, излаш, янги томонларини очиш, ихтиро қилиш картинада мавзунни қалбдан акс эттириш учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Рангларнинг *колористик* асоси - бу ранглар бирлиги, ҳамоҳанглиги принциpidир. Картинадаги бўёқ ранглар бирлигига бўйсундирилмаса у доим ёрқинлиги билан ажралиб қолади, жами бўёқлар гаммасига бегона бўлади. Шунинг учун картина ёки этюдга бирон - бир ранг беришда бошқа ранглар колорити билан боғлаш муҳим. Умумий ранг оҳанги билан боғланмаган ранг холост сатҳидан чиқиб кетади, кўшилмайди, бегона бўлиб тасвирнинг умумий ранг тузилишини бузади. Картина ранг колоритини ҳал қилмаслик, картинани қисман бўлиниб кетишига, композиция ечимига салбий таъсир қилади. Маълум ёруғлик вақт ҳолатини кўрсатиб бермайди.

Колорит ва ранг муносабатлари қонуни, шаклни чизиқлар орқали пропорциялар бирлигида кўрсата билиш, унинг рельефини, материаллигини, фазовий маконини аниқлаш, ўраб олган жисмларга, ҳар хил вақтдаги ёруғлик ҳолати ва ҳар хил об - ҳаво шароитини сезиш кабилардан иборат бўлади. (26 - расм)

“Натурада колорит деб ёруғлик муҳитига, предметларнинг ўз рангига ва берилган ёритилишда нигоҳнинг сезгирлигига боғлиқ бўлган кузатилаётган предмет ва ҳолатларнинг ранг қиёфасига айтилади”<sup>16</sup>.

Ҳақиқий колорист - рассом бўлиш, бу “рангдорлик” учун ишлаш дегани эмас. Агар рассом таланти катта маънони, мавзунини, гўзалликни очиб берувчи асар учун хизмат қилса рангтасвирчилик, рангдорлик ўз - ўзидан йўқолмайди.

“Картинадаги колорит деб предмет ёки ҳолатнинг рангтасвир ҳолати ёки ранг қиёфасини берувчи бўёқлар жамланмасига айтилади. У реал дунё рангини акс эттиради ва картина ғоявий мазмунини ифодалашга ёрдам беради”<sup>17</sup>.

Баъзида “ранглар чиройли” дейилганда, бу рассом учун унчалик мақтов эмас. Балки картинанинг маъноси, ғояси эътиборга лойиқ бўлмай, рассом ўз олдига қўйган ижодий мақсадга эриша олмаган ёки у бутунлай бўлмаган.

Буюк рассом ўз ижодида колоритдан картина ғоясида рангтасвир, мавзу, чизматасвир, нур, ранг, шакл пластик уйғунлигини ажратмайди.

*Саволлар:*

- 1. Колорит деганда нимани тушинасиз?*
- 2. Колорит ҳақида Делакура нима деган?*
- 3. Ранг колорити қандай ҳосил қилинади?*

---

<sup>16</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 3 боб.

<sup>17</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 3 боб.

4. *Асар яратилиши жараёни нимага боғлиқ?*
5. *Жаҳоннинг буюк моҳаратли рассомлари кимлар?*
6. *Иссиқ колорит қандай ҳосил қилинади?*
7. *Совуқ колорит қандай ҳосил қилинади?*
8. *Колорит ҳосил қилишда нимадан фойдаланилади?*

### **1V.3. Ранг эстетикаси**

Гармония - сўзи грекча (“harmonia”) бўлиб боғловчи, умумий, хушбичим маъноларни беради. Умуман гармония деганда қисмларнинг умумлашган, ўзаро боғланганлигини акс эттиришни тушунилади.

Тенг миқдорда аралаштирилган сариқ ва кўк ранглардан яшил ҳосил бўлиб, инсон руҳини кўтаради.

Бақлажон (ултрамарин) ранга кўшимча яшил - сариқ ҳисобланса, контраст рангга эса қовоқ ранг. Бинафша рангга кўшимча сариқ - яшил, контрастга эса тоза сариқ ҳисобланади. Баъзида контраст ранг тушунчасини соддалаштириб кўшимча ранг деб юритилади.

Рассомлар буюмнинг шахсий ранги тушунчасини “локаль ранг” деб юритадилар. Локаль ранг – бу ёруғликда ўзгармайдиган, буюм рангига характерли, “хотировий” ранг, тусланмайдиган, текис ранглар ҳисобланади. “Умуман картинадаги ранг буюм-шаклининг айнан ўз ранги эмас.- Картинадаги ранг рассомнинг ҳис қилиб, бойитиб акс эттирилган ранглар мажмуасидир”- дейди Н.Н.Волков. Р.М.Ивенсон эса: “Ранг – бу кўзингизга кўринган ранг, аммо кўришимиз мумкин бўлган ранг эмас<sup>18</sup>” дейди.

Рассомлар қорамтир ва оч ранг бўёқ мажмуасидан фойдаланиб, энг ёрқин ранг кўринишини ҳосил қилиши мумкин. Ранг ҳис қилиш нисбатларини кузатиш ёрдамида ёрқинликларни ранг - баранглигини

---

<sup>18</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 3 боб.

кўрамиз. Рассомлар табиат(пленэр)да рангтасвир ишлаётганда рангларни айнан ўзини кўчирмай, балки суний равишда ранглар ёрқинлигини, тусини нисбатларда сақлаб колорит ҳосил қилиб асарлар яратадилар. Картинада томошабин томондан рангларни ҳис қилишида, табиатдаги рангларни ҳис қилишидан фарқлиги рассомнинг мувоффақиятидир. Шунинг учун ҳам картина натура рангидан фарқ қилиши лозим. Ранг рассом томонидан яхши ташкил қилинса ва рассом эҳтиросига монанд бўлса картина таъсирчан бўлиши мумкин.

Ранглар нисбати гармониясининг умумий принциплардан бири, ранглар тусининг бир-бирига яқинлиги ва ўзаро қўшимча ранглар мажмуасидан ҳосил бўлишидир. Ранглар гармонияси нисбати ҳар хил бўлади. Улар комбинацияси шу рангларга жуда яқин, ҳар хил тусдаги ёки тўла ранг контрасти ёки улар орасидаги ранглардан ташкил қилиниши мумкин. (13,18 - расм)

Ранглар гармониясига қуйидаги мисолда кўрамиз:

Кўк - қовоқранг	}	Қизил – сариқ - кўк
Бинафша - сариқ		Гилос ранг – сариқ - мовий
Тўқ қизил (гилос ранги) - яшил		Қизил - яшил- кўк
Кўк - яшил - сариқ		Сариқ – бинафша - қовоқ ранг
Мовий ранг – қизил		

Ранглар гармонияси нисбатини ўрганишда ахроматик (қора ва оқ) ранглар гўзаллигини эсдан чиқармаслик керак.

Маълумки нақш санъатида (гилам, чит, кулолчилик, архитектура, қурилиш, саноат ва бошқалар) ранглар гармониясини нисбати тўғри ишлатилганини кўрамиз. Аммо рассомлар бадиий асар яратиш жараёнида композиция ва колорит образ учун зарур бўлса ранг гармониясидан ҳам, гармония бўлмаган ранглардан ҳам фойдаланиши мумкин.

#### 1V.4. Ёруғлик таъсирида ранг ҳолати.

Табиатни кузатар эканмиз куёш чарақлаб турганида ранглар ёрқин, жозибали кўринса, кун ботиш арафасида эса қорамтир, буғиқ рангларда кўринади. “Ёруғлик бепоён, ёрқин дунёни очиб беради ва кўз илғайдиган даражада сезиларли қилиб кўрсатади. Ёруғлик туфайли биз оч ва тўқни, рангли ва рангсизни, рельефли ва текисни, узоқ ва яқинни идрок қиламиз. Ёруғлик кўриб идрок қилишнинг зарур шарти ҳисобланади, бизнинг онгимизга жонли кўриш образлари дунёсини яратиш имконини беради. Ёруғлик туфайли биз табиат колоритини ҳис қиламиз, уни тасвирлаш учун рангтасвир техникаси хизмат қилади”<sup>19</sup>.

Матода инсон портретини тасвирлаётган рассом шу киши характерига мос ранг кучини ҳар доим ҳам бераолмаслиги мумкин. Натуранинг ранг кучини аниқлаш бизнинг рангни идрок қилиш қобилиятимизга боғлиқ.

Инсон чеҳрасига қараганимизда, унинг ҳақиқий рангини атроф - муҳит, яъни ёруғлик таъсири, масофа таъсири кабиларда кўрамыз.

Кечқурун, ойдинда ва сунъий ёруғликда ранг сифати албатта ўзгаради. Ёруғлик ранги инсон чеҳраси атрофидаги ҳамма рангни ўзига бўйсундиради, натура рангини бироз кучайтиради. Масалан, электр чироқнинг зарғалдоқ нурида оқ рангли мато оқ бўлиб кўринади. Аммо унинг иссиқ ранги унчалик эмас. Ҳақиқатда мато оқ ранг таралиш миқдори катта эмас.

Электр ёруғлигидаги оқ мато зарғалдоқ ранг тарқатиши, апельсиннинг кундуз кун тарқатаётган рангидан кучлидир. Агар бу оқ матони кечқурун ёки электр ёруғлигида тасвирламоқчи бўлсак, уни албатта ёрқин ва тўқ рангда оқ бўёқ аралаштирмасдан тасвирлаш керак. Биз ишлаётган портрет ранг гаммасида оқ бўёқни кўп ишлатсак унинг табиий колоритини аниқлай олмаймиз.

---

<sup>19</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 1 боб.

Суриковнинг «Меншиков Березовкада» картинасида ранг гаммаси ҳамжихатлигини, яққоллигини кўрамиз. Картинанинг барча қисмлари ёруғлик шартларига бўйсундирилган. Оқ бўёқ ишлатилганини сезмаймиз.

Колорит ҳар доим ҳам ранг кучи асосига қурилмай, балки нейтрал ранглар, ранг туси ва натура ранглари муносабати асосида қурилиши ҳам мумкин. Бу ҳолат Серов ва бошқа рус реалист рассомлар асарларида акс этган. Чарақлаган қуёш нурида натура ранги оқариб, улар орасидаги фарқ даражаси камаяди ёки йўқолади. Булардан ҳам рассом тасвирни ҳаққоний ва жозибали чиқишида маҳорат билан фойдаланиши мумкин.

Баъзи рассомлар рангтасвир санъатида ранг ёрқинлигини ёки бўёқлар чарақлаб туришини хуш кўрсалар, баъзилари оқиш - хира ва унча кучли бўлмаган рангларни маъқул кўрадилар. Аммо, ёрқинлик, бўёқ кучи, оқиш - хиралик колорит қимматини оширмайди. Ҳақиқий колорит маълум ёруғликда натура рангини тасвирлаш, табиат ҳолатини ва образни очиб бериш билан боғлаш рассом учун муҳимдир. (27 - расм)

**Рангнинг баъзи бир ўзига хос хусусиятлари.** Лак суркалган мойбўёқ тасвирий асар ранги порлоқ ва ёрқин кўринади, лак суркалмагани эса аксинча. Мойбўёқда ишланган картина юзи ранг баранг қўйилган бўёқ фактурасини одам кўзи яхши қабул қилади. Картина ранги сунъий ёруғликда табиий ёруғликдагидан бошқача кўринади. Сунъий ёруғлик қуёш нурига нисбатан кўк ва бинафша нурларни жуда кам беради. Шунинг учун ҳам сунъий ёруғликда ҳамма рангларнинг туси ўзгаради.

***Баъзи рангларнинг сунъий ёруғликда кўриниши, ўзгариши.***

Табиий ёруғликдаги ранг	Электр ёруғлигида бўёқ, рангнинг ўзгариши
Оқ	Сарғишсимон кулранг
Кулранг	Қизғишсимон кулранг
Сариқ	Оқариб кўринади

Зарғолдоқ	Қизғишсимон зарғалдоқ
Қизил	Қуюқсимон қизил
Бинафша	Қизғиш бинафша.
Нилоби(ҳаворанг)	Яшилсимон ҳаворанг
Тўқ кўк	Қорага яқин

*Саволлар:*

1. *Ранг гармонияси нима?*
2. *Локаль ранг ния?*
3. *Н.Н.Волков ранг ҳақида нима деган?*
4. *Р.М.Ивенсон ранг ҳақида нима деган?*
5. *Ранг колорити ва эстетикаси қандай?*
6. *Сунъий ёруғликда ранг қандай ўзгаради?*
7. *Оқ ранг кўриниши қанақа?*
8. *Ранг кучи нимада?*
9. *Рангнинг баъзи бир ўзига хос хусусиятлари нимада?*

### **1V.5. Рангларга фон тусининг таъсири**

Бир рангли жисмнинг орқа томонидаги ранга нисбатан таъсир кучини ўзгариши кузатилади. Албатта шу ҳолатларни назарга олиш муҳимдир.

***Фон туси таъсирида рангни ўзгариши.***

Ранг	Фон туси	Рангни оптик ўзгариши
қизил	Сарик	Бинафша – қизил
Қизил	Кўк	Зарғалдоқ – қизил
Қизил	Зарғалдоқ	Кўкимтир – қизил
Қизил	Яшил	Тўқ – қизил
Сарик	қизил	Яшилсимон – сарик
Сарик	Кўк	Зарғалдоқ
Сарик	Қора	Ранг куюқлашади
Сарик	Зарғалдоқ	Яшилсимон – кўк
Сарик	Бинафша	Кучли - сарик
Кўк	Қизил	Яшилсимон – кўк
Кўк	Зарғалдоқ	Куюқ кўк
Кўк	Кулранг	Қизғиш – кўк
Кўк	Оқ	Тим қора
Зарғалдоқ	қизил	Яшилсимон – сарик
Зарғалдоқ	Сарик	Кучсиз яшил
Зарғалдоқ	Яшил	Қизғиш
Зарғалдоқ	Бинафша	Оч – зарғалдоқ
Зарғалдоқ	Қора	Кучли ёруғ
Яшил	Қизил	Тўқ яшил
Яшил	Кўк	Оч – яшил
Яшил	Қора	Куюқ яшил
Яшил	Зарғалдоқ	Кўксимон – яшил

Бинафша	Кўк	Яшилсимон – қизил
Бинафша	Яшил	Қизил – бинафша
Бинафша	Кулранг	Қизғиш - кўк
Бинафша	Оқ	Ёрқинроқ кўринади
Оқ	қизил	Яшилсимон – оқ
Оқ	Сариқ	Қизғиш – оқ
Оқ	Зарғалдоқ	Кўкимтир – оқ
Оқ	Яшил	Қизғиш – оқ
Кулранг	Қизил	Яшилсимон
Кулранг	Кўк	Сарғиш
Кулранг	Сариқ	Кўкимтир
Кулранг	Яшил	Қизғиш
Кулранг	Зарғалдоқ	Кўкимтир

*Саволлар:*

1. Рангга фон қандай таъсир қилади?
2. Иссиқ рангга кулранг фон нибати қандай?
3. Фон таъсирида ранглар ўзгариши қандай?
4. Сариқ ранг қизил фонда қандай ўзгариш ҳосил бўлади?
5. Қизил ранг сариқ фонда қандай ўзгариш ҳосил бўлади?
6. Кўк ранг кулранг фонда қандай ўзгариш ҳосил бўлади?
7. Яшил ранг кўк фонда қандай ўзгариш ҳосил бўлади?
8. Кул ранг яшил фонда қандай ўзгариш ҳосил бўлади?

#### **1V.6. Ранглар тусини тўлиқ талқин қилиш (амалий тавсиялар)**

Аслига қараб ранглар ҳолатини ва умумий оҳангини, ранглар муносабатларини пропорционал миқдорини тўғри топиш учун, энг аввало, ранглар тусини ва ранглар нисбатини аниқлаш керак.

Иш бошида энг ёруғ ва энг тўйинган ранг қисмини аниқлаш, қайси ранг гаммаси тузишни, қайси ранг тўйинганлигини, ранг оқ ёки қоралиги даражаларини аниқлаш лозим. (12,13 - расм)

Рангтасвир ишлашни бошлаганда тус (тон)ни ҳаддан ташқари оқиш рангда ёки ўта тўйинган рангларда бўяш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, ёритилган қомат ёки бошни олайлик, ёруғлик тушган қисмини ўта ёрқин рангда ишланса, кейинчалик шу жойдаги ялтироқ (блик) жойларини тасвирлаш жуда қийин бўлади.

Шакл тасвири мато текислигидан чиқиб қовушмай, асар яққоллиги амалга ошмайди. Ўта рангдорлик даражаси ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Асли (натура)га қараб чизилаётган нарсаларнинг умумий тусини ва ранг ҳолатини аниқлаш мақсадида баъзи рассомлар мольберт ёнига оқ ёки рангли мато бўлакчасини осиб қўйишади. У энг ёруғ ва тўйинган рангни натура билан таққослаб, тус нисбатларини, колоритини аниқлашга ёрдам беради.

Манзара тасвирини ишлашда умумий тус ва ранг ҳолатини тўғри танлаш лозим. Энг аввало осмон, сув ва ернинг ранг нисбатини ҳал қилмоқ керак. Умумий тус ва ранг инobatга олинмаса, манзаранинг асосий ҳолати, кайфият тасвири амалга ошмайди. (12 - расм)

Рассом ҳар бир ишлаётган расмида ёритилиш ҳолатини аниқлаши керак. Ана шундагина тасвир ҳаққоний чиқиши мумкин.

“Рангтасвир усталари ёритилган ва сояланган предметларни тасвирлаш учун, ёритилган жойларга ёрқин, соя жойларга ноаниқ қиёфа бериб, бу қонуниятлардан доим фойдаланганлар”<sup>20</sup>.

Рангтасвир санъатида ашёвийлик (материаллик)ни (мато, ер, темир, чинни, мева ва бошқалар) ва фазодаги ўрнини тасвирлаш учун ёритилиш ҳолатига ҳам боғлиқдир.

Агар нарсаларнинг тус жиҳатдан фарқлари тасвир юзасида натурадагига мутаносиб берилган бўлса (оқ буюм оқ кўринса ва х.к.) биз буюм тусини ва рангини, шунингдек у билан боғлиқ муҳитни ҳаққоний идрок этамиз.

Кун давомида ёруғлик кучи турлича бўлади, аммо барча шароитда маълум бир юзанинг идрок этилаётган ёруғлиги ўзгаришсиз қолаверади. қоғоз варағини ҳар қандай шароитда эрталаб, кундузи, кечкурун биз оқ рангда кўраверамиз. Шунга кўра бизнинг нигоҳий тасаввуримиз ёрқинлик муносабати билан белгиланади. Агар картина ёки этюдда ёрқинлик муносабати сақланган бўлса, тасвир ўзгаришсиз ва ҳаққоний кўринади. Буюмларнинг ҳақиқий ранги ҳам, уларни маконда жойлашуви ҳам ҳаққоний тасвирлаб берилади.

Нигоҳий идрокнинг бу қонунияти тус ёки рангли тасвирни бажаришда муҳим аҳамиятга эга.

Агар шаклларнинг тус фарқлари нигоҳий натурага мутаносиб муносабатларда тасвирланган бўлса, тасвир юзада уларнинг тус ва ранг хусусияти натурага нисбатан ҳаққоний тарзда сақланади. Гризайл усулида натурадан ишлаш, тусли чизматасвир ёки рангтасвир бажарилиш пайтида тасвир юзасида тусларни ёруғдан сояга ўтиш жиҳати шундай бўлиши керакки, натурадаги энг ёруғ жой чизматасвирда ҳам энг ёруғ, энг қоронғу

---

<sup>20</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 3 боб.

жойи эса қоронғу бўлиши зарур. Оралиқ туслар эса ўшаларга нисбатан кучлироқ ёки кучсизроқ тарзда тасвирлаб борилади.

Леонардо да Винчи шундай ёзади: «...Агар сен рассом бўлсанг, яхши чизишга ўрганишни хоҳласанг, аста-секин чизишни, расм солишни ўрган, қандай ранглар ва улар ёруғликнинг биринчи даражасида қанчалик эканлигини баҳолаб бор ва туснинг ҳам қуюқлигини кузат» .

Хулоса қилиб айтиш керакки, тусли тасвир (грисайлда ишланган чизматасвир ва рангтасвир) ёруғ - соя муносабатларини тузилишга, натурани нигоҳий образ нисбатларига асосланади. Энг ёруғ ва энг қорамтир қисмларини тасвирлаётганда уларнинг бир - биридан қанчалик оч ёки тўқ ранг нисбатларини натурадаги нисбатанда сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида рангларнинг нигоҳий идрок этиш ёритилганликдан қатъий назар муносабатларга асосланиши ҳақида гапирилган эди. Аммо ёруғликни кучли ўзгариши билан тус ва рангни ёрқинлашуви ёки кучсизлашувини кузатиш мумкин. Ёруғликни ўзгариши билан натуранинг фақат ёритилганлиги эмас, балки ранги ҳам ўзгаради. Кучсиз ёритилганда натура рангининг тўйинганлиги камаёди. Хонада натуралар деразадан узоқлашган сайин ранги қуюқлашади. Кундузги ёруғлик билан қарама - қарши ёритилган жойлар қуюқ илиқ соя билан ёнма - ён бўлади. Шундай қилиб натурадаги рангнинг турфа хиллиги ёритилганликнинг ёруғлик ҳолатига боғлиқ бўлади.

Реалистик рангтасвирда табиатнинг ёритилганлик ҳолатини ифодалай олиш муҳим ҳисобланади. Натуранинг маълум бир соатдаги ёки маълум бир фасл, об - ҳаводаги умумий туси ва рангдорлиги шу вақтга хос бўлади. Куннинг турли пайтида ва турли об - ҳавода ёки фаслда ишланган манзаралар бир - биридан фарқ қилиши зарур. Етук рассомларнинг турли ёритилганлик ҳолатидаги асарлари кузатиладиган бўлса, уларда ҳаво очик ёки булутли кунни ифодаловчи тасвирлари ажралиб туради. Рангнинг қуюқлиги ёки ёрқинлиги вазиятнинг нозик ёки қалтислигини, қаҳрамоннинг кайфиятини ифодалашга хизмат қилади. *(16 - расм)*

Турли ёруғлик манбайида рассомлар ишлаган асарларни кузатганимизда, қуёш ботиш саҳнаси барча тасвирларда умумий пушти - қизил рангда эканлигини кузатиш мумкин. Ой ёруғида яшил - кўк, кул ранг бўёқлар асосий ўрин эгаллайди. (12 - расм)

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, ранг бирлиги ва бўёқлар мувофиқлиги барча ҳолатларда асосий ёки акс этаётган ёруғлик манбаининг спектрал таркибига боғлиқ. Шунинг учун рассом натурадан асар ишлаётганда маълум бир тус ва ранг камровида умумий ранглар муносабатини тиклабгина қолмасдан, ранглар узвийлигини ёддан чиқармаслиги лозим.

Шундай қилиб реалистик тасвирда ранг тасвирининг барча жиҳатлари ўзаро алоқада намоён бўлади. Рангларнинг бойлиги ва мувофиқлиги унинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Этюд ёки картина ранги қуйидагилар билан белгиланади: 1) ҳажми, шакли беришда ва маконни ифодалашда рангларнинг бойлиги ва хилма - хиллиги; 2) ёритилганликнинг умумий тус ва ранг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда натурада асосий ранг муносабатларини мувофиқлиги; 3) натурадаги рангларни бирлаштирувчи ёруғлик ранги таъсирини бериш.

Асарда бу вазифаларни бажариш бадиийлик вазифасини ҳал этиш билан баробардир, шунда рангнинг эмоционал таъсирчанлигига эришилади. Инсонларнинг идрок қилиш ҳиссиётлари, сезгилар ҳаракати табиатнинг кўтаринки, ҳам тушкин ҳолати билан узвий боғлиқ. Ёритилганликнинг ҳақиқий шароитини акс эттириб, бу шароитда натуранинг ҳажмий, моддий, маконий сифатларини талқин этиб тасвирнинг ранг қурилмаси тамошабин ҳиссига таъсир қилади, маълум бир кайфият беради, эстетик ҳиссиётлар уйғотади.

*Саволлар:*

1. Ранглар пропорционал миқдорини тўғри топшиш учун нима қилинади?

2. Шаклнинг умумий тусини ва ранг ҳолатини аниқлаш мақсадида баъзи рассомлар ниадан фойдаланганлар?
3. Кун давомида ёруғлик кучи турлича бўлади ва нарсаларга қандай таъсир қилади?
4. Ёруғликда тус ўзгариши қандай?
5. Нигоҳий идрокнинг қандай аҳамияти бор?
6. Рангларга об-ҳавонинг қандай таъсири бор?
7. Эрталаб, кундуз, кечқурун, кечаси ранглар туси қандай?
8. Этюд ёки картина ранги нима билан белгиланади?

## V БОБ

### 1V.1. Ранг билан ишлаш

“Рангтасвир ҳақиқатнинг аниқ нусхаларини эмас, жонли, кўз илғайдиган образларини беради; у табиатга ёруғликнинг ёрқинлиги билан амал қилмайди, балки ёруғликнинг берилган ёрқинлигида ва ушбу ҳолатда кўриш сезгирлигида шакллар ташқи хусусиятларининг ўзига хосликларини ҳаққоний бериш билан амал қилади”<sup>21</sup>.

Рангтасвир саводхонлиги назариясини доимий равишда ўрганиб бориш тасвирий санъат таълими муваффақиятини таъминловчи муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Рангтасвирнинг мустаҳкам назарий қонун – қоидаларига таянибгина, ёш рассом амалий кўникмаларга эга бўлиши ва ижод йўлига кириб бориши мумкин.

«Назариясиз амалиётга кириб борган киши, - деб ёзади Леонардо да Винчи, - компасиз йўлга чиққан денгизчига ўхшайди ва қаёққа кетаётганлигини ўзи ҳам тузукроқ англаб етмайди. Амалиёт ҳамиша яхши

<sup>21</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 3 боб.

ишлаб чиқилган назарияга таяниши лозим ва назариясиз рангтасвирнинг муваффақиятини ҳеч қачон таъминлаб бўлмайди»<sup>22</sup>.

Рангтасвирчи рассом Д.Н.Кардовский қуйидагиларни ёзган эди. «... санъатни ўрганаётганлар ифода усуллари ва қоидаларига бўйсунилари, шакл, ранг, тус, хусусият, ҳаракат, мутаносибликни бера олиши, уларнинг қонуниятларини билиши лозим».

Тасвирий санъат тарихида рангтасвирга ўргатишнинг амалиёти билан боғлиқ катта тажриба тўпланган. Услубий адабиётда техник ва технологик маслаҳатлар билан бойитилган қимматли маълумотлар тўпланган. Назарияга келсак, бу соҳада тарихий мерос етарли эмас.

Кейинги йилларда тасвирий саводхонлик назариясини ўқитишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Бир қатор услубий қўлланмалар чоп этилди, уларда чизма маҳоратнинг айрим назарий йўналишлари ёритиб берилган: хусусан ёруғ - соя, ранглар, ҳавоий перспектива қонуниятлари шулар жумласидандир. Аммо бу қўлланмаларнинг мазмунига эътибор берилмаган бўлса, маълум етишмовчиликларни кўриш мумкин. Гап шундаки, талаба ёритиш, муҳит, ҳавоий перспектива асосида нарсалар рангини қанчалик тушуниб ва англаб етмасин, у ҳақиқий рангтасвирчи бўлиб етиша олмайди. Негаки буларнинг барчаси билан чизматасвир ва рангтасвир назариясининг асосий масалаларини ҳал этиб бўлмайди.

Рассом тафаккур бутунлигини кўриш орқали англаш қобилиятига эга бўла бошлагандагина реалистик рангтасвир маҳоратини эгаллашга киришади. Ўнлаб машҳур рассомларни тарбиялаб етиштирган тажрибали рассом - педагог Д.Н.Кардовский таъбири билан айтганда, «ҳам постановкада иш жараёнига раҳбарлик қилаётганда ранг муносабатларини тўғри топишга қаратиш муҳимдир... ҳар вақт муносабатлар асосида тафаккур юритиш ва ишлашга ўрганиш зарур». Энг аввало рангтасвирнинг тус ва ранглар муносабати ва уларни белгилаш усулидек асосий қонунни эгаллашлари зарур.

---

<sup>22</sup> ЖИВОПИСЬ. Под редакции Иогансона.

Булардан ташқари рангтасвир таълимнинг назарий курси таркибига чизматасвирнинг рангтасвирдаги етакчи роли, ҳавоий перспектива, ёруғ - соя конунлари, тасвирий юзада тасвирланаётган ашёларнинг ҳажмий, моддий, маконий сифатларини етказиш қоидалари, тасвирни тус ва ранг бутунлигига эриша олиш сингари масалалар ҳам киритилиши зарур. (12,16.26 - расм)

Чизиқлар ва битта рангда (бўёқда) ҳам ажойиб портрет ёки картина яратиш мумкин.

Аммо реалистик дастгоҳли рангтасвирда, рангли, ҳавоий ва борликни ҳаққоний тасвирлаш тили, усули тасвирий санъатнинг негизи ҳисобланади.

Ҳажмини, материални, буюмларининг бир - бири билан боғлиқлигини биз перспективада, ёруғ ва сояда, шунингдек рангда кузатамиз, кўрамыз. Материал ва ҳажмни идрок қилиш шакл юзасини ранг - баранглигини ва ёруғ – соянинг ҳилма - ҳиллигига боғлиқ. Шакл ранглари кўзимиздан узоқлашган сари ўзгариб, биринчи пландагиси иккинчи пландагисидан фарқ қилиб ранглар кучи, туси ҳам ўзгаради.

Биз ҳаётда кузатган нарсалар рангини матода ёки қоғозда тасвирлаётганимизда уларни гўзал, таъсирчан қилиб яратишимиз мумкин.

Нарсалар (шакл)нинг рангини эмас, уларни бизнинг кўзимизга қандай кўринишини ҳисобга олган ҳолда тасвирлаймиз. Яъни жисмларни ҳавоий перспектива орқали кўринган ранглар ёрдамида акс эттирамыз. Бизга кўринган ранглар жисм ҳақиқий рангидан анча фарқ қилиши мумкин. Барча кўринган жисм ранги унинг яқин ёки узоқда туришига, рангига, ёруғлик кучига ва теварак – атроф таъсирига ҳам боғлиқ. Шунинг билан бирга равшанлиги, ранги ва ранг туйинганлик кучи ҳам ўзгаради.

Агар ёш рассом натурада ранг ва ранг - тус муносабатларини кўра олса, ҳали у яхши асар ярата олади деган гап эмас. У маҳорат билан айрим ашёларнинг ёруғ - тусидан нусха олиши, уларнинг ҳажмини ҳам бериши мумкин, аммо маконнинг моддийлиги, ёритилиш ҳолатини бера олмайди.

Реалистик рангтасвир маҳоратини эгаллаш учун унинг икки асосий хусусияти, моҳиятини тушуниб олиш зарур. Шундагина ёш rassom ихтисосликни яхши эгаллайди ва унинг ҳар иши такомилга эришиб бораверади.

Биринчи хусусият шундаки, натурадан рангтасвир, унинг хажмий, маконий ва моддий сифатлари табиатнинг ранг муносабатларини нигоҳий образларга мутаносиб ўтказиш, ранглар ўйинидан иборат бўлади. Этюддаги берилаётган ранг муносабатларини моҳияти нигоҳ билан қабул қилинаётган муносабатлар моҳиятидан келиб чиқади. Зеро этюднинг ранг муносабатларини тузилиши, ёритилганликнинг умумий тус ва ранг ҳолатини ҳисобга олиб амалга оширилади. Ранг муносабатлари билан ишлаш методи рангтасвир таълимнинг асосий қонуни ҳисобланади.

Иккинчи хусусияти шундаки, натура ашёлари ранг муносабатлари уларни яхлит идрок этишни чоғиштириш билан белгиланади. Натуранинг ранг муносабатларини яхлит кўришга эришмай, унинг тасвири тўла равишда бўлмайди. Айнан шу икки хусусиятларга эришиш натижасида тасвирнинг тўлақонли, таъсирчан ранглар муносабатини яратиш мумкин.

Таълимнинг дастлабки пайтиданоқ муносабатлар методи билан ишлаш зарур. Ҳар бир рангни айнан ва бошқалардан ажратиб нусхалаш мумкин эмас. Бундай нусха кўчиришда рангларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг фарқини билиб бўлмайди. Бундай нусха олиш натижасида жонли нигоҳ тасаввуридан йироқ бўлган тасвир ҳосил бўлади. Этюддаги барча бўёқлар бир - бирига нисбатан олинади. Рангтасвирдаги ранглар атроф - муҳит билан солиштириш асосида топилади ва улар пропорционал муносабатларда тасвирланиши керак.

*Саволлар:*

- 1. Рангтасвирнинг назарий қонун – қоидалари нима беради?*
- 2. Назариясиз амалиёт ҳақида Леонардо да Винчи нима деган?*

3. *Рангтасвирдаги назарияни амалиёт билан боғлаш қандай амалга оширилади?*
4. *Рассом Д.Н.Кардовский рангтасвирни урганаётларга нима деган?*
5. *Рассом учун назарий билиб нима беради?*
6. *Нарсаларни қандай тасвирлаймиз?*
7. *Ранг назарий билимининг рангтасвирдаги роли қандай?*
8. *Натурадан ишлашдан тус нисбатлари қандай аниқланади?*

## **V.2. Гуаш билаш ишлаш.**

Гуаш сувли – елимли бўёқ бўлиб, акварель бўёғидан катта фарқ қилади. Оқ қоғоз, картон, фанераларга ишланганда юзани текис беркитиб, ашёларни таг ранги кўринмайди, акварельда эса қоғоз ранги бўёқ остидан кўриниб туради. Гуаш қуюқ қилиб сурилади ва текис юза ҳосил қилади. Гуаш асосан плакат, панно, катта халқ амалий санъатини бажаришда қўл келади. Гуаш бўёғи тез ишланадиган вазифалар ва эскиз ишлашда қўл келади. У бироз оқариши мумкин. Шунинг учун ана шу хусусиятини инобатга олиш керак. Шунинг учун ҳам биз рангшунослик фани амалий вазифаларини бажаришда гуашдан кенг фойдаланамиз. (28 - расм)

Гуаш билан ишланган суратлар об – ҳаво шароитига қараб 30 минутдан 3 соатгача вақт ичида қуриши мумкин. Гуаш бўёғини икки хил кўринишда (Москва, Петербург) заводлари ишлаб чиқарилди, (44 тўпламда), бу плакат гуашдир. Бу ташкилотлар чиқараётган маҳсулот ўзининг олий сифати билан ажралиб туради. Бу бўёқнинг ранги ёрқин, жозибали ва ўз рангини яхши сақлайди. Бу гуаш бўёғи қуёшга чидамлилиги жиҳатидан 3 қисмга бўлинади.

1 қисм. А – қуёш нурига жуда чидамли (5 балл), гуаш қутисида иккита кизил юлдузча бор. Б – гуаш қуёш нурига чидамли, гуаш қутисида иккита қора юлдузча бор (4 балл).

2 қисм. Гуаш қуёш нурига чидамлилиги кучсиз (2 балл), қутичада юлдузча йўқ.

### БАДИИЙ ГУАШ.

БЎЁҚЛАР НОМИ	Ёруғликка чидамлилиги (балл)
Белила цинковая (рухли оқ бўёқ)	5
Белила серебристая (кумуш тусли оқ бўёқ)	5
Страционная жёлтая (оч тусли оқ бўёқ)	3
Кадмий лимонный (ёркин лимон рангли бўёқ)	5
Лимонная ганза (лимон тусли бўёқ)	4
Кадмий жёлтый светлый (ёркин, оч сарик тусли бўёқ)	5
Травяная зелёная (ўт рангли барикарам бўёқ)	3
Ярко зелёная (ёркин тусли барикарам бўёқ)	2
Изумрудно – зелёная (тўқ барикарам ранг)	2
Зеленовато – голубая (барикарам тусли ҳаво ранг)	2
Окись хрома (барикарам ранг тури)	5
Зелёная тёмная (тўқ барикарам)	4
Парижская синяя (порлан зангори ранг)	2
Кобальт синий (ёркин кўк ранг)	5
Ультрамарин (зангори ранг)	4
Синяя антрахиновая (кўк рангни бир тури)	4
Фиолетово – тёмная (тўқ тусли бинафша ранг)	2
Краплак красный (оч тусли қирмизи ранг)	2

Литол красная (қизил рангнинг бир тури)	4
Кадмий красный тёмный (тўқ қизил ранг)	5
Кадмий красный светлый (оч қизил ранг)	5
Киноварь (имитация) шангоф, оч қизил ранг	3
Оранжевая (зарғалдоқ ранг)	3
Кадмий оранжевый (ёрқин зарғалдоқ ранг)	5
Охра светлая (оч тусли малла ранг)	5
Охра золотистая (олтин тусли малла ранг)	5
Сиеная натуральная (тўқ малла ранг)	5

### V.3. Мойбўёқ билан ишлаш (*Амалий маслаҳатлар*)

“Ҳар қандай бўёқларнинг энг муҳим техник хусусияти уларнинг тузилиши, шаффофлиги, ёруғлиги, тўйинганлиги ва чидамлилигидир. Ҳамма бўёқлар ранг-баранг ва боғловчи моддалардан таркиб топади. Бўёқларнинг ранг - баранг моддаси - ёғли, мойли, темпера ва бошқалар; бўёқ турларининг фарқи турлича тайёрланиши ва бўёқ зарраларининг ўзаро ва картина текислиги билан алоқасининг конструктив ишини бажарувчи боғловчи моддалар таркиби билан белгиланади. Боғловчи модда бўёқларнинг асосий техник хусусиятларини белгилайди ва уларнинг рангтасвирда қўлланиш усул ва йўлларига таъсир этади”<sup>23</sup>.

Мойбўёқда ҳам сувбўёқдаги каби узок муддатли ишлашга киришишдан аввал постановка(қўйилма)дан унча катта бўлмаган этюд ишлаб олинади, композиция ва асосий ранг муносабатлари аниқланади. Бундан ташқари мойбўёқда ишлаш учун аввалдан чизматасвир иши ҳам бажарилади, бунда асосий шаклларгагина эътибор берилади, иккинчи даражали қисмлари

<sup>23</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 2 боб.

мойбўёк билан ишлаш жараёнида бажарилади. Аммо тасвирнинг композицион жойлашуви аниқ бўлиши лозим.

Мойбўёкка киришишдан аввал натурадаги ранглар фарқи диққат билан ўрганилади, ашёлар ранги қиёсланади. Ёритилганликнинг умумий тус ва ранг ҳолати аниқ белгилаб чиқилади.

Иш жараёнида доим муносабатлар асосида фикрлаш лозим, ашёлар ранглари чоғиштирилади, ёруғлик ва соядаги рангларнинг хусусиятлари ўрганилади.

Чизматасвирдан сўнг мато юзасига енгил бўёк (подмолёвка) берилади. Бунда асосий тус ва ранг муносабатлари белгилаб олинади.

Мойбўёк жараёнида бир ашё устида тўхтаб қолиш ярамайди. Тез - тез шаклдан - шаклга ўтиб туриш керак. Баъзида ёш рассомлар ашёни етарли даражада ёритилганлигини кўриб уни ёритишга киришиб кетади, аслида эса кўшни бўлган жойни қуюқлаштириш лозим бўлади.

Этюд<sup>24</sup> устида ишлаётганда ранг муносабатларини умумлашган ҳолда олиш зарур. Тасвир хона деворларидан акс этаётган ёруғлик шаклларга ўз таъсирини ўтказиши. Ёруғлик хусусияти хона деворларини қандай рангга бўялганлигига боғлиқ.

Йирик пландаги ёруғ - соя ва ранг муносабатлари топилгач, ҳар бир ашёнинг ёруғ – соясини шакллантиришга ўтилади. Ҳар бир ашё деярли бир хилда бўялгандек, барча ашёнинг ҳар томони бир хилда ёритилмайди, шунинг учун ранг бир хилда бўлиши мумкин эмас. Орқа матони ҳам ранг орқали барча букламларини тўғри ифодалаш зарур бўлади.

Рангтасвирни ишлаш чоғида барча ранг жиҳатларни кўздан қочирмаслик зарур. Албатта икки, уч ранг жиҳатларига эга бўлган ҳолатларни нигоҳан қамраб олиш қийин, аммо бу ранг жиҳатларини қиёслаб бориш учун зарур бўлади.

---

<sup>24</sup> (французча – ўрганиш, машқ қилиш) – натурадан бажарилган иш (расм).

Натурадан ҳар қандай ишни яқунлагандан сўнг, уни умумлаштириш зарур. Етарли даражада ишланмаган ёки ортиқча ёруғ ёки қуюқлаштирилган жойлар юмшатилиши лозим. Айрим жойларнинг чегарасини белгилаш ва майда қисмлар (деталлар)га ишлов бериш талаб қилинади.

1. ***Мойбўёқни аралаштириш.*** “Бўёқларни аралаштиришда уларнинг ранги, тўйинганлиги ва фактурасини инобатга олиш зарур. Ранги бўйича уларни оддий, спектрал ва мураккабларга ажратиш мумкин. Оддий деб бошқа бўёқлардан ташкил қилиш мумкин бўлмаган бўёқларга айтилади. Оддий бўёқлардан қолган ҳамма бўёқларни ҳосил қилиш мумкин. Кўринадиган спектрга кирган ёки тўлиқ рангли спектр тузиш мумкин бўлган рангларга спектрал ранглар дейилади. Мураккаб бўёқлар - табиатда учраши мумкин бўлган бошқа барча бўёқлар”<sup>25</sup>.

2. ***Мойбўёқ билан ишлаш жараёни*** ниҳоятда мураккаб ҳисобланади, айниқса сувбўёқдан ўтилганда сезилади. Сувбўёқда қоғознинг ранги аҳамиятли бўлса, мойбўёқда оқ мато юзасининг унчалик аҳамияти йўқ. Табиатда етти хил ранг мавжуд: қизил, пушти, сариқ, яшил, ҳаворанг, кўк, бинафша. Асосий бўёқларни қўшиш орқали бошқа ранглар ҳосил қилинади.

“Умумий тайёргарликнинг танланган ранги табиатда ёритишнинг маълум ва характерли ҳолатини тасвирлашга асосланиши керак. Натурадан ишлашда умумий тайёргарлик ранги бевосита идрок қилинган колорит кирраларини ўзида мужассам қилиши керак; тасаввурга кўра ишда у колорит билан, ғоянинг берилган образли моҳияти билан белгиланиши керак”<sup>26</sup>.

Мойбўёққа оқ бўёқ қўшиш билан ёрқинлаштирилади. Шунинг учун рангтасвирчи асосий бўёқни оқлаш йўли билан бошқача ранг кўринишларига эга бўлишни билиши зарур.

---

<sup>25</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 2 боб.

<sup>26</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 2 боб.

Баъзан бўёқлар бир - бирига қўшилгач, ёрқинлигини йўқотади. Амалда оқ ва қора бўёқни тоза ҳолда қўллаб бўлмайди. қора рангни бошқа ранглар билан моҳирона аралаштириб нозик ранглар олиш мумкин. Мойбўёқ билан ишлаш чоғида этюдник<sup>27</sup>да беш хилдаги бўёқ бўлиши етарли ҳисобланади: оқ, сариқ, кўк, қизил, қора. Бу беш бўёқдан табиатда мавжуд барча рангларни ҳосил қилиш мумкин. (13 - расм)

3. Мойбўёқ билан фақат қуруқ ёки нам юзага ишланади, ярим нам юзага ишлаш мумкин эмас. қуримаган жойга бўёқ берилса, у ранг сифатини йўқотади. Бирон жой ўзгартирилиши керак бўлса, бўёқ пичоқ (мастихин) билан қириб олинади. Бўёқ қуриб қолган бўлса, устидан картошка ёки саримсоқпиез сурилиб, сўнгра бошқа бўёқ берилади.

4. Бўёқни пала - партиш бериш мумкин эмас. Бу шаклни, маконни, ҳажмни бузилишига олиб келади. қуюқ берилган бўёқ асарни томошабинга яқинлаштиради, юпқа ва текис берилгани узоклаштиради. Осмон тасвирида юпқа берилган бўёқ самарали бўлади. Бўёқ майдони катталиги этюд ёки сурат катталигига мос бўлиши зарур. Маҳобатли рангтасвирда ранг доғларини қамрови алоҳида аҳамиятга эга.

5. Рассом палитраси<sup>28</sup>. Палитрада бўёқларнинг ҳар бирининг ўзига мос жойи бўлиши лозим, шунда рассом эътиборини кўпроқ натурага ва матога қаратиши мумкин. Илиқ рангли бўёқлар одатда юқори қисмга жойлаштирилади, совуқ ранглилари пастроққа, белила эса ҳар қандай ўринда туравериши мумкин.

6. Палитра ранги. Одатда рассомлар жигарранг ёки оқ рангли палитрадан фойдаланади. Аммо палитра ранги натура жойлашаётган фонга мос келмайди. Баъзан палитрада ранг тўғри танлангандек бўлади, лекин матога тушгач ўзгариб қолади. қандай палитрадан фойдаланилмасин, оқ матога берилган дастлабки бўёқ қуюқ ва кирга ўхшайди. Тажрибасиз рассом дарҳол

<sup>27</sup> Рассомларнинг ўқиш - ўрганиш учун ичига мўйқалам, бўёқ, қалам, палитра ва қоғозларигача турадиган кути.

<sup>28</sup> Рассомнинг ранг бўёқ аралаштириш ва бўёқларини жойлаш учун ишлатиладиган ёғоч тахтача.

уни ёрқинроқ қилишга интилади. Натижада бутун тасвир оқариб кетади. Шунинг учун ҳам палитра ранги имкон қадар мато рангига мосроқ бўлгани мақсадга мувофиқ.

7. Матога грунтовка беришдан аввал рамкага тортилади. Матони солқин тортиб қўйилса, у осилиб қолади, бу бўёқ қатламини ёрилиб кетишига олиб келади. Мато рамкага нисбатан 3 – 4 см. кенгроқ олинади, унинг иплари йўналиши рамка четларига параллел бўлиши зарур. Мато рамкага ҳар томондан баробар тортилади.

8. Матони грунтлаш. Грунт икки элементдан иборат бўлади: юпқа елим қатлами ва бир неча бўёқ қатлами. Елим қисми бўёқни матога сингиб кетишдан асрайди. Елим бир ёки икки қатлам қилиб берилади. Грунт бўёқ мато юзини текислайди, тегишли рангни ҳосил қилади. У 2 - 3 қатлам қилиб берилади.

*Саволлар:*

- 1. Гуаш бўёгининг таркиби қандай?*
- 2. Гуаш бўёгининг бошқа бўёқлардан фарқи нимада?*
- 3. Гуаш бўёғи қуёш нурига чидамлилиги қандай белгиланади?*
- 4. Мойбўёқнинг бошқа бўёқлардан фарқи нимада?*
- 5. Мойбўёқ билан ишлашда нимага эътибор бериш керак?*
- 6. Мойбўёқ билан ишлаш босқичлари қандай?*
- 7. Этюд ишлашда нималарга эътибор берилади?*
- 8. Мойбўёқда оқ бўёқ нима учун керак?*

#### **V.4. Ранглардан композиция тузиш.**

Музейларда сақланаётган рангтасвир асарларини томоша қилар эканмиз чиройли ранглар билан ишланган асарлар албатта диққатимзни тортади. Масалан, А.И.Куинжининг “Днепр устида ойдин кеча”, Ван Гогнинг асарлари, Р.Ахмедовнинг куз манзаралари албатта кўпчиликнинг ҳавасини

уйғотади. Бу асарларда ранглар ечими моҳирона, усталик билан ҳал қилингини кўрамиз. Шаклларни тўғри чизишдан ташқари бадиий образ учун уларга гўзал ранглар бериш катта аҳамиятга эга.

Тасврий санъатда рассом томонидан асар яратишда албатта ранглардан фойдаланади. Картинада ранглар ёрдамида бадиий образ яратилади. Шундай экан рангтасвирда ранг муҳим роль ўйнайди. Асар яратишда бўёқ билан ишлашдан ташқари рангларни мақсадли ўз ўрнига қўябилиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ана шу мақсадда бўлажак рассом ранг кўриш қобилиятини ривожлантириши учун машқ қилиши зарур. Биз бунинг учун сувбўёқ ёрдамида мавзули композиция (манзара, натюрморт, декоратив абстракция) ишлаш мақсадга мувофиқдир. Композиция баҳор, ёз, куз, қиш, ойдин кеча, тун, окшом пайти қабиларда бўлиши мумкин. Манзарада қанча кўп ранглар иштирок этса шунча яхши. Умумий ранглар туси ва тури бир неча юздан (300 - 500) ташкил топиши керак. Ана шу ранг турларидан қоғоз парчалар тайёрлаб майда бўлакчаларга қириб чиқамиз ва олдиндин тайёрланган композиция устига шакл бўйича мозайка каби қўйиб елимланади. Ранг парчалари қанча майда бўлса колорит ҳосил қилиш қизиқарли бўлади. Бунда иссиқ ва совуқ ранглар ёнма ён туриши яхши натижа беради. Ранг туслари қанча кўп бўлса композиция ранг колорити шунча жозибали чиқади.

*(29,30 - расм)*

“Колорит ёруғлик ва кўриб идрок қилишнинг маълум объектив қонунлари бўйича юзага келади. Бу қонунлар бўйича бизнинг онгимизда предметларнинг колорит образлари пайдо бўлади. Колорит ва унинг қонуниятлари ҳақидаги таълим рангтасвир техникасининг назарий асосини, унинг ҳамма усуллари умумий асосини ташкил қилади. Рассом ҳар қандай тасвирий материалга мурожаат қилмасин, хоҳ мойбўёққа, хоҳ темперага бўлсин, уларга хос бўлган рангтасвир техникаси хусусиятларига эга колорит қонуниятлари ўзгармай қолаверади”<sup>29</sup>.

---

<sup>29</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 1 боб.

Колорит композициясини яратишда композиция маркази (акцент), текисликда мувозанат, яхлитлик ва бирлик, ҳавоий перспектива каби тушунчаларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Умуман олганда композицияда ғоя ва мақсад аниқ амалга оширилиши колоритга боғлиқлигини сезиш муҳим ҳисобланади. Бундай машқларни ҳар доим амалга ошириб туриш ранг кўриш қобилиятини янада ривожлантиради. Шунингдек, табиат манзараларидан қисқа муддатли этюдлар ишлаш ҳам яхши натижа беради.

## V.5. Ранг ва фактура

Ранг сурилган буюм, шакл ва текислик юзаси ҳар хил, ғадир - будир ёки силлиқ бўлиши мумкин. Шу юзага қараб бир хил ранг билан бўялган силлиқ юзадаги ранг текис жозибали ва жарангдор кўринишда бўлади.

“Ранг ва рангтасвир характеристикасига, ранг туси билан бирга бўёқларнинг фактура, шаффоқлик, тўйинганлик, ёруғлик каби хусусиятлар киради. Ҳамма бу хусусиятлар картина бўёқ қатламининг мураккаб тузилишини юзага келтиради ва томошабинда ранг ҳисётларининг туганмас хилма-хиллигини ҳосил қилади”<sup>30</sup>.

Фактура деганда буюм, шакл ва текислик юзасининг сифатини тушунамиз. Масалан, чинни юзаси, эмаль бўёқ билан бўялган челақ, лаган, мойбўёқ, гуаш, акварель бўёқ билан бўялган юзалар фарқи назарда тутилади.

Ғадир - будир текислик юзасидаги ранг эса ёруғлик тушишига қараб ўзгариб туриши мумкин. Баъзан жарангдор, баъзан эса хирароқ кўринишда бўлади. Чунки нотекис юза қия ёритилганда нур оз бўлсада соя ҳосил қилади. Масалан, олма рангини тўрлаб пишган қовун ранги юзасини таққослаб кўрайлик, фактурага қараб ранглар ҳам ҳар хил кўринишда бўлади.

Гуаш бўёқ билан бўялган юза текислигидан мойбўёқ билан бўялган юза текислиги албатта фарқ қилади.

---

<sup>30</sup> Ричард Шмидт. АЛЛА ПРИМА. 2 боб.

Гуаш бўёқ билан бўялган юза текислик ялтирамайди ва юмшоқ кўринишда бўлади. Нур қайтариш хусусияти пастдир.

Мойбўёқ билан бўялган текислик ялтираши мумкин. Айниқса лак сурилган текислиги (масалан картина). Чинни буюмлар ранги ҳам тиник ва силлик бўлиб ялтироқ юзага эга. Акварель бўёқ билан бўялган текислик албатта қоғоз сиртинининг сифатига қараб ҳар хил ва текис бўялган бўлмаслиги мумкин.

Шунингдек фактура бўяш усуллариға ҳам боғлиқ. Текис ёки нотекис қилиб ҳам бўялиши мумкин. Бунга чинни идишлар, машина, хўжалик буюмлари текис қилиб бўялган юзаға мисол бўлса, бадий асар турларидан рангтаѕвир кўп рангли ва фактураси ҳар хиллиги билан фарқ қилади. Рангтаѕвирда фактура тури яъни бўялиш тури, усули муҳим аҳамиятға эга.

### ***Саволлар:***

- 1. Ранг композицияси нима учун керак?*
- 2. Ранг композицияси қандай бажарилади?*
- 3. Колорит ва унинг қонуниятлари нима?*
- 4. Колорит композициясида нималарға эътибор берилади?*
- 5. Ранг композициясида нимаға эътибор бериш керак?*
- 6. Ранг бўёқларининг фактураси нима?*
- 7. Ранг ва рангтаѕвир характеристикаси нима?*
- 8. Ранг бўёқларининг бир биридан фарқи?*

### **V.6. Рангшуносликдан амалий машғулотлар.**

Рангшунослик қонунлари ва ранг тузилишларини табиатда кузатишдан ташқари бир неча амалий машғулотлар бажариб ўз маҳоратларимизни ошириб боришимиз керак. Машқ қилинган кўз 10.000 га яқин ранг ва тус

бўлакчаларини ажратиш қобилятга эга. Рассом ўз асарида шунга яқин ранглардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

1. Ранг доираси 6-12 та рангдан тузилган. Биронта ранг орқали тўғри чизиқни доира марказидан ўтказсак унга контраст бўлган рангни кўришимиз мумкин. Бунда кўшимча жуфт ранг юзага келганини кўрамиз..
2. Қуёш ёки электр чироғи нурлари кўзимизга оқ бўлиб кўринади, булар таркиби эса хроматик ранглар нуридан иборат. Бу нурларни оптик аралашмаси оқ рангни ҳосил қилади.
3. Рангли учта ойна шишани устма – уст қўйсак қора рангни ҳосил қилади, (рангларни механик аралашмаси).
4. Ахроматик контраст ранглар туси билан фарқ қилади.
5. Хроматик контраст ранглар бир - бирига қарама - қарши ранг ҳисобланади.
6. Спектр рангларни контраст фонидида кўриниши.
7. Рангни равшанлиги, туси ва кучи унинг фонига боғлиқлиги.
8. Рангли дискнинг “электраралаштиргич” ёрдамида синаб кўриш. Қизил, кўк ва сариқ ранг аралашмаси кир жигаррангни ҳосил қилади.  
Доирада кўшма қизил, яшил ранг билан кулрангга ўхшаб кўриниши мумкин. Аммо кулранг жилосини (турини) рангларни нисбатларини ўзгартириш билан ҳосил қилиш мумкин. Картон, трафарет ёрдамида равшан, ҳар – хил қаторли ва тенг қаторли ранг бўлакчалари ҳосил қилиш мумкин. Агар мовий – кўк рангли дискка оқ ва қора халқа жойлаштириб аралаштириш натижасида кўк ранг ҳосил қилсак кўшма ранг унинг фонига яқин кўринишда бўлади.
9. Оқ ва қора ранг аралашмасидан ҳосил бўлган кул ранг ҳар хил тусда бўлишини кўрамиз.
10. Спектр ранглар доирасидаги ранглардан бирини оқ қора ва кул ранг билан алоҳида аралаштирсак ҳар учала ҳолатда ранглар жилоси ва туснинг хилма хиллигини кўрамиз .

11.Қўшма жуфт ранглар ва уларнинг тус кўриниши бир – бирига яқинлаштирилса мураккаб ҳолатни кўрамиз.

12.Ҳар хил ранглардан ҳосил қилинган мавзули ранг композиясини ҳосил қилиш (контраст, ньюанс кўринишларда).

## **V.7. Рангшуносликдан амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

### **1-вазифа.**

Ахроматик ранг: қора ва оқ ранг ёйилмаси бўлакчасини ишлаш.

*Вазифа мақсади:* тус тушунчаларини мустаҳкамлаш ва сезги ҳиссини ривожлантириш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x15 см тўртбурчак текисликларда қора билан оқ рангни бир неча тусини топиш ва 6x1,5 см бўлакчасини қирқиб ёнма - ён бир қатор тизиб жойлаштирилади

### **2-вазифа.**

Спектр ранглар айланасини асосий ранглар (сарик, кўк, қизил) асосида топиш.

*Вазифа мақсади:* Спектр рангларни топиш ва ранг, тус тушунчаларини мустаҳкамлаш ва сезги ҳиссини ривожлантириш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x15см тўртбурчак текисликларда рангларни топиш ва диаметри 20,30см айланага 12 ёки 24 ранг бўлакчасини қирқиб ёнма - ён бир қатор айлана бўйлаб тизиб жойлаштирилади

### **3-вазифа.**

Спектр рангларни қора, кулранг ва оқ билан аралаштирилиб ранг туси ёйилмаси бўлакчасини ишлаш.

*Вазифа мақсади:* рангларни аралаштириб тус тушунчаларини мустаҳкамлаш ва ранг туси ўзгаришларини кузатиш, кўзни чиниқтириш.

*Вазифани бажариши методикаси:* 10x15 см тўртбурчак текисликларда ранг айланасидаги 12 рангни қора, қулранг, оқ ранг аралаштириб бир неча тусини топиш ( $12 \times 3 = 36$ ) ва 6x1,5 см-дан 12 дона ранг бўлакчасини қирқиб ёнма - ён бир қатор тизиб жойлаштирилади

#### **4-вазифа.**

Спектр ранглардан контраст жуфт ранглар ҳосил қилиш.

*Вазифа мақсади:* ранглар контрасти тушунчаларини мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариши методикаси:* 10x15 см тўртбурчак текисликларда ранг айланасидаги 12 рангдан 4x4, 6x6 см-дан 2 дона ранг бўлакчасини қирқиб устма - уст ёки ёнма - ён жойлаштириб контраст шакл ҳосил қилинади.

#### **5-вазифа.**

Спектр рангларини қулранг фонда жойлаштириб тус ўзгаришини кўриш.

*Вазифа мақсади:* ранглар ёрқинлиги, туси ўзгариши ва фон таъсири тушунчаларини мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариши методикаси:* 10x15 см тўртбурчак текисликларда ранг айланасидаги 12 рангдан 4x4, 6x6 см-дан 2 дона ранг бўлакчасини қирқиб қулранг фонга устма - уст жойлаштириб шакл ҳосил қилинади.

#### **6-вазифа.**

Спектр рангларини узоқлаштириш ёки яқинлаштириш (перспектив ўзгариш ҳолати)ни топиш.

*Вазифа мақсади:* рангларни ёқинлаштириш ёки узоқлаштириш, тус ўзгариши тушунчаларини мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариши методикаси:* 10x15 см тўртбурчак текисликларда ранг айланасидаги 12 рангдан 4x4, 6x6 см-дан бир неча дона ранг

бўлакчасини қирқиб устма – уст ёки ёнма - ён жойлаштириб перспектив шакл ҳосил қилинади.

### **7-вазифа.**

Спектр ранглар ёрдамида мураккаб ранглар ҳосил қилиш..

*Вазифа мақсади:* Спектр ранглар ёрдамида мураккаб тус тушунчаларини мустаҳкамлаш ва ранг туси ўзгаришларини кузатиш, кўзни чиниқтириш.

*Вазифани бажариш методикаси:* Спектр рангларга бошқа рангларни, қора, кулранг ва оқ билан аралаштириб мураккаб ранг туси бўлакчасини ишлаш. 10x15 см тўртбурчак текисликларда ранг айланасидаги 12 рангга кўшни ранг ёки қора, кулранг, оқ аралаштириб бир неча мураккаб ранг туси ёйилмасини топиш, 6x1,5 см-дан 12 ёки 24 дона мураккаб ранг бўлакчасини қирқиб ёнма - ён бир қатор тизиб жойлаштирилади.

### **8-вазифа.**

Спектр ранглар ёрдамида мураккаб ранглардан ҳар хил шакл ёрдамида ранг маркази (акцент) ҳосил қилиш..

*Вазифа мақсади:* Спектр ранглар ёрдамида мураккаб тус тушунчаларини мустаҳкамлаш ва ранг ёрдамида акцент ҳосил қилишни ўрганиш, кўзни чиниқтириш.

*Вазифани бажариш методикаси:* Спектр рангларга бошқа рангларни, қора, кулранг ва оқ билан аралаштириб мураккаб ранг туси бўлакчасини ишлаш. 10x10,15x15 см тўртбурчак текисликларда мураккаб ранглардан тусли текислик композициясини ҳосил қилиш ва марказ (акцент) топиб жойлаштирилади.

### **9-вазифа.**

Спектр ва мураккаб ранглар ёрдамида ҳар хил тусли ранг композициясини ишлаш.


*Вазифа мақсади:* Спектр ва мураккаб ранглар ёрдамида ҳар хил тусли ранг композициясида иссиқ ва совуқ ранглар ёрдамида декоратив композиция ишлашни, колорит тушунчаси мустаҳкамлаш ва ранг ёрдамида ҳолат, акцент, узоклаштириш, яқинлаштириш, колорит тушунчаси ҳосил қилишни ўрганиш, кўзни чиниқтириш.

*Вазифани бажариш методикаси:* Спектр ва мураккаб бошқа рангларга кора, кулранг ва оқ билан аралаштириб иссиқ, совуқ ранглар туси бўлакчаларидан композиция ҳосил қилишда 10x10, 15x15 см тўртбурчак текисликларда мураккаб ранглар бўлакчаларидан тусли текислик(40x50, 50x60см ўлчамдаги планшет)да ранг композицияси ҳосил қилиб бўлакчалар елимланади.

## **VI БОБ**

### **VI.1. Бадий образларнинг ифода воситалари ва қуроллари**

Бадий образ ифодасининг асосий тасвирий воситаларидан бири шаклдир. Шакл ҳаракатдаги нуқтани пайдо қилувчи чизикдан ҳосил бўлади.



Чизикнинг силжиши текисликни ҳосил қилади, текисликларнинг туташуви жисмни ҳосил қилади.


**Нуқта, чизик, доғ** - буларнинг ҳаммаси текисликда композиция ҳосил қилиш элементларидир. Чизик ва доғ жойлашишига боғлиқ ҳолда томошабинга таъсир кўрсатади. Бу жараён ассоциатив (тасаввур, ҳис - туйғу, фикр) ва интуитив (сезги) даражада, шунингдек, хотира даражасида рўй беради. Инсоннинг

31а- расм Чизиклар

шакли аниқ физик идрок қилиши ҳам мавжуд ҳол. (31 - расмлар)

**Чизиқ** - тасвирнинг оддий, шу билан бир вақтда асосий элементи. У бу аҳамиятини ишнинг деярли барча босқичларида сақлаб қолади. Ёрдамчи функцияларни бажариб, бадиий моҳиятга ҳам эга бўлиши мумкин, яъни:


1) бирор предмет шакли билан боғланмай, тасвирнинг мустақил бадиий элементи сифатида, масалан, предмет тасвири вазифаси бўлмаганда,



31б – расм. Чизиқлар



31 в – расм. Чизиқли расм



31 – расм. Доғлар

чизиқли орнаментларда; 2) предмет тасвири элементи ва предмет бадиий шакли қурилиши асоси сифатида.


Чизиқли тасвирнинг санъатдаги ифодавийлиги ва ашёвийлиги предмет шаклининг реал сифатлари, унинг катталиги, нисбатлари билан боғлиқ, бунда предметнинг чизиқли ифодаси воситалари эмас, унинг ўзи асосийдир.

Масалан, чизиқларнинг вертикал тизилиши - мустаҳкамлик, диагонал тизилиши - динамика, горизонтал тизилиши - хотиржамлик, кенглик ҳиссини пайдо қилади; эгри чизиқлар кўриниш шаклига қараб туташганлик ёки

Ўзгарувчанлик тасаввурини беради. Аммо, асосий чизиқли элементлар вертикал, горизонтал, қия ва эгилган чизиқлар абстракция (мавҳум) сифатида қабул қилинса-да, шунга қарамай улар қандайдир предметлар контури сифатида ифодаланади ёки бизнинг баланд дарахтлар, уйлар ёки горизонт чизиғи ҳақидаги реал тасаввурларимиз билан боғлиқ. Чизиқларнинг бу хусусиятлари билан тўғри бурчак (куб), қия (пирамида, конус) ва тузилиши



32 а- расм Динамика



32 б - расм Динамика




32 в - расм Динамика

бўйича статик, динамик, ёки ўзида шу ва бошқа сифатларни мужассамлаштирган мураккаброқ шаклларни ҳосил қилувчи шакллар ҳам боғланган.

Графиканинг чизиқли тили, ифодавийлиги чизиқларнинг кўриниши (тўғри, эгри, ингичка, туташ, узук - юлуқ) хусусияти, чизиқларнинг колорити ва рангига (қора, кулранг, оч ранг, рангли)

ҳам боғлиқ. Чизиқларнинг бундай бевосита хусусиятлари билан бирга, уларнинг турли муносабатларига асосланувчи қонуниятлар ҳам мавжуд. Бундай қонуниятнинг кўринишларидан бири чизиқли контраст ва нюансдир.




32 г - расм Статика

Чизиқли контраст ва нюансларнинг аҳамияти композицияда чизиқлар кўриниши, колорит, ранг ва ритм орқали ҳосил қилинган


Чизиқли контраст ва нюанслар саноат графикасида текислик тасвирларида қандай бўлса, фазовий тасвирларда ҳам худди шундай фавқулодда муҳим рол ўйнайди.

Тасвирий текисликнинг образли имкониятларидан фойдаланиб, расм

унга турлича ифода бериши мумкин: бир ҳолда - текислик бошқа ҳолда - фазо (фазовий тасвирда). Шундай қилиб, тасвирий текислик ўз ифодавий имкониятларига эга бўлган бадиий шакл сифатида қабул қилиниши керак.



32 д - расм Статика




32 е - расм Динамика

Ҳеч қандай тасвир элементларига эга бўлмаган текис юзага чизилган чизиқ дастлабки ташкил қилувчи элемент ҳисобланади. Чизиқларнинг симметрик ёки асимметрик жойлашиши тасвирнинг статик ёки динамик негизини белгилайди. (32 - расм)

Икки кординатлар - вертикал ва горизонтал текис юза тўғри бурчакли шакл характерицикасини белгилайди ва саноат графикасида текислик тасвирининг бошланғич элементи ҳисобланади.

Аниқ бир маромли ритмик тартибда моҳияти бўйича бир хил горизонтал ва вертикал чизиклар билан бўлиб чиқиш орқали, текис юза бир хиллигининг идрок қилинишига эришилади.



32 ж - расм Динамика

Кўриниши ва моҳияти бўйича турли чизиклар билан нотекис бўлиниш текис юзанинг бузилиши, ўзгариши каби сохта тушунчани келтириб чиқаради. Буни текис юзанинг бўлиниш воситалари ёки чизикларнинг контраст ва нюанс воситалари билан, бу юзанинг горизонтал, вертикал, текислик ва фазовий - аниқ тузилишини кўрсатиб бериш керак бўлганда инобатга олиш зарур.

Чизиклар контрасти, бўлиниш усуллари бадиий шакл сифатида текис юзанинг бошқа сифатларини ҳам очиб беради (катта, кичик, енгил, оғир, ёрқин, тўқ ва ш.к.).

Текис юзани сифат (фазилат, хислат) чизиғи билан намоён қилиш - расмда кўрсатиб ўтилган. (32 -расм).


Турли қалинликдаги чизиклар билан чизилган бир қанча бир хил геометрик шакллар (квадратлар)и мисолида чизиклар ва қоғознинг турли

ўзаро таъсири сабабли, улар томошабиндан турли масофада ётгандек бўлиб кўринишини сезиш мумкин. Қалин контур шаклни биринчи планга кўтаради.

Чизиқлар ва қоғознинг контраст ўзаро алоқасида графиканинг бошқа хусусиятлари ҳам чизиқли тасвирда яратилади. Чизиқ фақат шакл чегарасини аниқлаб қолмай, уни тўлдиради ҳам.

Кўриниши бўйича турли чизиқлар бир - бири билан биргаликда ва штрихлар, колорит, ранг ва фактура туйғусини беради.

Кўриб идрок қилишнинг бу қонунияти чизиқли чизмада ашё хусусиятларини, унинг ташқи сифатлари - ёрқинлиги, ранги, фактурасини



33 а – расм. Штрих



33 б - расм Штрихли тасвир

кўрсатиб бериш учун фойдаланилади.



32 в – расм. Штрихланган расм.


**Штриховка.** Бу усул штрихлар орқали тус беришдир. Ўткир қаламни уч бармоқда ушлаб, тезлик билан бир - бирига яқин, узоқда ёки бир - бири билан боғлаб ингичка штрих чизиқларда амалга оширилади. Штрихлар йўналиши вертикал, горизонтал ва қия бурчак остида шакллар юзасини, унинг структурасини, шаклини, ўлчамини ва бошқаларни тасвирлаш мумкин.

Штрихлар йўналиши тасвир элементларини кўсатишга хизмат қилиб, у нарсалар шаклини ва ўлчамини нигоҳимсизда ўзгартириши мумкин. Бурчак остидаги штрихлар тасири нигоҳимизда кучли бўлмаслиги мумкин. Шунга қарамасдан ўнг қўл билан енгил ишланган штрихлар кўп ҳолларда ишлатилади. Уни қўл ҳаракати билан ўнгдан юқорига, чапдан пастга штрих чизиқлар параллелигини сақлаган ҳолда бир хил тусда ва бир хил интервалда чизилади. Бундай штрихлашни параллел дейилади. Кундаланг штрихларни бир неча қатлам параллел штрихлар ёрдамида амалга оширилади. Штрихлар йўналиши ҳар бир қатлами енгил ўзгартирилади, натижада ромбо шаклидаги сеткалар ҳосил қилиниб штрихланган ҳаракатли қомат ҳосил бўлади. (33 - расм). Чап томонга қиялаштирилган штрихлаш кам ҳолларда ишлатилади, чунки ўнг қўл билан штрихлаш қийинчилик тўғдиради.

Бир хил тусли штрихлар қатламларини ҳосил қилиш учун очроқ қисмига яна бир қатлам, тўқроқ штрихлар билан амалга ошириш мумкин.

**Тушёвка.** Бу усулда штрихларни бир бирига яқин, қўшилиши натижасида ҳосил қилинади. Одатда графит қалам учининг ён томонини ётқизиб соя берилади.


**1. Квадрат.** Тугалланган, мустаҳкам шакл, тасдиқловчи образларни ифода этишга тайёр. Маълум шароитларда - ҳаракат, айниқса, «парвоз»дан йироқ оғир, турғун шакл.



34 а – расм. Нуқта.  
Тўртбурчак. Учбурчак.  
Доира.

**2. Учбурчак.** Текислик ва фазода ривожланувчи, ҳаракатнинг потенциал имкониятларини ўзида мужассам этган фаол шакл. Агрессив образларни ифода этиши ёки юзага келтириши мумкин. Учи юқорига қаратилган ҳолда у мустаҳкам, пастга қаратилганда мустаҳкам эмас. Бу шаклда қарама - қаршилиқлар кураши яққол акс этган, бу ҳам ўз ўрнида аниқ образларни яратиш учун зарур бўлади.

**3. Айлана.** Бу шаклда бошқалардан кўра кўпроқ табиат, ер, олам ғояси тасвирланган. Шунинг учун «эзгулик», «ҳаёт», «бахт» каби тушунчалар. (34 -



расм)

Доғ силуэтини чегараловчи туташ чизик, шу доғнинг шаклини идрок қилишга боғлиқ. Юмалоқ эгриликдаги чизиклар, айлана, эллипс ва бошқа шунга ўхшаш шакллар, серқирра синик чизиклар учбурчакни эслатади. Доғга нисбатан

34 б – расм. Тўртбурчак. Учбурчак.  
Доира.

чизикда кўпроқ ҳаракат ётади, чунки бу ерда унинг оптик талқини ифода этилади. Ҳаракат шиддатли йўналтирилган ёки секин, камроқ мақсадга

йўналтирилган, мантиқсиз, шу билан турли образларни ташкил қилувчи бўлиши мумкин. Бир чизиқ бу сезгиларнинг бир савияси, бир қанча такрорланган чизиқлар таъсирни кучайтиради. Харақтери бўйича турли чизиқлар идрокни бойитади, образни мураккаблаштиради, лекин уни бемаънилик тартибсизликка олиб бориши мумкин.

## VI.2. Текислик ва фазо

Картина бу - ҳар хил ранг бўёқ доғли чегараланган текисликдаги тасвирдир. Ранг доғлари орқали текислик юзасидаги шакллар, унинг пластикаси, бўшлиқ, вақт ва ҳаракатдаги картина тасвири композиция қурилмасидир. Тасвир (картина) – бу ҳақиқий текислик ва у ҳам бошқа ҳақиқатнинг образи. Картина текислигидаги ҳақиқат тасвири расом томонидан амалга оширилган образ ҳисобланади. Картина композицияси - бу



35 б – расм. Рафаэль. Афина мактаби.

текислик юзасидаги ранг доғлари ва чизиқлар ёрдамида шакллар гуруҳи, ҳаракат ва сюжет тасвири қурилмасидир. Композиция талабларидан бири картинада ёки текисликда макон қурилмаси муҳим ҳисобланади. Бу - руҳий ва жисмоний кучнинг

текисликдаги курашуви, учрашуви ва текисликда шакллар, қиёфалардир. Унда ҳаётни ёки образли тасвирни кўришимиз мумкин. Шундай қилиб картина текислигида расом томонидан яратилган воқеа образ қурилмасини англашимиз, ҳис қилишимиз, унинг ичига кириб ҳамдард бўлишимиз мумкин. Бу ҳолат ҳақиқий текисликдаги воқеавий ҳақиқат қурилмасидир. Макон тасвири шакл тасвирига боғлиқ. Архитектура биноларини тасвири

янги фазо тасвири(перспектив) тушунчасини, табиат манзараларида пленэр рангтасвирини ва ҳавоий перспективасини ўрганишни талаб қилади. Тасвирда макон, фазони ҳосил қилишда шакл қурилмаси, унинг жойлашуви характериға боғлиқ.

Рафаэлнинг “Афина мактаби”<sup>31</sup> асарида текисликдаги макон тасвирини уч улчамда кўрамиз. Биз картинада ҳақиқий маконни, фазони кўрамиз. Кучли тасвир маҳоратидан ва макондаги тасвирдан баҳраманд бўламиз. (35 - расм)

### **Саволлар:**

1. Нуқта, чизиқ, доғ нима?
2. Чизиқларнинг кўриниши хусусияти қандай?
3. Чизиқларнинг кўринишлари қандай?
4. Картина текислиги қандай?
5. Фазо деганда нимани тушунасиз?
6. Штриховка нимага хизмат қилади?
7. Тушёвка қандай амалға оширилади?
8. Картина нима?
9. Текислик нима?
10. Тасвир нима?

### **VI.3. Фазовий қурилма**

Фазовий қурилма дастгоҳли картина текислиги бўшлиғида воқеа ҳаракатлари ва шаклларнинг образли тасвири учун хизмат қилади. Унда ҳаракатлар ривожланиб, картина чуқурлигини ҳосил қилади. Агар воқеа тасвири фақат фронтал текисликда бўлса, унинг таъсирчанлик кучи бироз заифлашади.

Картина чуқурлигида фазовий қурилма бир неча бўлақларға; 1) қатлам бўлақларига ва 2) план бўлақларига бўлинади. Фазо (макон) қатламларини планларға бўлиш, шакллар ва одам қоматларини пастда ва юқорида

---

<sup>31</sup> Klaus Reichold, Bernhard Graf. PAINTINGS that Changed the World

жойлашувига қараб белгиланади. Бу ҳолатда жойлаштириш конструктив аълоқа, ғоявий боғлиқликни сақлаши зарур.

Европа тавирий санъатида Уйғониш давридан бошлаб картина бўшлиғини планларга бўлиш ҳукмронлик қилиб келган. План - бу горизонтал текисликда, ерда қурилган тасвир бўлаклари. У фронтал қурилиш билан яқунланади. Агар бу фронтал гуруҳи ҳаракат қурилмасини ташкил қилувчи бўлса, пландаги қурилмалар ўзига тегишли рангларда ва тусларда тасвирланади. Чуқурлик кадам (план)лари орасидаги боғловчи ҳисобланиб, шакллар орқали амалга оширилади. (35 - расм)

Джотто асарларидаги бир планли композициясида воқеалар томошабин олдида биринчи планда жойлаштирилган. Қоматлар ритми, симметрияси енгил ўқилади. Бир планли ҳаракат қурилмаси аниқлик ва силуэтлар таъсирчанлигини талаб қилади. А. Ивановнинг “Христоснинг халққа кўриниши” картинасида биринчи план алоҳида ажратилмаган. Иккинчи планда бош ҳаракат персонажлари жойлаштирилиб, Иоаннанинг қўл ҳаракати Христосга қаратилган. Бу картина чуқурлигини ташкил қилувчи диоганал қурилма. Учинчи планда ғира - шира кўринаётган шаҳар ва тоғ кўрсатилган. Христос қомати бош планга таълуқли бўлиб, узоқдаги планлар билан боғланиб ҳаракат алоқасини яқунлайди.

Планлар ҳақида гапирганда манзара композициясида фазовий тузилиши ўзгача. Шаклсиз манзараларда (масалан; денгиз, ўтлоқлар, ўрмонлар) ранг орқали картина чуқурлиги ҳосил қилинганлигини кўрамиз. А. Куинджининг “Қайинзор”, Клод Маненинг “Қизғалдоқли дала”<sup>32</sup> картиналари бунга мисол.

#### **VI.4. Чизик (Линия)**

Қоғоз юзига тортилган чизик ёки чизикча чизматасвирнинг асосий элементларидан ҳисобланади. У вазифасига қараб ҳар хил характерга эга бўлиши мумкин.

---

<sup>32</sup> Klaus Reichold, Bernhard Graf. PAINTINGS that Changed the World

Чизиқ ясси, бир хилда бўлиб, ҳеч нимани ифодаламаслиги мумкин. Бундай ҳолатда чизиқ ёрдамчи вазифасида бўлиши, яъни у нисбатларни белгилашда, натура чегараларини хомаки чизматасвирда белгилаши мумкин. Чизиқлар қалам ёрдамида гоҳ нозиклашиб, гоҳ йўғонлашиб, гоҳ умуман узилиб кўринмас тусларда ҳосил қилинади. Баъзан қалам кучининг борича тўқ қорамтир туси ҳосил бўлади.

Айниқса Микеланжело чизматасвирида эркак кишининг ялонғоч комати тасвиридаги жозибали чизиқлар нисбати бунга мисолдир. Ҳар хил характердаги чизиқлар рассомга пластик ва макон вазифаларини ечишга катта ёрдам берган. Қаламни кучли босиш билан комат юқори қисми узоклашувини кўрсата олган. Чизматасвирнинг ҳар бир чизиғи анатомия ва пластика томонидан асосланиб тасвирланган.



В. Серовнинг “Балерина Т.П.Карсавина” портретида чизиқлар жозибали гўзал чизмасвирни яратган. (36 - расм)

Ҳаваскор рассом чизматасвирда чизиқлар ёрдамида мураккаб шакллар яратиш мумкинлигини сезмай, одатда ясси, шартли ва бир хил чизиқлар билан шакл, тошлар ва дарахтлар чегараларини бир хил чизиқлар билан ишлаб, шаклни, ёруғликни, муҳитни ҳосил қила олмайди. Муҳит, маконни тавирлашда эътиборсизлик билан ишлаб, фақат шакллар ташқи чегарасига эътибор берадилар холос. Уни механик нусхасини кўчириб, контур чизиқлар

35 б – расм. Чизиқли тасвир.  
В.Серов. Балерина  
Т.П.Карсавина

орасини ёруғ ва соя доғлар билан тўлдирадилар.

Ясси чизиқлар санъатда ўз вазифасига эга. У рангтасвир – безак ишларида; деворий росписда, мозайкада, витражда, дастгоҳли ва китоб графикасида, плакатда ва жами ясси характерга эга бўлган асарларда ишлатилади.

Ясси ва фазовий чизиқлар орасидаги фарқни аввалдан англаб олиб, уларни кейинчалик чизматасвирда ҳар хил элементларини аралаштириб юбормаслик керак.

### ***Саволлар:***

- 1. Фазовий қурилма нимага хизмат қилади?*
- 2. Картинада фазовий қурилма нечага бўлинади?*
- 3. План нима?*
- 4. “Христоснинг халққа кўриниши” картинаси неча планди иборат?*
- 5. Шаклсиз манзара композициясида плнлар қандай амалга оширилади?*
- 6. Чизиқ нима?*
- 7. Чизиқлардан қандай фойдаланиш мумкин?*
- 8. Чизиқ турлари қандай?*

### **V1.5. Ёруғлик, соя, ранг.**

*Ёритиш* - бадий образнинг яна бир тасвир воситаси. Турли ёритишда фақат ҳажмий шакл ҳам турлича ишлайди. Тўғри, ёрқин ёритиш ҳажмни аниқ кўрсатади, юзанинг ҳамма нотекисликларини қатъий очиб беради, текис фактураларни нурланишга мажбур қилади. Бошқа образни яратиш учун шаклнинг табиийлигини намоён қилувчи, унга чуқурлик берувчи, ғадир - будирлигини юмшатадиган тарқоқ ёритиш талаб этилади. Демак, ёритишнинг турли даражасини қўллаб, ёруғлик манбаи сонини, унинг йўналишини ўзгартириб, яратилган бадий образ характеристикасини чуқурлаштириш, уни бойитиш мумкин.

Кўпгина санъат асарлари йил фасли ёки кун вақти, аниқроғи, ёритиш ва бошқа атрофдаги омилларга, рангга боғлиқ ҳолда турлича идрок қилинади. Айнан шунинг учун ҳажми муҳитдан ажратиш, уни ўраб турган олам таъсиридан озод қилиш мушкул. Шу сабабли ўз асарларини яратаётган рассом турли ёритишдаги вариантларни, томошабинга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли омиллар, ранглар ёнма - ёнлигини инобатга олиши зарур. Айниқса, асарда сизни айнан нима ҳайратга солганини айтиш қийин. Шаклими? Ранги? Фактурами? Балки, айнан ёритишдир? Ёки у ҳам, бу ҳам биргаликдами? Идрок этиш, биз билганимиздек, субъектив. Бир кишига, айтайлик, ҳаммадан кўп ҳажмий шакл таъсир қилади, бошқасига эса ранг. Биз кўпинча фактура ҳақида унутиб қўямиз, лекин уни тасвирий воситалардан чиқариб ташлаб туриш - чи, сиз дарҳол сезасиз, асарлар қанчалик ифодасиз ва саёз бўлиб қолади.

## **VI. 6. Фактура ва текстура.**

*Фактура*, бу - предмет оламининг ўраб турган воқеликни аниқлашга ёрдам берувчи шакл ва ранг билан бир қатордаги хусусиятларидан бири, шунингдек, асар бадиий образи ифодасининг воситаларидан бири ҳамдир. Фактура предмет юзасининг уни ташкил этувчи хомашё хусусиятлари ва унга ишлов бериш усули билан аниқланадиган характери ҳамдир.

Демак, тош ёки ёғоч фактураси муаллиф вазифаси ва яратилаётган бадиий образга боғлиқ ҳолда жилва берувчи текис бўлиши ёки ғадир - будир, дағал ишланган бўлиши мумкин.

Юза характери ёки фактурани, биз одатда кўриб идрок қиламиз-у, ёруғни қандай қайтаради ёки ютади, шунингдек, предмет бўйлаб қўлимизни юргизиб сезамиз. Бирор вақт фактура ёки бирор хомашё билан ишлаб, биз анчагача унинг юзасидан олган сезгини сақлаймиз ва бу сезгини осон хотирлаймиз. У ёки бу фактура билан юзага келган ассоциациялар (ҳис-туйғулар бирлашуви) узоқ муддат бизнинг хотирамизда қолиши мумкин.

Демак, хомашёвий (фактура) руҳийни ҳосил қилади, руҳий эса ўз навбатида, хомашёвий ҳақидаги хотирани сақлайди. Масалан, тажовузкор, қаҳрли образлар юмшоқ ва майин фактураларга нисбатан ёрқин ва аччиқ образлар билан боғланган. Юмшоқ, дағал ёки айрим ҳолларда қайишқоқ (эгиловчан) фактуралар эса хотиржамлик ва жимжитлик билан ассоциацияланади. Мана, нима учун ўз турар жойини ва ўзини безатишда инсон одатда «илиқ» фактуралардан фойдаланган: ёғоч ўзининг турли ишланиш даражаси билан (тарашланган, сайқалланган, мумланган, нақшланган, рельефи ва ш.к.), мато фактураси, тўқишнинг турли фактуралари (шерст, қайин пўстлоғи, рогожка - йўғон ипдан сийрак тўқилган дағал газлама - чипта, зиғир толали мато), тери ва мўйна фактураси, керамиканинг лой фактураси ва ш.к. Яна санъат асарларида кенг қўлланилган ва ҳозир ҳам фаол фойдаланиладиган турли хом - ашёларнинг қатор фактураларини санаб бериш мумкин. Бу суяк, металллар (болғаланган, зарб қилинган, қуйма), тош, ойна фактуралари ва бошқалардир. (37 - расм)

Фактура ранг каби физик хусусиятга, шунингдек, эстетик ифодавийликка эга. Фактуранинг физик хусусиятларига силлиқлик, дағаллик, тиканаклилик, ғадир - будирлик, момиклик, юмшоқлик киради. Кўп ҳолларда бу хомашёларга ишлов бериш технологиясига боғлиқ (тўқилган, ўйма, босма нақш туширилган, ғижимланган, қиррали ва бошқалар).

Фактура томошабинда турли таъсир сезгисини уйғотиши, унга психологик таъсир кўрсатиши мумкин. У ёқимли ва нохуш, нотинч ва хотиржам, қувноқ ва зерикарли, ҳашаматли ва хунук, майин ва тиканакли бўлиши мумкин.

Шакл билан муносаббатда ҳажм ёки доғ фактураси томошабинга таъсирни, унинг ҳиссий - эмоционал идрокини анча кучайтириши, маълум образлар, хотиралар, ассоциацияларни пайдо қилиши мумкин.

Фактураларнинг турли-туманлиги ва такрорланмаслиги бадиий образ яратиш учун кенг имкониятлар беради. Фактурани тўғри танлаш, демак, материал ва унга ишлов беришни тўғри танлаш образ яратишда ёрдам

беради. Фактура ранг каби шаклсиз мавжуд бўла олмайди. Рангсиз шаклни тасаввур қилиш қийин, фактурани аниқ материалдан шаклдан ташқарида тасаввур қилиш, чиндан ҳам шакл ва фактуранинг номувофиклиги, уларнинг бирлиги - расом ҳал этиши зарур бўлган муаммолардан биридир. Масалан, дизайнерга, аниқ бир образни ҳал этиши учун оғир, кўзғалмас шакл керак. Фактура ҳам шу вазифага жавоб бериши керак: узиқ - юлиқ тош, опалубка - қалин изи қолган темир - бетон, сайқалланмаган металл ва бошқалар. Агар енгил, романтик образни ифодалаш зарур бўлса, материал ёки бир қанча материаллар мутаносиблигини танлаш ва уларга ишлов бериш даражаси, берилган образ ва шаклга мувофиқ келиши керак: ипак матолар, шишасимон иплар, ойналар акс тасвири ва ҳ.к.

Мутаносиблик, шунингдек, фактура ва ранг орасида мавжуд бўлиши керак.

**Фактура** - бадиий образ ифодасининг шундай воситасики, унинг таъсири асарни бевосита идрок қилишда акс этади. Фақат шундагина фактуранинг образ шаклланишидаги ва намоён бўлишидаги бутун аҳамияти сезилади. Шунинг учун биз асл нусхада кўра олмайдиган кўплаб санъат асарлари тасаввуримизда етарлича таассурот қолдира олмайди ва муаллифни тўлқинлантирган ҳаяжонни тўлалигича бера олмайди. Рангли фотосуратлар ҳам, кинохужжатлар ҳам, голография ҳам томошабиннинг асар билан бевосита мулоқотини алмаштира олмайди. Лекин фактурани ранг ва шакл каби ёруғлик ва ёритиш турли хилда жаранглашга мажбур қилади.

### **Саволлар:**

1. Ёруғлик нима?
2. Соя нима?
3. Ёруғлик ва сояда ранг кўриниши қандай?
4. Фактура нима?
5. Фактураларнинг фарқи қандай?
6. Мўйна текстурами ёки текстурами?


7. *Фактура турлари қандай?*
8. *Фактура нимага хизмат қилади?*

## V11. БОБ.

### КОМПОЗИЦИЯ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ

#### 1V.1. Контрастлар

Контрастлар (зидликлар) тушунчаси ҳаётимизнинг деярлик ҳар қадамида учрайдиган ҳодиса. Бу тушунча икки ҳолатнинг қарама-қаршилигидан яъни тун ва кундуз, ёз ва қиш, яхши - ёмон, катта - кичик, иссиқ - совуқ, ўткир - ўтмас, юмшоқ - қаттиқ, аччиқ - чучук, калта - узун, кулги - қайғу, оқ - қора, қизил ва яшил ва бошқалар ҳар доим ёнма - ён бўлиб бир бутун контрастликни ҳосил қилади.



45 а – расм. Контраст.

Ана шу зиддиятлар асосида тузилган нақш, тасвирий асар, шакллар жозибали, таъсирчан, эса қоларли бўлиши мумкин. Масалан, катта ва кичик шакллар, қизил ва яшил ранглардан ташкил топган нақшли композициясини тузиб кўрайлик.

Агар бир хил шаклни турна қатор қилиб жойлаштириб чиқсак анча зерикарли композиция, аксинча бир шаклни ёнига бошқа иккинчи турдаги шаклни қўйиб жойлаштирадиган албатта қизикарли композиция ҳосил қилишимиз мумкин.

Тубандаги нақшларга назар солсак ҳар хил калта ва узун, эгри, катта ва кичик шакллардан тузилганлигини кўриш мумкин. Ранг беришда ҳам оч ва тўқ, иссиқ ва совуқ ранглар ёнма - ёнлиги нақшнинг чиройли чиқишига ёрдам берганини кўрамиз. (38 - расм).

Нақш композициясини ишлашда алоҳида унинг элементларига эътибор бериш муҳимдир. Композициянинг қаерга мўлжалланаётгани ва унинг ўрни, якин ёки узокдан кўринишини эсдан чиқармаслик керак.

Контрастлар композиция ишлашнинг бошланишида расом, ҳайкалтарош, архитекторлар кенг фойдаланадиган (восита) усулдир.

Кўп асрлик санъат тарихида контраст мавзули асарнинг турига қараб ҳар хил кўринишларда муаллифлар томонидан ишлатилиб келинди. Бу муаллифнинг билимига ва характериға ҳам боғлиқдир. Дунё меъморчилигида контраст муҳим рол ўйнаб келган. Буни қадимий бинолар қурилишида тўғрибурчакли бино фасадидаги портал, минора кўриниши мисолдир.

Рангтавирда эса ёруғ (ёрқин) ранглар ва қуюқ тўқ - қорамтир ранглар контрастида шунингдек образлар контрастида кўриш мумкин.




45 б – расм. Чизиқли контраст


Контрастдан фойдаланиш – бу композицияда ички қурашни ҳосил қилиш, жонлантириш ва қарама - қаршилиқлар гармониясини ҳосил қилишдан иборат. (45 - расм)

Контраст ҳар қандай шаклни жонлантиради, аммо контраст гармония учун тўла қафолат бермайди. Мақсадга эришиш учун композицияга боғлаш, мутаносибликни ҳосил қилмоқ,

яққоллик бўлиши зарур. Контраст композицияда меъёри билан ишлатилса асарни мувоффақиятли чиқишини қафолатлайди.



45 в – расм. Доғли контраст.



45 г – расм. Доғли контраст.

Контрастан тўғри фойдаланиб яратилган асар томошабин хотирасида узоқ сақланиб қолади. Асарнинг яхши чиқишига контраст меъёри билан ишлатилгани маъқул, акс ҳолда мақсадга эришиш натижали бўлмайди. Композицияда контраст нюанс билан узвий боғлиқдир. Шаклларнинг



45 д – расм. Ньюанс.



45 е – расм. Ньюанс.

контрастида уларнинг нисбати, яъни бир - бирига муносабати ва бошқа шакллар билан боғланиши ньюанс орқали амалга оширилади. Ньюанс

контрастга нисбатан аксинчадир, яъни юмшатиш, нисбатликни меъёрида ҳал қилишга ёрдам берувчи ҳисобланади.

Картина композициясининг тузилишида таққослаш ва контрастлар муҳим рол ўйнайди. Картина тузилишида катта ва кичик, турғун ва ҳаракатли, ёрқин ва бўғиқ ранглар, чиройли ва хунук, оқ ва қора каби таққослаш асар композицияси ифодалилигини оширади.

Рассом кўп қоматли композиция устида ишлаб асар яратар экан, унинг кўз олдида воқелик ҳолати намоён бўлади. У воқеликнинг маълум бир кўринишини акс эттиришга ҳаракат қилади. Бу рассомнинг имконияти чегараланган, дегани эмас. Рассом бир воқеликни тасвирлар экан бошқа воқеликка туртки беради, ундайди.

Рангтасвирчи рассом ўз композицияси ҳақида ўйлар экан, қайси воқеликни акс эттириш ва қайси тамонини ривожлантириш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. В.Суриковнинг «Бояриня Морозова» картинасидаги кулминацияси пойтахтни тарк этаётган бояр аёли, унинг тарафдорларининг кузатиб қолиши билан боғлиқ сахна орқали тасвирланган. Унинг ҳаёти билан боғлиқ равишда диннинг тарихий бўлиниши тасвирланган. Қатор турган кишиларнинг юзида акс этган ҳолатлар, ҳақиқатан тарихий бир воқеа эканлигини кўрамиз. (43 - расм)


Драматик ҳаракатнинг, воқеликнинг асоси – бу қарама - қаршилик.

Тасвирий санъат композицияси асосида қарама - қаршилик, яъни контрастлар ётиши керак. Рассом Генинг машҳур «Пётр I Петргофда Алексейни сўроқ қилмоқда» асарида характерлар қарама - қаршилиги кўрсатилган. А.Ивановнинг асарларида камбағал ва бой кишиларнинг характерлари контраст қилиб кўрсатилган. Улар нима ҳақида гаплашаётганини билмасакда, қиёфаларидан кескин тортишув баҳслар бўлаётганини англаш мумкин. Бу қарама - қаршилик билан бутун тарихий даврнинг туганмас келишмовчилигини очиб берган.

Бундай контрастлар картинада ранг, шакллар орқали акс эттирилади. Масалан, Рембранднинг «Адашган ўғил», Делакруанинг «Баррикадада озодлик», Рубенснинг «Персей ва Андромеда»<sup>33</sup> каби асарлари контраст асосига қурилган.

Рангтавирнинг шакл, ритмларида ва картина бўёқларида контрастлар катта аҳамиятга эга бўлиб, асарнинг ҳаётий чиқишига катта ёрдам беради.

*Контраст.* Контраст композициянинг асосий қонунларидан биридир. Горизонтал ва вертикал чизиқлар катта масштабдаги қиёфага майда қиёфа, ясси текисликка чуқурлик контрасти, булар ҳаммаси контраст ҳолатлар кўриниши. (39 – расмга қаранг)



39 – расм.. Доғли контраст.

Рангтавир – бу санъат инсоннинг онгига, қалбига ўз таъсирини ўтказди. Рассомлар асарлар яратар экан инсонни ўйлашга, рухланишга, ҳаёжонланишга фикрлашга ундайди.

*Контрастлар.* Контраст композициянинг асосий қонунларидан биридир. Горизонтал ва вертикал чизиқлар мажмуаси картина

текислигида қиёфа бор экан, уни ҳосил қилиш учун фон керак бўлади. Катта масштабдаги қиёфага майда қиёфа, ясси текисликка чуқурлик контрасти, статика ва динамика, булар ҳаммаси контраст ҳолатлар кўринишидир.

Ана шу зиддиятлар асосида тузилган нақш, тасвирий асар, шакллар жозибали, таъсирчан, эсда қоларли бўлиши мумкин. Масалан, катта ва кичик

<sup>33</sup> Klaus Reichold, Bernhard Graf. PAINTINGS that Changed the World

шакллар, қизил ва яшил ранглардан ташкил топган нақшли композициясини тузиб кўрайлик.

Агар бир хил шаклни турна қатор қилиб жойлаштириб чиқсак анча зерикарли композиция, аксинча бир шаклни ёнига бошқа иккинчи турдаги шаклни қўйиб жойлаштираш албатта қизиқарли композиция тузимини ҳосил қилишимиз мумкин.

Тубандаги нақшларга назар солсак ҳар хил; калта ва узун, эгри, катта ва кичик шакллардан тузилганлигини кўрамыз. Ранг беришда ҳам оч ва тўқ, иссиқ ва совуқ ранглар ёнма - ёнлиги нақшнинг чиройли чиқишига ёрдам беради. (*38а, б – расмга қаранг*). Нақш композициясини ишлашда алоҳида унинг элементларига эътибор бериш муҳимдир.

Контрастлар композиция ишлашнинг бошланишида рассом, ҳайкалтарош, архитекторлар томонидан кенг фойдаланадиган воситадир. Кўп асрлик санъат тарихида контраст мавзули асарнинг турига қараб ҳар хил кўринишлари муаллифлар томонидан ишлатилиб келинди. Бу муаллифнинг билимига ва характериға ҳам боғлиқдир. Дунё меъморчилигида контраст муҳим рол ўйнаб келган. Рангтавирда эса оч ёрқин ранглар ва қуюқ тўқ - қорамтир ранглар контрастида, шунингдек образлар контрастида кўриш мумкин.

Композиция қонунлари тус ва ранглар контрастига асосланади. Тус ва ранглар контрасти тасвирни масофадан идрок этишни таъминлайди. Тус ва ранглар контрасти сезиларли даражада бўлмаса бўшлиқдаги шакллар (узок ёки яқинда) ҳажми ёки жойлашувини деярли идрок қилиб бўлмайди. Ана шунинг учун ҳам композиция эскизида асосий контрастларни аниқлаб олиш лозим.

Контрастдан фойдаланиш – бу композицияда ички кураш(зиддият)ни ҳосил қилиш, жонлантириш ва қарама – қаршилиқлар, зиддиятлар гармониясини ҳосил қилишдан иборат.

Контраст ҳар қандай шаклни жонлантиради, аммо контраст гармония учун тўла кафолат бермайди. Мақсадга эришиш учун композицияга шаклларни ўзаро боғлаш, муносибликни ҳосил қилмоқ ва яхлитлик бўлишини таъминлаш зарур. Контрастни композицияда меъёри билан ишлатилса асар мувоффақиятли чиқишини кафолатлайди.

Контрастдан тўғри фойдаланиб яратилган асар томошабин хотирасида узоқ сақланиб қолади. Асарнинг яхши чиқишига контраст меъёри билан ишлатилгани маъқул, акс ҳолда мақсадга эришиш натижали бўлмайди. Композицияда контраст нюанс билан узвий боғлиқдир. Шаклларнинг контрастида уларнинг нисбати, яъни бир - бирига муносабати ва бошқа шакллар билан боғланиши нюанс орқали амалга оширилади. Нюанс контрастга нисбатан аксинчадир, яъни юмшатиш, нисбатликни меъёрида ҳал қилишга ёрдам берувчи ҳисобланади.

Картина композициясининг тузилишида контрастлар муҳим рол ўйнаб, катта ва кичик, турғун ва ҳаракатли, ёрқин ва бўғиқ ранглар, чиройли ва хунук, оқ ва қора каби шакллар ёнма ён жойлашуви асар композицияси ифодалилигини оширади.

Рассом кўп қоматли. шаклли композиция устида ишлаб асар яратар экан, унинг кўз олдида воқелик ҳолати намоён бўлади. У воқеликнинг маълум бир кўринишини акс эттиришга ҳаракат қилади. Бунда рассомнинг имконияти чегараланган дегани эмас. Рассом бир воқеликни тасвирлар экан бошқа воқеликка туртки беради, ундайди.

Рангтасвирчи рассом ўз композицияси ҳақида ўйлар экан, қайси воқеликни акс эттириш ва қайси тамонини ривожлантириш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. В.Суриковнинг «Бояриня Морозова» картинасидаги кулминацияси пойтахтни тарк этаётган бояр аёлни, унинг тарафдорларининг кузатиб қолиши билан боғлиқ сахна орқали тасвирланган. Унинг ҳаёти билан боғлиқ равишда диннинг тарихий

бўлиниши тасвирланган. Қатор турган кишиларнинг юзида акс этган ҳолатлар, ҳақиқатан тарихий бир воқеа эканлигини кўрамиз. (43 - расм).

Драматик ҳаракатнинг, воқеликнинг асоси – бу қарама - қаршилиқдир. Тасвирий санъат композицияси асосида қарама - қаршилиқ, яъни контрастлар ётиши лозим. Рассом Генинг машҳур «Пётр I Петргофда Алексейни сўроқ қилмоқда» асарида характерлар қарама - қаршилиги кўрсатилган. А.Ивановнинг асарларида камбағал ва бой кишиларнинг характерлари контраст қилиб кўрсатилган. Уларнинг нима ҳақида гаплашаётганини билмасакда, қиёфаларидан кескин тортишув баҳслар бўлаётганини англаш қийин эмас. Бундан қарама - қаршилиқ билан бутун тарихий даврнинг туганмас келишмовчилигини очиб берган.

Бундай контрастлар картинада ранг, шакллар орқали акс этирилади. Масалан, Рембранднинг «Адашган ўғил», Делакруанинг «Баррикадада озодлик», Рубенснинг «Персей ва Андромеда» каби асарлари контраст асосида қурилган.

Рангтасвирнинг шакл, ритмларида ва картина бўёқларида контрастлар катта аҳамиятга эга бўлиб, асарнинг ҳаётий чиқишига катта ёрдам беради.

## **V11.2. Стилизация.**

Шаклнинг томошабинга бадий таъсирини ҳис қилиб, рассом ўз ижодида одатда стилизация (ўхшатиб ишлаш) ва трансформация (бир ҳолдан бошқа ҳолга ўтиш) каби усуллардан фаол фойдаланади. Улар реал мавжуд, таниш предметлар ва уларнинг шакли орқали у ёки бу образни беришга имкон яратадилар. (38а, б, 40 – расмга қаранг)

*Стилизация* - образли ифодалиликнинг визуал ташкил қилиш усулларида бири бўлиб, бунда предметнинг характерли жиҳатлари сақланган ҳолда намоён бўлади ва кераксиз деталлар олиб ташланади. Умумий характери шартли равишда ўзгарган бадий образли кўринишга эга бўлади. Бадий безак санъатида ва дизайнда муҳим аҳамиятга касб этади.

Хусусий мавжуд принцип ва киритилган хусусият бўйича стилизация қиладилар.

***Саволлар:***

- 1. Контрастлар нима?*
- 2. Рангтавирда контрастлар қандай?*
- 3. Нюанс нима?*
- 4. Контрастлар нима?*
- 5. Рангтавирда контрастлар қандай?*
- 6. Нюанс нима?*
- 7. Контрастдан фойдаланишда нима ҳосил қилинади?*
- 8. Контрастлар қайси картиналарда акс эттирилган?*
- 9. Стилизация нима?*
- 10. Стилизация ранглари ва шакллари қандай?*

**V111 БОБ**

**V111.1. КОМПОЗИЦИЯНИНГ ХУСУСИЯТИ**

Композиция хусусият ва сифатларида маҳсулотнинг қуйидаги кўрсаткичларини ажратиш мумкин: маҳсулот шаклининг уйғунликдаги яхлитлиги, элементларнинг бир - бирига бўйсунуши, элементларнинг композицион мувозанати, улар комбинациясида симметрия ва асимметрия, уларнинг динамиклиги ва статиклиги, характер бирлиги.

Маҳсулот ёки бадиий асар шаклининг гармоник яхлитлиги конструктив ечим билан унинг композицион талқини алоқасининг мантиғи ва узвийлигини ифодалайди.

Асар ёки шаклининг гармоник яхлитлиги ва унинг бошқа параметрлари таҳлили схемасини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

- дастлабки таассурот ва муҳокамани тузиш;
- шакл тузилиши назарияси асосида композиция таҳлили ва хулосаларни таърифлаш;
- муҳокама ва хулосаларни таққослаш, яқунловчи қарорни қабул қилиш.

Табиийки, маҳсулот (бадиий асар, лойиха) эстетик даражаси ҳақидаги яқунловчи қарордан олдин функция, материаллар конструкцияси ва технология кўринишидаги обектив шакл ҳосил қилувчи омилларни ўрганиш керак.

Шакл ва буюм элементларининг бир - бирига бўйсунishi ҳам композиция қонуниятларига таянади. Буюм характериға боғлиқ равишда унинг элементлари бир - бириға бўйсунishi турли асосларға эға бўлади.

Элементларнинг композицион мувозанати ва маҳсулот (картина) шакллари унинг композицион марказға нисбатан мувозанати билан белгиланади.

## **V111. 2. Яхлитлик ва ўзаро боғлиқлик.**

Табиийки композицияда яхлитлик катта аҳамиятға эға. Қиёфалар, шакллар ва ранглар маълум бир мақсадға, образға бўйсундирилади. Дастгоҳли рангтасвир композициясида бўлинмаслик яхлитликни ташкил қилади. Бу ҳолат томошабин картинани ўқиши ва рассом фикрини тўғри тушунишға ёрдам беради. Мукамал яхлит композицияда бирон бир шакл ёки одам қиёфасини олиб ташлаш ёки қўшиш композиция маъносига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, композиция ўлчамини ўринсиз

катталаштириш ёки кичрайтириш ҳам яхлитликни бузилишига, унинг бадийлигига зарар етказди. Бунда шакллар ўз маъносини йўқотиши, ортқча бўшлиқлар пайдо бўлиши ёки бўшлиқ кичрайиб ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Композиция яхлитлигига картинанинг ўлчами ҳам ката рол ўйнайди.

Композиция яхлитлигини бузмай туриб бирон бир шаклни ўрнини ўзгартириб, ёки бошқасига алмаштириб бўлмайди. Шунингдек, олиб ташлаш ҳам яхлитликни бузиши мумкин. Яхлит композиция ана шундай талабларга эга. Дарахт танаси, шохлари, барглари, томирлари яхлит бир кўриниши бўлса, шохларини ёки баргларини олиб ташласак яхлитлик йўқолади. У энди олдинги дарахт эмас, у шохларсиз, баргсиз дарахтдир. Яхлитлик тушунчаси ҳам ана шунга ўхшаш фарқларга эга композициядир.

### **V111.3. Композицияда мувозанат**

Агар картина текислиги тасвирланаётган қиёфалар билан нотекис тўлдирилган, шакллар бир чеккага жойлаштирилган бўлса, картинанинг бир қисми оғирлаштирилиб, қолган жойи ўта енгиллаштирилган бўлиб идрок этилади. Унда мувозанат сезилмайди. Бундай тасвирлаш бизнинг уқиб олишимизга халақит беради, нотўғри ташкиллаштирилган кўринади ва табиийлигини йўқотади.

Биз картинага қараганимизда кўриш майдонимизда нарсалар бир текисда жойлаштирилган бўлиб, оптик марказ тахминан текислик ўртасида жойлашганини кўрамиз. Шу боис картинада нарсалар композиция марказига жойлаштирилади. Композиция маркази кўп ҳолда геометрик марказга тўғри келмаслиги мумкин, шунинг билан бирга марказдан узоқлашиб ҳам кетмайди.

Ҳаддан ташқари марказдан четлаштирилган шакллар, нарсалар ёки бир гуруҳ қиёфалар композициянинг бир қисмида оғирлик туғдириб бошқа қисмида бўшлиқ ҳосил қилади ва мувозанат бузилади.

Композицияда мувозанатлиликни картина текислигида тасвир элементларини чап ва ўнгда, юқори ва пастда бир текис жойлаштириш билан амалга оширилади. Картина текислигининг ўртасидан вериткал ўк чизиғининг чап ва ўнг томонларига тасвир элементларини тўғри жойлаш муҳим аҳамиятга эга. Аммо картина текислигини икки қисмга бўлиш, шунингдек горизонтал ва вертикал бўлакчаларга бўлишдан қочиш керак.

Картина мувозанати аниқ геометрик симметрия бўлиши шарт эмас. Композиция маркази аниқ ўртада бўлса, композиция табиийликни йўқотади, қизиқарли чиқмайди. Муҳими, бош воқеликни композиция марказидан бир томонга суриш зарур.

Композиция мувозанатида тасвир шаклларида ташқари унинг туси ва ранги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кичкина қорамтир шакл катта оч рангли шакл билан тенг кўриниши мумкин. Бир томондаги ёрқин ранг иккинчи томонда ҳам бўлишини, такрорланишини талаб қилади.

Картина текислигида шакл (натура) тасвирларини тўғри жойлаштириш учун, аввало қаламда қораламалар чизиб изланиш, вариантлар яратиш яхши натижа беради. Битта ёки иккита вариант билан чегараланиш камлик қилади. Шунингдек рангларда вариантлар яратиш ҳам мақсадга мувофиқ, ҳар қандай мавзули композицияга қайта - қайта қайтиш, изланиш рассомга муваффақият келтиради. *(16 - расмга қаранг)*

Шунингдек картина текислиги тўлдирилади, тасвир масштаби аниқланади ва композицияга керакли нарсалар жойлаштирилади. Шунини айтиш керакки рассом бадиий образ яратиш мақсадида тасвирда шакллар мувозанатини онгли равишда бузиш ҳуқуқига эга. Бу рассомнинг ижодий усули ва яратувчанлик қобилиятига, талантига боғлиқдир.

Санъат асарини, демак, уйғунликни ярата туриб, унинг икки зарурий шартини бажариш керак: биринчиси - мувозанат, иккинчиси - умумийлик ва бир - бирига боғлиқлиги. Композициянинг асосий қонунлари анашундай.

Композицион мувозанат. Бу композициянинг шундай ҳолатики, унинг ҳамма элементлари ўзаро мувозанатлаштирилади. Лекин бу тушунчани ўлчовларнинг оддий тенглиги билан чалкаштирмаслик керак. Мувозанат композиция асосий массаси жойлашувига, композицион марказни ташкил қилишга, композициянинг пластик ва ритмик қурилишига, унинг пропорционал бўлинишига, алоҳида бўлақларнинг ўзаро ва умумий ранг, тусли ва фактура муносабатларига боғлиқ.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, композициянинг восита ва қонунларидан бирортаси ҳам алоҳида ҳолда уйғунлашган асарни яратмайди, чунки уларнинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ ва мувофиқлашган.

Композиция қонунлари мувозанат, симметрик ва асимметрик композицияларда турлича намоён бўлади. Симметрия ўзича композицияда мувозанатлаштириш кафолати бўла олмайди. Симметрик элемент ва текисликнинг миқдорий номувофиқлиги кўринишдан мувозанатлашмаган бўлиб кўринади. Инсон доимо шакл - фазовий муҳитда тўла ҳиссий қулайлик ва яшаш гармониясини яратувчи шакл мувозанатига интилади. Симметрик композицияни мувозанатлаштириш асимметрик композицияни мувозанатлаштиришдан анча осон ва бунга анча оддий воситалар билан эришилади, чунки симметрия композицион мувозанат учун замин яратади.

Яхши топилган симметрик композиция, унинг тузилиш мураккаблигига боғлиқ бўлмай, осон ва тез идрок қилинади. Асимметрик композиция кўпинча узок вақт ўйлашни талаб қилади ва аста - секин намоён бўлади. Лекин симметрик композицияни ифодалироқ деб тасдиқлаш нотўғри. Санъат тарихидан маълумки, гармония қонунлари бўйича асимметрик қурилган композициялар, симметрик композициялардан бадиий қиймати жиҳатидан қолишмайди.

Симметриянинг вертикал ёки горизонтал ўқли акс тасвир, марказий ва бурчакли турлари кўпроқ қўлланилади. (41 - расм)

Биз марказга фаол эътибор қаратувчи марказли, шунингдек, бурчакли симметрия ҳақида эслатдик. Марказлидан фарқли ўларок, унда ҳаракат яратилади, яъни марказга қараб ҳаракат - марказга интилиш, марказдан қочиш. Бундай композицион усул кенг қўлланилган ва ҳозир декоратив амалий санъатда ҳам қўлланилади: кулолчилик идишлар, рўмоллар нақшида, интерерда шифт, пол текислиги ечимиди ва ш.к.ларда.

Симметрия фақат текислик композицияларида эмас, шунингдек, ҳажмий - фазовий композицияларда ҳам қўлланилади. Шунини таъкидлаш керакки, XX аср бошларида тезликлар, қаноатланмаслик, мантиқсизлик асрида симметрия бир қанча иккинчи планга ўтиб қолди ва асимметрик композицияга биринчиликни берди. Асимметриядан фойдаланиш, талаба олдида турган вазифаларга боғлиқ ҳолда гуруҳ ёки элементлар гуруҳини жойлаштириш зарур бўлган текисликка фаолроқ муносабатда бўлиш имконини беради. Бундай ҳолларда композицияни мувозанатлаштириш анча мураккаб, лекин бунинг учун ранг ва унинг тўйинганлиги, шакл ва унинг қиёфаси, текисликда мўлжал олиш, фактура каби тасвирий воситалар, шунингдек, гармонизация воситалари - ритм, пропорция, контраст, нюанс ва масштаб каби воситалар мавжуд.

Композицияда гармония, яъни уйғунлик ҳақидаги, унинг асосий ва зарур шартлари - мувозанат ҳақидаги гап шундай логик хулосага олиб келадики, ҳамма нарса - элементлар миқдори, уларнинг шакли, уларнинг композицион текислик билан ва ўзаро муносабати, уларнинг ранг, колорит ва фактура ечими ўзаро боғлиқликда бўлади. Шунинг учун уйғунликнинг бир қонунини бажаришга эришиб, иккинчи қонуни - бирлик ва бир - бирига бўйсунлиқ шартларини бажариш зарур. Ва аксинча, асар бирлиги, яхлитлигини яратиб, сиз шу билан унинг мувозанати масаласини ҳал этасиз. Шу икки шартни бажарибгина, сиз уйғунликдаги композиция яратдим, деб айтишингиз мумкин.

*Саволлар:*

- 1. Композицияда яхлитлик нима?*
- 2. Яхлитлик нима учун керак?*
- 3. Композицияда мувозанат нима?*
- 4. Мувозанат қандай амалга оширилади?*
- 5. Картинада горизонт чизиги нима?*
- 6. Композиция мувозанатида нима аҳамиятга эга?*
- 7. Симметрия ва асимметрия композицияда қандай рол ўйнайди?*
- 8. Гармонизация воситалари нима?*

## **1X БОБ.**

### **1X. 1. КОМПОЗИЦИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

«Композиция» сўзи италянча *compositio* («комполито») сўзидан олинган бўлиб, тузиш, бирлаштириш, боғлаш, турли хил рамзий қисм ифодаларни бир бутун яхлитликка бирлаштириш ва бирон бир ғояни мадҳ этиш маносини билдиради.

Рангтасвирда композиция - бу картина текислигида тасвир элементларини жойлаштиришда фикр(ғоя)ни равшан, аниқ ва тўлақонли жойлаштириш имконини беришдир.

Рангтасвирда томошабинни тўлқинлантирадиган ва диққат эътиборини қаратиш учун рассом кучли ва ифодали тасвир воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Ҳар қандай картина композицияси тузилишида тасвирни ва шаклни ифодали кўрсатишга ҳаракат қилади. Кераксиз нарсаларни олиб ташлайди, фақат энг кераклилари қолдирилиб, иккинчи даражалилари биринчи даражали қисмларига бўйсундирилади. Картина образли тузулишида тасвирланаётган нарсанинг ички мазмуни қувонч ва ҳаяжон уйғотиши керак. Шунинг учун композиция ҳамма элементлари, ҳар хил воситалари: холст ҳажми, текислик, ёритилиш характери, композиция

марказининг ўрни ва бошқалардан фойдаланилади. Булар ҳаммаси картинанинг завқли чиқишига таъсир қилади.

Композиция тузилиши картина олдида қўйилган ғояга, вазифага боғлиқ бўлиб ўзгариб туради. Картинанинг композиция тузилиши характери мазмун ва ғоядан келиб чиқади.

Рассом ўз ижодий композиция тузилишида табиат қонунлари ва томошабиннинг идрок қилиш хусусиятларини ҳисобга олади. Тасвирда симметрия, ассиметрия, тенглик ва ритм, тузилишининг мақсадга мувофиқлиги, шаклнинг хилма - хиллиги, ранглар яхлитлиги, кўриш нуқтаси, масаштаб, ўлчам ва ҳажми каби композиция элементларини рассом ғоя ва фикрга бирлаштиради.

## 1X. 2. Симметрия

Санъат, шунингдек тасвирий санъатда симметрия теварак - атроф реал муҳитида шаклларнинг симметрия тузулишига кўзимиз тушади.

Ўнг ва чап томонларини бир хиллиги, уй буюмлари, барглар, мевалар, шунингдек, одам қомати ҳам симметрик тузилганлиги тенглик ҳақида тушунча беради. Симметрияни табиатда ҳам, ҳар хил санъат турларида ҳам кузатиш мумкин. Композицияда симметрия ҳосил қилиш учун унинг оғирлик қисмлари, туси, ранги ва шакли тенглиги характерлидир. Бу ҳолатда шаклнинг ўртасидан ўтган ўқ чизиғидан бир томони иккинчи томонига кўзгудаги аксидек ўхшаш ва тенг бўлади. *(41 – расмга қаранг)*


Симметрик шакл аниқ марказга эга бўлади. Одатда у картина текислигининг геометрик марказига тўғри келади. Агар кўриш нуқтаси марказдан четда бўлиб ёки тасвир диагонал бўйлаб жойлаштирилса, композиция динамик (ҳаракатчан) бўлади ва идеал тенглик бузилади.

Симметрия орнаментлар тузилишида энг кўп учрайди ва ўзгача гўзаллик касб этади

Композицияда симметрия, айниқса ўқ чизиғидан ўтувчи симметрия бирлаштирувчи ролдир. Картинани икки қисмга бўлувчи ўқ чизиғини ўтказсак симметрия чизиғини ўтказган бўламиз. Бу чизиқ картинани икки қисмга бўлсада, бу ҳолат кузгу симметрияси бўлмаслиги мумкин. Аксинча шакллар, қиёфалар назаримизда икки томонда такрорланиши мумкин. Бунда икки томон шакллари, ранглари, тус ҳолатлари билан тенглик сақланган бўлиб, нигоҳий симметрияни ҳосил қилади. Симметрик композициясида кўп ҳолларда марказга интилиб умулаштирилганини кўриш мумкин.

“Учовлон” иконасида симметрия кузгудагидек такрорланмасада, қўл ва ўтириш ички ҳолатлари, маъно мазмунан марказга қаратилган. Ўртадаги ва икки четдаги қоматлар марказий симметриядан биров четлатилган. Эркин симметрия орқасида шакл ва мазмун симметрияси бўлсада асимметрия каби қараш мумкин. Икки томонни мувозанатини умулаштириб турувчи қиёфалар бирлаштирувчи кучга эга.

Қадимий грек рассомлари ҳам симметрия қоидаларидан кенг фойдаланганлар. Эрамиздан аввалги V аср расмлари, шунингдек антик кўзадаги расмлар ва Помпей фрескалари бунга мисол бўла олади.



41 – расм. Симметрия. Б.Жалолов. Рақс. Деворий расм.

Симметрия қоидаларидан рассомлар фойдаланиб, кўп қоматли композициялар яратганлар. (35,42 - расмга қаранг).

Уйғониш даври рассомлари симметрия қоидаларига катта эътибор бериб махобатли рангтасвир асари яратганлар (масалан, Жотто фрескалари). Италияда юқори Уйғониш даври рассомлари композицияда катта муваффақиятларга эришган. Масалан, Леонардо да Винчи «Анна билан Мария ва чақалоқ Христос»<sup>34</sup> асарида уч қоматни жойлаштиришда учбурчакдан фойдаланган.

Леонардо да Винчи «Сирли оқшом» асаридаги композиция тузилишини ҳам симметрия дейиш мумкин.

### **1X. 3. Асимметрия**

Рангтасвирда, чизматасвирда, безакли паннода, фрескада буюмлар тасвирида архитектура биноларида асимметрик жойлаштиришда картина текислигини вертикал ўқ чизиғи билан икки қисмга бўлсак, композиция бузилмаган ҳолда унинг оғирлиги, шакллари, тус ҳолати тенглиги бўлингандай ҳолатни кўриш мумкин. Асимметрик композицияда тенглик ҳаракатини ҳосил қилишда шакллар оралиғидаги бўшлиқ паузалари ёрдамида амалга оширилади. Бунда шакллар бир - бирига яқинлашади ёки бир - биридан узоқлашади. Тенглик эса катта ва кичик шаклларни оқ ва қорамтир тус, ёрқин ва бўғиқ рангларни қарама - қарши қўйиш орқали амалга оширилади.

Текисликда асимметрик яъни марказлаштирилмаган композицияда тенглик онгли равишда сусайтирилади ёки умуман бўлмайди. Масалан, фикр - ғоя сюжет маркази композиция текислигининг бир томонига яқин бўлиб, иккинчи томон қисмида кам шакллар тасвирланади. Агар сюжет контраст ҳолатда очиб берилган бўлса, бунда психологик контраст, бош қаҳрамон ва бир гуруҳ қиёфалар бир - биридан қандайдир масофада жойлаштирилиб, ташқаридан қаралганда композиция бўлингандай асимметрияни ҳосил қилади. Умуман икки қисмини бир - бирига қарама - қарши қўйиб тенглик ҳосил қилиниб, композицияда мутоносибликни таъминланади.

---

<sup>34</sup> Klaus Reichold, Bernhard Graf. PAINTINGS that Changed the World

Композицияда мутаносибликни сақлаб асимметрия тузилишига рассом К.П.Брюлловнинг «Помпейнинг охири куни», Я.Ахмаровнинг А.Навой номидаги Опера ва балет театри биносидаги «Фарход ва Ширин» асарини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. (42а,б - расмга қаранг).

**Саволлар:**

1. *Композиция нима?*
2. *Композицияда нималар акс этиши керак?*
3. *Композиция ишлашда рассом нималарни билиши керак?*
4. *Симметрия нима?*
5. *Симметрияни нималарда кузатиш мумкин?*
6. *Симметрия қандай ҳосил қилинади*
7. *Асимметрик ҳолат нимадан иборат?*
8. *Асимметрия симметриядан фарқи нимадан иборат?*
9. *Асимметрия қандай ҳосил қилинади?*



**1X.4. Ритм, ҳаракат (динамика) ва тинч (статика)**

**ҳолатни тасвирлаш**

Ритм - табиатда жисм ва ходисаларнинг маълум тартибда, мунтазам изчилликда такрорланиши.

Ритм - бу композиция қисмларининг бир текис, узлуксиз, кетма - кетлиги тартиби бўлиб, композиция қисмларининг ва улар орасидаги масофаларнинг такрорланиш қонуниятини англатади. (46 а, б -расм)

Асар ритми бу нафақат ўхшаш, балки бир - бирига ўхшамаган, узок



46 а,б – расм. Ритм. Одам ҳаракати

жойлашган тизимлар кетма - кетлигидир. У такрорланувчи чизиқлар, ранг доғлари, нур ва соя ва ҳоказолар кўринишида бўлади. Шу омиллардан бири етакчи ролни эгаллаб, асардаги ритмийликни ўзи орқали белгилаб беради. Тенг элементлар кетма - кетлиги кўринишдаги ритм тенг масофалар билан белгиланади ва у одатда метр деб юритилади. Композицияда ритм ва метр уюшганлигини кўп маротаба учратиш мумкин. Шунингдек ранг ҳам ритм ҳосил қилувчи омил сифатида назарга олинади. Чунки чизиқлар ритмдан ташқари ҳолатда бўлганда матода ранг тақсимловчи маълум ранг - тус қонуниятлари мавжуд бўлади. Ритмлар чизиқли, ранг доғлари, пластик масса каби бир неча турларга ажралади. Чизиқли ритмга мисол сифатида ўрта асрларга оид Варахша саройи деворига ишланган суратлардаги фил устидаги чавандозларнинг йиртқичлар билан қилаётган жанглари сахнасини келтириш

мумкин. Ҳар томонга хилпираётган тасмалар ҳайвон ва инсон жуссаларининг синуссимон ритмларида такрорлана боради.

Ритм ўзига хос табиий борлиқдир. У табиат кўринишлари ва ходисаларида доимо иштирок этади. Жонли табиат оламининг у ёки бу ҳолатда ритм билан алоқадорлик мисолларини эслаб кўринг. Коинот ходисалари, сайёраларнинг айланиши, кун ва тун алмашинувлари, фасллар даврийлиги, ўсимлик, минералларнинг ўсиш жараёнлари кабилар шу жумладандир.

Ритм ҳар доим ҳаракатни англади.

Ҳаётдаги ва санъатдаги ритмлар бир маъно дегани эмас. Санъатда ритмнинг узилиши, ритмик бўрттириш, нотекис ритм, математик даражада бўлмаган аниқсизликлар жонлилиқ, турли хилликни бериб, керакли ечим топилмаларига олиб келади.

Тасвирий санъат асарларида ва мусиқада ритм фаоллигини парчаланиш ёки юмшоқ, босиқ ва сокин оҳанглarda сезиш ва ажратиш мумкин. Ритм бу баъзи элементларнинг кетма - кетлиги ва маълум даражадаги босқичларидир.

Рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлиқ ва амалий санъатда ритм композиция ғояларини ифодалашда фаол иштирок этади, ва тасвир қурилмасида қатнашибгина қолмасдан, балки унга маъно ва жозибадорлик бахш этади.

Ритмни чизиқлар, ёруғ ва соя, доғлар ҳамда ранг доғлари билан бериш мумкин. Композициянинг бир хилдаги қисмларидан, масалан, одамлар қомати, қўл ва оёқлари ёки нақшнинг рамзий қисмларидан галма - галлик сифатида фойдаланиш мумкин. (35 - *расм*). Натижада ритм контраст шаклларда қурилган бўлиши мумкин. Халқ амалий санъати асарларида ритм асосий рол ўйнайди. Амалий санъатда композициялар турли хил нақшлар ритми, кетма - кетлик асосида қурилади. Ритм, сеҳрли таёқчага ўхшайди, унинг ёрдамида текисликдаги ҳаракатни билиб олиш мумкин. (46 - *расм*.)

Биз, доимо узлуксиз ўзгарувчан дунёда яшаймиз. Рассомлар ўз санъат асарларида ўтаётган вақтни, даврни, муҳитни тасвирлашга интиладилар.

Картинада акс этган ҳаракатлар - вақт ўлчовидир.

Рангтасвир асар, фреска, график иллюстрацияларда биз томондан ҳаракатларнинг қабул қилиниши оддий бир ҳолатдек туюлади. Чуқур борлиқни ва одам характери ни ёрқин, ишончли ва аниқ тасвирлашда ҳаракат динамикаси пайдо бўлади. Ҳаттоки, рассомлар санъат турларидан портрет, манзара ёки натюрмортларни матода акс эттирибгина қолмасдан, бу тасвирларни динамик ҳаракат билан тўлдириш, унинг кўриниши ва борлиғи, ҳаракатини, айрим ҳолларда ўтмиш, ҳамда ҳозирги кун ва келажакни ифодалайдилар. Фақатгина бирор бир шакл ўзгартирилиши ёки силжитилиши билангина эмас, балки унинг ички ҳолати ҳам динамик кўринишга боғлиқ бўлиши мумкин. Санъат асарларида ҳаракатнинг иштирок этиши динамик ҳаракат деб юритилади.

Нима учун ритм ҳаракатни беради? Бунга сабаб бизнинг кўриш аъзоларимизнинг ўзига хос хусусиятлари борлигидадир. Тасвир қисмларини кўриш мақсадида бирдан иккинчисига ва шунга ўхшашига ўтиш жараёнида гўёки ҳаракатда кузатувчининг ўзи қатнашаётгандек туюлади. Масалан, бир тўлқиндан бошқасига кўчаётгандек нигоҳимизни қаратамиз. Уларда иллюзион ҳаракатлар акс этади. Тасвирий санъат асарлари, мусиқа ва адабий асарлардан фарқли ўлароқ, алоҳида ажралиб туради. Албатта бунда воқеа ва ҳаракатлар борлигидир.

Биз ҳаракатни текисликда бериш ҳақида гапирар эканмиз, албатта унинг иллюзиясини кўзда тутамиз. Яна қандай йўллар билан динамик ҳаракатини кўрсатиш мумкин? Рассомлар иллюзион ҳаракат кўринишларини ташкил этишда усул ва сирларни қўллашда ҳарактерларга алоҳида урғу берадилар. Баъзи бир ифодаланган кўринишларга эътиборимизни жалб этамиз.

Агар китобни салгина қия қилинса, устида турган копток жойидан кўзгала бошлайди. Китоб қанча катта қия қилинса, копток шунча тезлик билан ҳаракатга келади ва тезда китоб бурчагига етиб боради. Нима учун бундай бўлаяпти? Ҳар ким шундай тажрибани ўтказиб кўриши ва унинг

асосида тезлик ҳаракати китобнинг баланд қиялигида эканлигига ишонч ҳосил қилиб олиши мумкин. Буни чизматасвирда тасвирлашга ҳаракат қилиб кўрилганда китоб қиялиги бурчакларга нисбатан диагоналлиги кўринади.

Ҳаракатни бериш қонунлари:

- агар картинада бир ёки бир неча диогонал чизиқлардан фойдаланилса, унда тасвир янада динамик ҳаракатчан бўлади. (43 - расм).

Ҳаракатни бериш учун унинг алоҳида ҳолатини танлаб, характерини аниқ тасвирлаш мақсаднинг энг юқори нуқтаси бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, агар элементлари бирор бир асли ҳолатдаги ҳаракатга босқичма - босқич фазалар орқали киритилса тасвир ҳаракат қилаётгандек туюлади. Қадимги мисрликлар релефидаги кўл ҳолатларига эътибор беринг. Ҳар бир қомат маълум ҳолатни эгаллаган бўлиб айлана атрофида босқичма - босқич ҳаракатланаётган композицияни кўрамиз.

Асарда алоҳида ҳолатларни эмас, балки яхлит ва умумий олиб қараганимизда ҳаракат тушунарлироқ бўлади. Ҳаракатдаги қисм олдидаги очик кенглик бизга хаёлий ҳаракатни давом эттиришни ва гўёки бизни у ўзи билан бирга ҳаракат қилишга таклиф қилаётгандек туюлади.

Бошқа бир ҳолатда автомашина бутунлай тўхтаб қолгандек. Қоғоз қирраси эса унга ҳаракат қилиш имконини бермайди.

Чизматасвир чизиқлари ёрдамида ҳаракатни алоҳида ҳолатларини эътироф этиш мумкин. Ҳайкалтарош дискобол ҳайкалида қаҳрамон кучининг ниҳоятда тиғиз ҳолатини тасвирлайди. Бу жараённинг аввали нима бўлган ва энди нима билан тугагини яхши тушуна оламиз.

Ҳаракатни идрок қилиб, хаёлан ниҳоясига етказиш мумкин. Орқа планда жойлашган фоннинг оқиб ёйилган ҳолати, асардаги иншоотларни номаълумлиги ва ноаниқ контурлари орқали ҳаракатни билдиришга эришилади. Кўп сонли вертикал ёки уфқ чизиқлар акс ҳолда, тусларда ҳаракатларни тўхтатиб қўйиши мумкин.

Ҳаракат йўналишининг ўзгариши уни тезлаштиради ёки секинлаштиради. Кўриш қобилиятимизнинг эътиборли жойи шундан

иборатки матнни чапдан ўнга ўқиймиз ва секинлик билан қабул қиламиз, ҳаракат эса гўё тезроқ ҳаракатланаётгандек, юраётгандек туюлади.

Тасвирда ҳаракатсизликни ифодаловчи қоидалар:

- агар картинада диагонал йўналишлар йўқ бўлса;
- агар ҳаракат қилаётган қиёфа олдида очик кенглик бўлмаса.
- агар кўринишларда тинч ҳолат тасвирланиб ҳаракат йўналишлари акс этмаган бўлса.

- айлана, овал, квадрат, тўғри бурчак ташкил топган бўлса унда муқим композиция деб ҳисобланади.

Санъат асарида ҳаракатсизликни (турғунликни) ҳис қилиш. бошқа қатор шароитларда ҳам юз бериши мумкин. Масалан, К.Коровиннинг «Қиш» (44 - *расм*) картинасида диагонал йўналиш борлигига қарамасдан от арава тинч турибди. Ҳаракатсизликни сезиш қуйидаги сабабларга кўра содир бўлмоқда: композицион марказ ва геометрик шакллар мос тушган, шунингдек композицияда мувозанати сақланган от олдидаги узок кенглик дарахтлар билан тўсиб қўйилган.

*Саволлар:*

1. *Ритм нима?*
2. *Ритм табиатда қандай?*
3. *Ритм композицияда нимани англатди?*
4. *Ритмни нималар ёрдамида акс эттириши мумкин?*
5. *Халқ амалий санъатида ритм қандай рол ўйнайди?*
6. *Ҳаракат(динаимка) нима?*
7. *Қандай йўллар билан динамик ҳаракатни кўрсатиши мумкин?*
8. *Тинч, турғунлик(статика) нима?*

## **1X.5. Бирлик ва бир - бирига бўйсунуш. Композиция маркази.**

*Уйғунлик* - турли қисмлар (қиёфа ва шакллар) нинг бир - бирига яхлитликка бирлашишидир;

Композицион марказни ташкил қилишда текисликни визуал идрок қилиш қонунларини инобатга олиш керак. Одатда, у текисликнинг фаол, марказий қисмида жойлашади. Геометрик марказга нисбатан суриш, кўпинча асарга бадиий образ ва мавзунини очишда катта ички кескинлик ва пластик ифодавийлик беради. Текислик четлари, биз буни истаймизми ёки йўқми, хошия, марказда чуқурлик, фазо ҳосил қилади.

Марказ, асосан, маънавий вазифани бажаради, яъни у томошабинга психологик таъсир кўрсатиб ва бу билан унда ассоциациялар оқимини ҳосил қилиб, тасаввурни ривожлантириш, бирга қайғуришга мажбур этиб, асар бадиий образини ифодалайди.

Уйғунлик қонунларига жавоб берувчи композиция яратишда уйғунлаштириш воситалари катта рол ўйнайди. Уларга ритм, контраст, нюанс ва ўхшатиш, пропорция (нисбат), масштаб киради.

***Композиция маркази (акцент).*** Картина текислигида ҳамма нарса асосий фикрга ва ғояга қаратилиши керак. Композиция яхлитлиги иккинчи даражали нарсалар биринчи даражали нарсаларга боғлиқ бўлиб, бутун тасвирни ягона мақсадга бирлаштиради. Иккинчи даражали нарсалар ортиқча диққатни тортиб кўзга ташланмаслиги лозим. Асосий қисм ажратилиб тасвирланади. Агар картинада шакллар бир хил аҳамиятли бўлиб пала - партиш тартибда жойлаштирилса, композиция ўз ифодалилигини, аҳамиятини йўқотади.

Асосий натура (шакл) тасвирини картинада яхшироқ жойда диққат билан тасвирлаш муҳим бўлиб, асосий ҳаракат, воқеа картина текислигининг марказига яқинроқ жойда жойлаштирилади. Бу томошабинга картинани кўришда унинг маъносини узоқдан тўла қамраб олишга имкон беради. Композицияда бир неча бир хил аҳамиятга эга марказ композиция

яхлитлигини ва бирлигини бузади. Тасвирни томошабин идрок қилишига имкон бермайди.

Маҳобатли рангтасвир рассоми картинада бир неча марказ қилиши мумкин, аммо у ғоя ва фикр ечимида ўзини оқлай оласа.

Композицияда муҳим қаҳрамонни ажратиб тасвирлашда уни марказда жойлаштиришдан ташқари бўёқ қўйиш усули билан ҳам амалга ошириш мумкин. Иккинчи даражали қиёфалар ёки иккинчи план шакллари ишлашда умумлаштирилади. (16,42 – расмга қаранг).

Композиция марказини ажратиб кўрсатишда картинани табиий идрок қилишда нурсоя, қиёфалар катталиги, ранглар нисбати ва қиёфалар оралиғи масофаси орқали амалга оширилади. Рассом текисликдаги картинанинг муҳим қисмини ранг билан, тус билан ва деталларга ишлов бериш йўли билан амалга ошириши мумкин.

*Саволлар:*

- 1. Уйғунлик нима?*
- 2. Композицион марказни ташкил қилишда нимани эътиборга олиш керак?*
- 3. Уйғунлик, ҳамоҳанглик қандай амалга оширилади?*
- 4. Уйғунлаштириш воситалари нима?*
- 5. Композиция маркази нима?*
- 6. Композиция яхлитлиги қандай амалга оширилади?*
- 7. Композицияда муҳим қаҳрамонни ажратиб тасвирлаш қандай амалга оширилади?*

## Х БОБ

### Х.1. КОМПОЗИЦИЯ ВОСИТАЛАРИ

Ҳар қандай композиция ўзига хос воситалардан тузилади. Воситалар уйғунлиги, мутаносиблиги меъёрида ва тўғри топилган ҳолда қўлланилиши композицияга ижодий ёндашилганликдан далолат беради.

Композиция воситаларига аниқловчи композицион усул, пропорция ва масштаб, контраст ва нюанс, метрик такрор ва ритм, ранг, соялар ва пластика ечими киради.

Аниқловчи композицион усул қарикта шакли устида ишлашда муҳим ташкилий асос ҳисобланади ва ижодий изланишнинг йўналишини белгилайди.

Техник таклиф ёки эскиз лойиҳаси босқичида асарнинг асосий элементлари ва маълум техник параметрларни таъминловчи унинг жойлашиш вариантлари аниқлангандан сўнг, рассом ёки дизайнер ҳал қилувчи композицион усулни танлаши, маҳсулот композицияси ғоясини аниқлаши лозим. Техник жойлаштириш схемаси вариантларини билган ҳолда, дизайнер ўзининг бадиий - конструкторлик вариантларини яратади, шакл тузилиши умумий кўринишини аниқлайди (ташқил этувчи юзаларнинг андозали ёки текис майда шакллари, шаклнинг нюанс ёки контраст ечими, шакл элементларининг материали ва туташган жойлари). Бу ягона белгиловчи композицион усулда берилган маҳсулот ёки уларнинг гуруҳлари композицияси воситалари бирлигини кўрсатиш имконини беради.

**Пропорция, контраст, нюанс, ритм, масштаб** - булар уйғунлаштириш қонунлари бўйича шакл ёки асар яратишда рассом фойдаланадиган воситалардир. Ўз навбатида айнан шакл ўйлаб топилган асарнинг бадиий образини беради.

Масштаблилик ўз моҳиятига кўра, шаклни инсонга нисбатан пропорционаллаштиришнинг алоҳида тури.

Уйғунлаштиришнинг бирйўла уч воситасини - контраст, нюанс ва ўхшашликни кўриб чиқамиз. Уларнинг ҳаммаси санъат асарларида тасвирий воситаларнинг сифат ўзгариши ва сифат муносабати ҳақида хабар беради. Агар контраст - тасвирий воситалар сифатларининг максимал ўзгариши бўлса, нюанс - минимал, ўхшашлик эса - бу сифатларнинг такрорланишини билдиради.

**Контраст, нюанс, ўхшашлик**, бу - тенглашган, бирликдаги ва бир мақсадга бўйсунган композицияни, яъни ҳамма муносабатларда гармоник бўлган композицияни тузишда ёрдам берувчи композицион воситалардир.

Контраст ва нюанс – бир - биридан алоҳида тарзда мавжуд бўла олмайдиган ўзаро тўлдирувчи воситалардир.

**Уйғунлик**, бу – қарама - қаршилиқлар мувофиқлиги, уларнинг мувозанатидир.

Контрастлар ўрни универсал: улар композициянинг ҳамма элементларига - уни ташкил қилиш ғоясидан бошлаб ва сюжет қуришдаги контрастнинг аҳамиятигача дахлдордир.

**Контраст** - асар композицион элементларининг шакл, текстура, ранг, ёруғ - соя ва бошқа кўринишларда бир - бирига қарама - қарши қўйиш, нюанс эса композицион элементлар хусусиятларининг секин - аста, нозик ва ўзаро боғлиқликдаги ўзгаришидир. (39,45 - расм)

Контраст шаклга фаоллик беради, унинг таъсирини фаоллаштиради. Бунда ёруғ - соя контрасти ранг контрастига нисбатан кучли таъсирга эга. Колорит кучидаги хатолик яхлитликнинг қисман бузилишига олиб келади. Тузилишлар контрастидаги хатолик картина шакли яхлитлигини тўлиқ бузиши мумкин, бу ортиқча контраст дейилади.

**Метр ва ритм** - элементлар такрорланишининг маълум қонуниятлари. Агар такрорланишлар ораси бир хил бўлса (ёки кўринишдан бир хил бўлиб туюлса), бу метрик такрордир. Агар такрорланишлар ораси секин - аста ўзгарса, бу ритмикадир. Ритм - элементлар тузилиши тартибининг қонуний ўзгариши бўлиб, алмашинувчи, элемент хусусиятларининг секин - аста

миқдорий ўзгаришларида биз улар мажмуининг маълум бир ритм кўринишидаги динамик хусусиятларига эга бўламиз. Ритм элементлар хусусиятлари динамикасини яратади ва кузатувчи кўзларини асар композицион марказига «олиб боради», бу эса ўз навбатида ундан, асар тузилишини яратишда информация берувчи сифатида фойдаланиш имконини беради. (42,46 - расм)

**Ритм** - айнан «такт, маром» (грекчада - «рафмос») деган маънони англатади. Ритмнинг муҳим белгилари - кўриниш, элементлар ёки шаклларнинг такрорланиши, уларнинг алмашилиш қонунияти кабилардир.

**Метриклик**, бу - механик тарзли ҳаракатдаги бир маромлилик. Агар композицияда ритм ривожига чегараланган бўлса, метрик композиция чексиз қайтарилади. Орнамент метрик қаторнинг ёрқин намунаси бўла олади. Турли тўлқинсимон ва тўғри чизиқлар, кичкина крестлар, ромблар, айланачалар

- буларнинг ҳаммаси қаторда, текисликда ёки бирор ҳажмда қаторлашиб, шу билан орнамент ҳосил қилувчи маълум информациядир. (38 – расмга қаранг).

Лекин шундай бўлса-да, асосида метр ётувчи композиция яратиб, биз метрнинг кейингиси билан пластик алоқаларини ўйлаб чиқишимиз зарур. Метрик композицияларнинг бундай тури раппорт ёки раппортли композиция дейилади. Улар асосан матоларда расмлар чизишда фойдаланилади. Бундай композициянинг уч хили мавжуд: сеткали, йўл - йўл ва катак - катак. Одатда матолардаги композицияларда ўсимлик, ҳайвон ва геометрик мавзулар қўлланилади.

Метрдан фарқли ўлароқ ритм, композицияга динамиклик беради ва мураккаб хусусиятдаги ҳаракатни келтириб чиқаради. Ритм динамикаси бир турдаги элементлар ва фазонинг қонуний алмашинуви билан юзага келади.

Санъат асарини идрок қилувчи томошабин учун ритмнинг икки тури мавжуд: фаол - динамик ва пассив - динамик. Уларнинг биринчи турига овозли (музыкали), рақс, ёруғлик ва бошқа ритмлар, яъни маълум вақт

чегарасида пайдо бўладиган ва йўқоладиган ритмлар киради. Иккинчи (пассив) турига пластик шакллар доимий қатнашадиган ва ритмни ҳис қилиш реал мавжуд элементларнинг ўзаро муносабатидан пайдо бўладиган меъморчилик, рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва графикадаги ритмлар киради.

Қачонки қандайдир битта қонуният (шакл, ранг, фактура ёки элементлар орасидаги масофа) ўзгарса, ритм оддий бўлади ва қачонки ўзгаришлар бирданига бир қанча кўрсаткичлар бўйича бўлса, ритм мураккаб бўлади, Масалан, шакл кўриниши ўзгаради ва ранг бўйича тўйиниш юзага келади ёки элементлар орасидаги масофа ўзгаради ва бир вақтнинг ўзида ўз фактуравий хусусиятини ҳам ўзгартирган шакл кичради. Ритм композицияларни фақат бойитибгина қолмай, уларни ташкил қилишга ҳам ёрдам беради. Текислик композициясида қандай бўлса, ҳажмий, фазовий композицияларда ҳам шундай ритмсиз ишлаш қийин. Ритм барча тасвирий воситалар ёрдамида ифода қилиниши мумкин: шакл ритмлари (нуқта, чизиқлар, доғлар ва уларнинг бирикуви), ранг ритмлари (ахроматик ва хроматик), фактура билан ифодаланувчи ритмлар мавжуд.

Бир композицияда ритм ва бир - бирига нисбатан параллел ривожланувчи, кесишиб ёки ҳатто қарама - қарши йўналишда ҳаракатланиб қурилган композицион тузилишнинг катта миқдори бўлиши мумкин. Ритмик қурилиш ҳисобига текислик ёки ҳажм маркази фаол ташкил топади, ҳажмий - фазовий ечимда эса асосий ғоя аниқланади. Миқдорий ёки сифат ўзгаришлари ҳар бир композицион бирикмада ўз оралик масофаси билан, тасвир воситаларининг ўзгариши билан ўзига хос тарзда бўлиши мумкин.

*(43 - расм)*

Ритмик қурилиш қонуниятлари билими кўп жиҳатдан ҳар қандай турдаги композицияларни, уларнинг бирлиги ва бир - бирига бўйсунуши, яхлит асар сингари уларнинг қисмлари мувозанатини яратиш муаммоларини ҳал қилади.

Композицияларда метр ва ритм муносабатларидан фойдаланиш мумкин. Ритмик қаторларнинг метрик такрорланиши жуда оригинал асарлар яратишга ёрдам беради. Шакл бадиий образ ифодасининг энг муҳим воситаси, лекин бирдан бир, ёлғиз восита эмас. Ранг шакл билан мувофиқликда ўз моҳияти жиҳатидан бой асарларни ташкил этади. Бундан ташқари, ранг, фактура ёки ёруғлик билан ифодаланмаган тасвирий шаклнинг ўзи шунчаки мавжуд эмас.

*Саволлар:*

1. *Композиция воситалари нималардан иборат?*
2. *Пропорция нима?*
3. *Ритм ва метр нима?*
4. *Масштаблилик нима?*
5. *Контраст, нюанс, ўхшашлик қандай восита?*
6. *Уйғунлик нима?*
7. *Ритм нимани англатади?*
8. *Ритмик қурилиш қонуниятлари нимани ҳал қилади?*

## **Х.2. Масштаб ва масштаблик**

***Пропорция (муноносиблик) ва масштаб (нисбат)*** - композициянинг муҳимлиги бўйича навбатдаги воситаларидир. Пропорция шакл гармониклигининг кучли воситаси ҳисобланади, шунинг учун кўпинча маълум қатъий муносабатлардан фойдаланишга ҳаракат қилинади («олтин кесим» ёки унинг функцияси). Аммо амалий тажриба шуни кўрсатадики, гап фақат қатъий муносабатлардагина бўлмай, рассом ва дизайнернинг мураккаб шаклни уйғунлаштиришдаги маҳорати ва истеъдодида ҳамдир.

Бунда қуйидаги жуда муҳим икки омилни инобатга олиш зарур:

- 1) пропорцияларни идрок этиш шакл юзаси ва унинг кўриб идрок қилинишини умуман ўзгартира оладиган қиёфаси хусусиятига боғлиқ;

2) пропорциялаш шаклнинг ҳамма элементларини инсон билан, нисбатлаштирилган бир - бирига таъсир этувчи нисбатларнинг ягона системасида қамраб олиши керак.

Бадиий образга ифодавийлик беришда шакл пропорциялари алоҳида аҳамият касб этади. Квадрат шаклдан ҳосил бўлган ҳис - туйғуни муҳокама қилиб, биз унинг томонлари ўлчамлари муносабатига аҳамият бермадик. У 1:1 нисбатда эди. Бу муносабатни 1:10 қилиб ўзгартириб кўрайлик. Энди шаклнинг жойлашишига қараб унинг хусусиятлари намоён бўлади: ёки мустақкамлиги кучаяди ёки ҳаракат имкониятини ошириб, шакл энгиллашади.

Бадиий образни ечиш учун фақат яхлит шакл эмас, унинг бўлаклари нисбатлари ҳам муҳим. Қисмларнинг яхлитлик билан пропорционал муносабати уни талқин қилишнинг турли варинатларини беради.


**Пропорция (мутаносиблик)** - асар элементлари орасидаги ва бошланғич деб қабул қилинган, ундаги яхлитликнинг қисмларига нисбатан мувофиқлигидир. Ҳар қандай мутаносиблик мана шунга асосланади.

Шакл пропорциялари ҳақида гапиришни бошлаб, контрастлаштириш, яъни тафовутларни, қарама - қаршилиқларни таққослашда қурилган унинг ифодалилигини таъкидламаслик мумкин эмас. Масалан, катта шакл ва кичик деталлар контрастида, доғ ва чизиқнинг ёпиқ ва очик шакл контраст муносабатида унинг аҳамияти катта. Шакл сезиларсиз даражада ўзгарганда (нюанс), унинг ўлчам ва тузилиши ўз ифодавийлигини йўқотмаган ҳолда бошқа тарздаги образлар пайдо бўлади. Шаклни пластик фаол ташкил қилувчи воситалар қаторида ритмни кўрсатиш мумкин.

Уйғунликнинг асосий воситаларидан бири бўлган пропорцияга (яхлитлик ва қисмлар алоқаси) аҳамиятни қаратамиз. Яхлит асар бирлиги мавзусини давом эттириб, шуни тасдиқлаймизки, пропорциялар - асосида яхлитлик ва шу яхлитликни ташкил этувчи қисмларнинг муносабатлари ғояси ётувчи воситадир. Пропорция деганда яхлитлик қисмларининг ўзаро ва шу яхлитлик билан муносабати тушунилади.

Ренессанс даврида ўрта пропорционал муносабатни беназир нисбат деб атаганлар. Леонардо да Винчи (Уйғониш) пропорциялаш системаси билан ишлаб, унга «олтин кесим» номини беради.

Уйғунликни яратиш учун, яъни яхлит асар яратиш учун рассом, табиат конунларини эгаллаши ва ундан сўнг қўллай билиши лозим. Шунини айтиш керакки, пропорциялаш муаммоси - фикрлашни талаб қилувчи мураккаб бадиий муаммолардан биридир.



47 – расм. Масштаб. Леонардо да Винчи.

«Инсон ҳамма нарсанинг ўлчамидир». Инсон нимани яраста, у ўзи учун ва ўзига мослаб яратади. (47 – расм)

Масштабга пропорционаллаштириш системаларини тўғри қўллаш орқали эришилади. Шаклни алоҳида деталларга ажратиб, керакли масштабга эга бўлиш мумкин. Шакл сирлироқ,

маъносизроқ идрок қилинади. Ва аксинча, уни йириклаштириб, майда нарсалар билан, атайин киритилган ва кичрайтирилган элементлар билан таққослаб (демак, контрастни қўллаб) маҳобатли идрок қилинувчи шаклни яратиб, унга катта маънолилик бериш мумкин. Масштаб воситасида образнинг зарур ифодавийлигига фақат шакл билан ишлаб эмас, балки бошқа - ранг ва фактура каби ифода воситаларини тўғри қўллаб ҳам эришиш мумкин.

Бинобарин, асар масштаблилиги абсолют катталиқ билан белгиланмайди. Ўлчами жиҳатидан катта бўлмаган асар йирик масштабга эга бўлиши, маҳобатли образларни ифода этиши мумкин. Ва аксинча, катталиги бўйича йирик асар баъзида кичикдек идрок қилинади.

### Х.3. Композицияда ритм (вазн)

Ҳаётда ритм ҳар хил кўринишда кўп учрайди. Фасллар алмашуви ҳам ритм. Одамлар ҳаракати, ҳулки, юриш - туриши, бир - бири билан гаплашиши орқали бўлаётган воқеанинг маъносини аниқлаш мумкин. Вокзалда келаётган, кетаётган, ўтирган кишилар ҳаракатида ҳар хил ритмни кузатиш мумкин. Табиатда дарахтлар шакли ҳам маълум даражада ритмик кўринишдадир.

Текисликда ритм тасвирнинг айрим элементлари такрорланиши кўринишида бўлади. Шунингдек масштаблари нисбатида, ёруғлик ва ранглар жойлашувида, қўл ҳаракатларида кузатиш мумкин.

Ритм тузилиши картина текислигида ҳам, бўшлиқда шаклларнинг жойлашувида ҳам амалга оширилади. Ритм картина мазмуни билан боғлиқ ва ғояга бўйсундирилади. Ритм томошабиннинг диққатини муҳим элементларга қаратиб, тасвир равшанлигини, ифодалилигини кучайтиради. (35,42,43 - расм)

Тасвирий санъатда ва ҳаётда ритм зарурий жиҳат ҳисобланади. У такрорланиб турувчи катта ёки кичик элемент (шаклл) лар маълум масофада ва даврий такрорланиши билан характерлидир. Агар симметрияда элементлар мувозанати тинч, турғун ҳолат кўринишида бўлса, ритмда эса ҳаракат чексиз давом этиши мумкин. (45 - расм)

Ритм табиатда, ҳар хил ҳаётӣ воқеаларда композицион тузилишда ўз аксини топган. Масалан, кристалл қирралари, денгиз тўлқинлари, йил фаслларининг такрорланиши, ўсимлик дунёси, нафас олиш, юрак уриши ва ва бошқа кўринишлар ритмик такрорни англатади. Аммо ритм ҳаётда ва санъатда бир хилда эмас.

Тасвирдаги ритм композициянинг асосий воситаларидан бири бўлиб, у бадий ижоднинг асосларидан бири ҳисобланади. Ритм - композицияда фақат ташкил этувчи, мужассамлаштирувчи бўлибгина қолмай, балки бадий

диднинг ҳам бошланишидир. У орқали бадиий асар шоирона, муסיқий қилиб яратилиши мумкин. Шунингдек ритм композицияда эстетик ва ташкилий рол вазифасини бажаради. Аниқ топилган ритм орқали асарни яхши шакллантириш мумкин.

Ритм ҳар доим санъатнинг ҳамма турларида мавжуд. Қадимги Шарқ мамлакатлари композициясида ритм тасвир шаклларида такрорланиши кўринишида бажарилиб келинган. Масалан, миниатюра композицияси тузилиши ритм асосида бажарилган. Шунингдек, ўсимлик шаклидан тузилган нақшлар ҳам ритм орқали ишланганлигини кўрамыз.

Картина текислигида ритм образли геометриянинг бўлими сифатида кўриб чиқилади. Рангтасвирда ритм тушунчаси икки ўлчамли картинада ишлатилиши учрайди. Чизиқли ритм бир йўналишдаги ката - кичик шаклларида терилиб жойлаштирилишидадир. Табиатда ритм нафас олишимизда, денгиз қирғоғига келаётган тўлқин, дарахт шохларида барг шакллари ҳам ритмик йўналишда бўлиши мумкин. Динамик ритм пружина каби бир қисмида энергия ҳосил қилса, иккинчи қисмида бироз тинч ҳолатни намоён қилади.

Леонардонинг “Сирли оқшом” фрескасида қиёфалар тузилишида метрик жойлашган. Бир қатор қўйилган учлик қоматлар тўрт группани ташкил қилади. Икки четдаги гуруҳлар ўртасида Христос қўлини ёйган, ҳайрон ҳолатда тасвирланган. Икки четдаги гуруҳлар оралари бироз очик, ўзларича ўйланган гуруҳлар композициясидир. Қиёфалар ритм асосида тўлқинлангандир. Картинада ритм мураккаблиги шундаки, у бир чизиқ бўлиб қолмай, балки гуруҳлик тузилишида ҳамдир. Чизиқли ритм кийимлар бурмаларида ҳам мавжуд. Уларнинг йўналиши ва тўлқинланиши кўринишида ҳосил бўлади. Бурмалар инсон ҳолати ҳаракитини кўрсатади. Ботичеллининг “Баҳор” картинасида вертикал йўналишдаги кийим бурмалари ҳам ритмик ҳолатдир. Уч аёл қоматидаги кийимлар қат - қат тахлари бутун картинани энгил эгаллаб олган. Буларга контраст қилиб майда гул ва япроқ безаклар акс эттирилган. Чизиқлар ритми қаторида картина текислигини қамраб олган

ранг ритми ҳам мавжуд. Рассом мўйқалами ҳаракати, ранглар туси ритмини ҳосил қилади. Мисол учун Сезан ишлари штрихлар бунга ёрқин намунадир.

XIX аср рус санъатида картина юзасида ритмдан фойдаланиб асар яратганларини кўриш мумкин. К.П.Брюлловнинг «Помпейнинг сўнги куни»<sup>35</sup> картинасида ёруғ ва қора доғларнинг такрорланишида, ритм ҳосил қилиб, асарни яхлит кўришга имкон яратади. А.И.Куинжининг манзаралари классик ритмга мисолдир. В.И.Суриковнинг «Бояр аёл Морозова». Рафаэльнинг «Афина мактаби» асарида биринчи пландан қоматлар ритм асосида узоқлашган сари кичрайиб бориши маконда кучли динамик ҳаракат ҳосил қилади. Бунга оқ ва қора доғлар чап ва ўнг томондан такрорланиб бориши орқали эришилган. (35, 43 - расмлар).

*Саволлар:*

- 1. Пропорция (мутаносиблик) ва масштаб (нисбат) нима?*
- 2. Пропорция (мутаносиблик) ва масштаб (нисбат) қандай амалга оширилади?*
- 3. Ритм нима?*
- 4. Ритми нимада кўриш мумкин?*
- 5. Ритм қандай амалга оширилади?*
- 6. “Баҳор” картинасида нима ритмик ҳолат?*
- 7. «Помпейнинг сўнги куни» картинасида нима ритмик ҳолатни акс эттиради?*
- 8. «Афина мактаби» асарида ритм нимага асосланган?*

## **X1 БОБ**

### **X1.1. Мураккаб шакл ва уни ташкил қилиш усуллари**

Рассом, дизайнер ёки меъмор нимани лойиҳалаштирмасинлар, жуда кўп ҳолларда улар бир бутун универсал вазифани - унинг талаб этилган

---

<sup>35</sup> Klaus Reichold, Bernhard Graf. PAINTINGS that Changed the World

даражасида энг яхши ечим билан янги мукамал мураккаб шаклни яратишни хал этадилар. Агар бир эмас, бир турдаги мураккаб шакллар гуруҳини яратиш, бунда ташкил қилувчи қисмларнинг кўп марта такрорланган, шунингдек, бу гуруҳ шакллари учун умумий бўлган энг кам маъқул турларидан фойдаланиш керак бўлса, бу вазифани хал қилиш анча мураккаблашади.

Шакл ҳосил қилиш комбинацияси - турли хил жойлаштириш, бириктириш ва комбинациялаш йўли билан кўп марта такрорланувчи бир типдаги чекланган турдаги элементлардан иборат талаб этилган вазифадаги алоҳида мураккаб шакллар ёки мураккаб шакллар гуруҳларининг иложи борича кўпроқ миқдорини яратиш назарияси ва услубидир.

Аниқ комбинатор шакл ва вазифалари юзага келишида хал этиладиган барча турли - туманликлар, уларнинг энг муҳим белгилари қуйидаги асосий гуруҳ ва турларга бирлашади.

Занжир типдаги узунчоқ шакллар ўлчамли кўчма симметрияли - ихтиёрий ритмдаги бирхиллаштирилган шакл турларининг бир ёки минимал сонидан иборат.

Ҳошия типдаги шакллар кўчма симметрияли ва сирғанма акс тасвири ва бошқа кўшимча симметрияли ихтиёрий ритмдаги бирхиллаштирилган шакл турларининг бир ёки минимал сонидан иборат.

Тўр типдаги йўл - йўл нафис шакллар икки ўлчамли кўчма ва бошқа турдаги симметрияли бир ўлчамли бирхиллаштирилган шакл турларининг бир ёки минимал миқдоридан иборат.

Паркет (мозайка) ва орнамент типдаги ясси туташ шакллар икки ўлчамли кўчма ва бошқа турдаги симметрияли бирхиллаштирилган шакл турларининг бир ёки минимал миқдоридан иборат.

Шаклларнинг камроқ мунтазамлиликдаги уч ўлчамли гуруҳи симметрия воситасида қандай бўлса, асимметрия билан худди шундай ўзаро боғланувчи турли ўлчамдаги бирхиллаштирилган шакл турларининг чекланган миқдоридан иборат.

Шакл - структуралар бир турдаги, турли ўлчамдаги ва мураккабликдаги ҳамда симметриянинг турли хиллари воситасида тартибли ташкил этилган шаклдан ташкил топган, таркиби бўйича минимал мураккаб шакллардан иборат. Бу турга комбинатор шаклларнинг юқорида айtilган ҳамма геометрик гуруҳлар шакллари кириши мумкин.

Комбинатор шаклларнинг ўзига хос гуруҳини умумий тўплам бирхиллаштирилган шаклдан навбатма - навбат ташкил бўлган бир хил катталиқдаги ва бир хил таркиб топган шакл ва жисмлар ташкил қилади. Шакл ҳосил бўлишининг қатъий геометрик қоидалари сабабли бунда яратиладиган мураккаб шакллар сони кўп ҳолларда нисбатан кам.

Вазифа аниқлиги бўйича, рассом ва дизайнер реал амалиётида кўпроқ тарқалганига қараб шундай характерли комбинацияланган вазифаларни айтиш мумкин.

1. Паркет типидagi вазифа. линиянинг моҳиятини, конструкция - бадийий ёки декоратив қатлам вазифасидаги туташ юзани ҳосил қилиш учун энг яхши шакл ва турлари бўйича чегараланган шакллар ташкил қилади.

2. Комбинатор орнамент типидagi вазифа (жумладан, мозайка-орнамент). Меъморчилик, дизайн ва амалий санъат объектларида туташ юзаларни нақшинкор шакллар турларининг бир ёки чекланган сони воситасида энг яхши, яъни, энг ранг - баранг, симметрик ва оригинал безашнинг турли вариантларини иложи борица кўпроқ сонини яратишдан иборат.

3. Зич ҳажмий тахлам туридаги вазифага рассомлик ва дизайнерликнинг уч ўлчамли объектларини лоиҳалаш киради. Улар ҳажмий шакллар асосида яратилади. Бу шакллар эса қўшни элементлар билан боғиқлиги ёки яхлит, мураккаб тузилишдаги шакл ҳосил қилиши туфайли чекланган бўлади.

Икки ўлчамли комбинацияланган шакл ҳосил қилиш. Энг кам сонли гуруҳни ташкил қилувчи бир хилли комбинатор объектларга алоҳида мураккаб шакллар ёки занжир типидagi шакллар гуруҳлари киради.

Уларнинг кўп марта такрорланувчи қисмларини тартибга солиш фақат битта ўқ бўйлаб гуруҳланади ва ҳар қандай ўлчамли кўринишда бўлиши мумкин. Бир ўлчамли комбинация намунаси сифатида бирхиллаштирилган қаторлари ва битта тўпламидан иборат шакли бўйича турлича бўлган турли кўринишдаги тўпламни кўрсатиш мумкин. Уларга илгари таърифланган турли узунчоқ шакл - структуралар, шу жумладан, фриз типидagi композициялар ва занжир, маржон, қирқоёқ гавдаси каби кўринишдаги шакллар киради.

Бундай турдаги шакллар декоратив ва амалий санъат элементларида кенг тарқалган. Булар аслида турли хил тўсиқлар, саноат графикаси ва қадоқлашдаги тасмасимон орнаментлар, багетлар, ҳошияларнинг баъзи турлари ҳисобланади.

Икки ўлчамли комбинацияланган шакл ҳосил қилишнинг умумий белгилари, нуқтали матрица бўйича тўр типидagi вазифаси. Икки ўлчамли - ясси ва эгри чизиқли комбинатор шакллар комбинатор объектларининг таркиби бўйича икки кўп сонли ва хилма - хил гуруҳларидан бирини ташкил қилади. Уларга мураккаб шакллар - юзалар киради. Одатда, улар тўр, мозаика, паркет, орнамент, типидagi кўп симметрияли шаклидир. Уларнинг кўп марта такрорланувчи қисмлари икки устунлик қилувчи ўлчов - кўчма симметрия ўқлари бўйича бир меъёрда тартибли гуруҳланади ва ҳар қандай ўлчамда бўлиши мумкин. Икки ўлчамли комбинатор шаклларга бурилиш вертикал ўқи атрофида симметрик гуруҳланган, бир турдаги такрорланувчи текис қисмлардан ташкил топган икки ўлчамли розетка типидagi шакл - структуралар ҳам киради. Кўпгина гултожилар, денгиз юлдузи танаси, нақшлар ишланган лаганчалар, ганчкор меъморий - декоратив розеткалардир.

Икки ўлчамли фазодаги шакл ҳосил қилиш таянч нуқталарининг баъзи тартибли системаси асосида ҳосил қилиш мумкин бўлади.

Паркет типидagi энг яхши тахлам вазифаси. Чекланган турдаги элементлардан иборат энг яхши тахлам вазифасини ечишда (юза ёки ҳажм

ташқил қилиш ҳолатлари учун ёхуд улар тақсимланиши, бичилиши) учта характерли вазият бўлиши мумкин:

Зич тахлам - шаклларнинг берилган турларини шакллар орасида зич бўлмаган туташувнинг ҳамма вариантларига нисбатан кичикроқ тирқиш билан ўзаро жойлашуви (масалан, квадрат, структуравий схема бўйлаб бир хил айланалардан иборат тахлам).

Тиғиз тахлам - шаклларнинг берилган турларини энг зич туташув ва шакллар орасида бўлиши мумкин бўлган энг кичик тирқиш билан ўзаро жойлашувидан иборат.

Энг тиғиз (ёки умуман зич) тахлам - текис ва ҳажмий геометрик шакллар турлари чекланган сонининг ҳеч қандай тирқишсиз жойлашуви қатъий аниқ кўпбурчаклардан ёки кўпқирралилардан иборат тахлам. Масалан, параллелограммлар, параллелепипедлар, бошқа мунтазам шакллардан. Аммо, шундай тахламни ҳам кўпинча тиғиз, шунингдек, «фазони тўғри тақсимлаш» деб атайдилар).

Комбинацияланган орнамент типидаги вазифаси. Икки ўлчамли текисликдаги комбинатор шакл ҳосил қилиш турларидан бири - юзани комбинатор орнаментлашдир. Ҳар қандай орнамент тартибли - симметрик ва умумий ҳолда юзада унча кўп бўлмаган, кўп такрорланувчи нақш элементларининг эркин жойлашиши (зич бирлашувсиз) орқали ташқил бўлган мураккаб шакллардан иборат бўлади.

Орнамент, умумий ҳолда типик шакл - структура, комбинатор шакллар турларидан бири. қачонки турли орнаментлар гуруҳлари умумий элементар нақшлар асосида ташқил бўлар экан, бу фаол комбинатор шакл ҳосил қилишнинг ёрқин мисолидир. Комбинатор орнаментлар гуруҳини фақат бир турдаги асимметрик фигура асосида ҳам яратиш мумкин. Бу мураккаб нақш шакли ва оддий шакл бўлиши мумкин.

Орнаментлар учун, шу жумладан, комбинатор орнаментлар учун қатор характерли хусусиятлар хос. *Биринчидан*, орнаментларнинг ҳар бирида ҳар қандай қисмида туганмас бир хилдаги тартибли нақшли юза, асосий

элементларнинг маълум бир минимал сони ёки нақш фрагментларини ўз ичига олган параллелограмм (қийшиқ параллелограмм, квадрат, тўғри бурчак ёки ромб) турларидан бирининг ёрдамида ташкил топган бўлиши мумкин. Орнаментланган юза бу катакча - параллелограммни юзанинг икки асосий ўлчамларида унинг томонларига параллел - кўчма симметрия ўқларига, ҳар бир томон ўлчамига тенг масофа билан кўчириш орқали юзага келади. Шу сабабли айтиш мумкинки, орнаментнинг ҳамма турига кўчма симметрия хос. Ҳар бир орнаментни эса катакча - параллелограммнинг «ўз» тури билан алоҳида тарзда безатилган мозайка сифатида ҳам қараб чиқиш мумкин. *Иккинчидан*, ҳатто бир структура - симметрия туридаги орнаментлар вариантларининг умумий миқдори асосий шакл ҳосил қилувчи нақш расмлари ва уни ўша қурилиш симметриясида жойлаштириш усуллариининг чексиз хилма - хиллиги туфайли жуда кўп хилда бўлиши мумкин. *Учинчидан*, бутун юза нақшинкор қопламасининг симметрия орқали юзага келган текис ва тартиблилиги бутун орнаментнинг маълум симметрик ўқ атрофида бурилишлар, акс тасвир, кўчириш ўқлари бўйлаб трансляцияларда ўз - ўзи билан тўлиқ қопланиши комбинатор орнаментларнинг муҳим структура ва бир вақтнинг ўзида эстетик хусусияти ҳисобланади.

Тузилиш катакчалари геометрияси ҳам ва унинг беағи ҳам умумий бўлган комбинатор орнаментлар бўлиши мумкин. Бу паркет - орнаментлар, уларни яратишда олинган декоратив элементи текисликдаги эркин симметрик жойлаштиришдан эмас, ўзгармас декоратив тўлдириш ҳамда мазкур безатилган катакчани симметрия ва унинг комбинациялари турли хиллари билан уйғунлаштирган сифатида қабул қилишдан келиб чиқади.

Бундай орнаментни бажариш учун шаклларнинг ҳар бирини кетма - кетликда ёки кўчириш элементини квадрат, тўғрибурчак ёки параллелограмм кўринишида юзанинг иккала ўлчамида кетма - кетликдаги трансляция (кўчириб ўтказиш) кўринишида тайёрлайдилар. Бунда мувофиқ келувчи пластинка, плиткаларнинг тўпламидан (конструкция ёки қопланаётган юзани яратишда), валик - штампдан (гулқоғоз, текстил матолари, ўров қоғози

тайёрлаганда), трафаретдан (буюмларнинг катта бўлмаган гуруҳи учун) фойдаланилади.

Бундай орнаментал шаклларга, элементар тасвирий ва ҳеч қандай тирқишсиз юзани тўлдирадиган мураккаб тузилишдаги ёрқин безатилган шакл турларининг чекланган миқдорида бажарилган орнамент киради.

Жуда кўп амалий кўл меҳнати буюмларида орнамент технологик, конструкция ва бошқа хусусиятларни (масалан, мато ва бўйралар тўқиши шаклида, тош тахлами чокларида, кулолчилик буюмларидаги пластик нақшларда) тўғри ёки бадиий ифодалайди. Бундай ҳолларда ҳаққоний равишда структуравий деб аталади ва аслини олганда архитектуроник ҳисобланади.

Декоратив - амалий санъат ва меъморчилик асарларининг кўпгина гўзал орнаментал композициялари маълум. Уларда шакллар комбинацияси қонунларидан фойдаланилган. Бошқа элементлар ва вариантли стандарт гуруҳлари қаторида заргарлик орнаментлари, анъанавий гиламдўзлиги нақшлари, Ўрта Осиёнинг машҳур қадимий қурилишларининг кўп вариантли меъморий нақшларини ҳам кўрсатиш мумкин. (48 б - расм)

## **XI. 2. Симметрия, асимметрия ва улар комбинацияси**

Эстетикада симметрия деганда (грекчада «симметрия» - мутаносиблик) бир бутуннинг алоҳида бўлақларининг фазода уйғун жойлашуви, мутаносиблиги ва улар орасидаги мувофиқлик тушунилади.

Симметриянинг акс тасвир, марказий, текисликдаги ва ўқли каби оддий турларидан анчаси маълум. Лекин улар бадиий конструкциялаш амалиётида камдан-кам қўлланилади. Шунинг учун кўпинча дизайнернинг қисман маҳсулот асимметрик шакли лекин композицион мувозанатлашган тузилишлар билан ишлашга тўғри келади.

Шакл яхлитлигининг асосий шарти унинг кўринишдан композицион мувозанатлашганлигидир.

**Шакл динамиклиги ва статиклиги.** Шакл динамиклиги унинг бир йўналишли шакл яратувчи қисмлари муносабатларининг контрастида намоён бўлади. (32 – расмга қаранг)

Айнан ўхшаш бўлган муносабатларда шакл статик. Бу муносабатларни биз фақат горизонтал ўқ бўйича баҳолаймиз.

Горизонтал жойлашган конус динамик фигура намунаси бўла олади. У худди чапга ҳаракат қилаётгандай кўринади. Агар тўғри бурчак нотенг бўлақларга бўлинса, ҳатто унга ҳам динамиклик бериш мумкин. Қисмлар муносабатида қанчалик прогрессия, яъни ўсиш ёки камайиш аҳамиятли бўлса, шакл шунчалик динамик бўлиб туюлади.

Агар конус вертикал қўйилса, унинг динамиклиги йўқолади. Горизонтал бўйича шаклнинг тенг бўлақларга бўлиниши унинг статиклигини кучлироқ намоён қилади. Агар шакл симметрик бўлақларнинг нотекис бўлиниши унинг симметрия ўқиға йўналтирилган бўлса, шакл кескин статик ҳолда бўлади.

Шакл характери бирлиги - композициянинг муҳим хусусияти ҳисобланади. У билан берилган шаклнинг ҳамма элементлари - шакл қурилишига бўлган ягона ёндашув билан белгиланади. (49 - расмлар).

**Трансформация** - предмет шаклининг ўзгариши, демак, уни зарур томонга ўзгартириш алоҳида қисмлари ўлчамида юмалоқлаштириш, чўзиш, катталаштириш ёки қиррадорлигини намоён қилиб ўзгартириш мумкин.

Одатда, шакл устида ишлашда стилизация ва трансформацияни бир вақтда қўллайдилар. Бу усул бошқасини тўлдиреди ва асосий пластик мавзу (ғоя)ни ривожлантиради.

Лекин образни ҳис қилиш ва уни ифода этувчи шаклни яратиш ҳали етарли эмас. Муҳими, у томошабинга қандай таъсир кўрсатишини инобатга олиш. Маълум бўлишича, ҳар қайси шакл яхлит ҳолида қандай бўлса, унинг деталлари ҳам худди шундай турлича идрок қилинади. Силуэти бўйича

оддийроғи тезроқ, мураккаби узоқроқ ўқилади, аммо яратилган образ теранлиги бунга боғлиқ эмас.

Масалан, катта очилган бармоқли кўл силуэтани бир - бирига сиқилган кўлга қараганда осонроқ таниш мумкин. Гарчи доғ шакли иккинчи ҳолда соддароқ, аммо, маълум бўлишича, кам ифодали бўлади. Шакл ифодавийлиги топилган силуэтга боғлиқ. Шунда доғ, чизик ёки контур билан ифодаланган силуэт устида ишлаш асар яратишнинг муҳим босқичларидан биридир. Силуэт устида ишлаш жараёнида равшан бўладика, бу нарса образни ечишда тасодифий ҳамда типик ва характерли. Силуэтни оч рангли фонда тўқ доғ билан ҳал қилиш мумкин ёки аксинча, тўқ фонда оч рангли доғ билан ҳам шундай натижага эришилади. Шаклни ўқиш учун контраст мажбурий бўлиб, у колоритда, рангда, фактурада ифодаланиши, ёритиш билан намоён қилиниши мумкин. Лекин уларнинг ўқилиши ва аҳамияти бир хил эмас. Масалан, тўқ фондаги оқ силуэт томошабинга фаолроқ таъсир этади, эса қоладиганроқ бўлиб чиқади. Тўқ доғ билан ҳал этилган силуэтдан фарқли, оқ ёки оч силует умумийлаштирувчи, кам деталли бўлиши керак. Топилган қора доғ, агар маълум образни яратиш учун асосий колоритни ўзгартириш зарур бўлса, имкони борича, уларни тўғрилашни тақозо этади. Шунинг учун ҳажмий шакл ифодавийлиги устида ишлаб, унинг идрок қилинишини унутмаслик керак. Ҳажм томошабинга кучлироқ таъсир этади.

*Саволлар:*

- 1. Шакл ҳосил қилиш комбинацияси нима?*
- 2. Комбинатор шакл муҳим белгилари қандай?*
- 3. Комбинатор орнаментлар учун нима характерли?*
- 4. Амалий санъат ва меъморчилик нимадан фойдаланилган?*
- 5. Фриз типдаги комбинацияга нималар киради?*
- 6. Эстетикада симметрия деганда нимани тушунилади?*
- 7. Шакл динамиклиги ва статиклиги нимада намоён бўлади?*
- 8. Трансформация нима?*

### **X1.3. АМАЛИЙ ВАЗИФАЛАРГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

#### **1-вазифа.**

Уч шаклни - тенг ёнли учбурчак, айлана ва квадратни текислик марказига жойлаштириш.

*Вазифа мақсади:* шакл ва фон тушунчаларини мустаҳкамлаш, мутаносиблик ҳиссини ривожлантириш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10 ёки 15X15 см тўртбурчак текисликка чизиш услуги билан (қора рангда) тенг ёнли учбурчак, квадрат ва айлана ишланади.

#### **2-вазифа.**

Уч объектни – рангли тенг ёнли учбурчак, доира ва квадратни текислик марказига жойлаштириш.

*Вазифа мақсади:* шакл ва фон тушунчаларини мустаҳкамлаш, мутаносиблик ҳиссини ривожлантириш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10 ёки 15X15 см тўртбурчак текисликка аппликация услуги билан (ҳар хил рангли қоғоздан кесилади) тенг ёнли учбурчак, айлана ва квадратни ёпиштирилади.

#### **3-вазифа.**

Симметрия шаклини текислик марказига жойлаштириш.

*Вазифа мақсади:* Симметрия тушунчаси ҳиссини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10 ёки 15X15 см текисликка аппликация услуги билан симметрия шаклини ёпиштирилади ёки қора гелли ручкадан фойдаланиб бажариш.

#### **4-вазифа.**

Асимметрия шаклини текислик марказига жойлаштириш.

*Вазифа мақсади:* Асимметрия тушунчаси ҳиссини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10 ёки 15x15 см текисликка аппликация услуби билан асимметрия шаклини ёпиштирилади ёки қора гелли ручкадан фойдаланиб бажариш.

#### **5-вазифа.**

Ритм шаклини текисликда ҳосил қилиш.

*Вазифа мақсади:* Ритм тушунчаси ҳиссини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x30 ёки 10x40 см текисликда ритм ҳосил қилувчи шаклни рангда бажариш ёки қора гелли ручкадан фойдаланиб бажариш.

#### **6-вазифа.**

Динамика (ҳаракат) шаклини текисликда ҳосил қилиш.

*Вазифа мақсади:* динамика (ҳаракат) тушунчаси ҳиссини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10 ёки 15x15 см текисликда динамика (ҳаракат) ҳосил қилувчи шаклни рангда бажариш ёки қора гелли ручкадан фойдаланиб бажариш.

#### **7-вазифа.**

Статика (тинч, турғунлик) шаклини текисликда ҳосил қилиш.

*Вазифа мақсади:* Статика (тинч, турғунлик) тушунчаси ҳиссини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10 ёки 15x15 см текисликда статика (тинч, турғунлик) ҳосил қилувчи шаклни қорада ёки рангда бажариш ёки қора гелли ручкадан фойдаланиб бажариш.

#### **8-вазифа.**

Рангда ёки оқ - қорада контраст шаклини текисликда ҳосил қилиш.

*Вазифа мақсади:* контраст тушунчаси ҳиссини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10 ёки 15x15 см текисликда контраст ҳосил қилувчи шаклни қорада ёки рангда бажариш.

### **9-вазифа.**

Мувозанат шаклини текисликда ҳосил қилиш.

*Вазифа мақсади:* мувозанат тушунчаси ҳиссини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10 ёки 15x15 см текисликда мувозанат ҳосил қилувчи шаклни қорада ёки рангда бажариш.

### **10-вазифа.**

Масштаб шаклини текисликда ҳосил қилиш.

*Вазифа мақсади:* масштаб тушунчаси ҳиссини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10 ёки 15x15 см текисликда масштаб ҳосил қилувчи шаклни қорада ёки рангда бажариш.

### **11-вазифа.**

Композиция маркази ҳосил қилувчи шаклни текисликда бажариш.

*Вазифа мақсади:* Композиция маркази тушунчаси ҳиссини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10 ёки 15x15 см текисликда композиция маркази ҳосил қилувчи шаклни қорада ёки рангда бажариш.

### **12-вазифа.**

Шаклни текисликда стилизациясини бажариш.

*Вазифа мақсади:* стилизация ҳиссини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10 ёки 15x15 см текисликда стилизация шаклни қорада ёки рангда бажариш.

### **13-вазифа.**

Доғ ёрдамидаги қорамтир, ўртача қорамтир, ёрқин - учта бир-бири билан кесишувчи текисликлардан иборат композицияни жойлаштириш.

*Вазифа мақсади:* нюанс тушунчасини мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10, 15x15 см ли карточкада, қора гелли ручкадан фойдаланиш.

#### **14-вазифа.**

Ҳиссиётларнинг график ифодаси, қувончни ифодаловчи композиция яратиш.

*Вазифа мақсади:* абстракт фикрлаш ва кўз билан чамалашни, мувозанат ҳиссини ривожлантириш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10, 15x15 см ли карточкада, қора гелли ручкадан фойдаланиш.

#### **15-вазифа.**

Чизиқ хусусиятидан фойдаланган ҳолда чуқурлашган композиция яратиш.

*Вазифа мақсади:* абстракт фикрлаш ва кўз билан чамалашни, мувозанат ҳиссини ривожлантириш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10, 15x15 см ли карточкада, қора гелли ручкадан фойдаланиш.

#### **16-вазифа.**

Чизиқлар ёрдамидаги қорамтир, ўртача қорамтир, ёрқин - учта бир - бири билан кесишувчи текисликлардан иборат композицияни жойлаштириш.

*Вазифа мақсади:* нюанс тушунчасини мустаҳкамлаш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10, 15x15 см ли карточкада, қора гелли ручкадан фойдаланиш.

#### **17-вазифа.**

Оптик иллюзиялар (кўзни чалғитувчи сароб фаразлар).

*Вазифа мақсади:* абстракт фикрлаш ва кўз билан чамалашни, мувозанат ҳиссини ривожлантириш.

*Вазифани бажариш методикаси:* 10x10 ёки 15x15 см ли текисликда, қора гелли ручкадан фойдаланиб бажариш.

**Композиция асослари бўйича амалий вазифаларга услубий кўрсатмалар**

#### **1-вазифа.**

Турли габарит ўлчамдаги оддий геометрик элементлардан иборат фронтал композиция яратиш.

*Вазифа мақсади:* оддий геометрик элементлардан иборат фронтал композиция уйғунлигини ўрганиш.

*Вазифани бажариш методикаси:* қоғоз ёки картондан (бошқа материалларни қўллаш ҳам мумкин) оддий геометрик фигуралар елимланади. Бу элементлар ўлчами жиҳатидан бир хил ёки турлича бўлиши мумкин. Ундан композициянинг ҳамма қонунларини қўллаган ҳолда, фронтал композиция бажарилади. У симметрик ёки асимметрик, динамик ёки статик бўлиши мумкин.

Томошабин томонидан фронтал (олддан) идрок қилинадиган ва ён томондан кўришни талаб қилмайдиган текислик композициясини яратиш вазифаси бажарилади.

## **2-вазифа.**

Турли габарит ўлчамли мураккаб геометрик элементлардан иборат фронтал композиция яратиш.

*Вазифа мақсади:* мураккаб геометрик элементлардан иборат фронтал композиция уйғунлигини ўрганиш.

*Вазифани бажариш методикаси:* қоғоз ёки картондан мураккаб геометрик фигуралар фойдаланади. Бу элементлар ўлчами жиҳатидан бир хил ёки турлича бўлиши мумкин. Ундан композициянинг ҳамма қонунларини қўллаган ҳолда фронтал композиция бажарилади. У контраст, ритмик, симметрик ёки асимметрик, динамик ёки статик бўлиши мумкин.

Томошабин томонидан фронтал идрок қилинадиган ва ён томондан кўришни талаб қилмайдиган текис композиция яратиш вазифаси бажарилади.

## **3-вазифа.**

Турли габарит ўлчамдаги оддий геометрик элементлардан иборат чуқурлашган - фазовий композиция яратиш.

*Вазифа мақсади:* оддий геометрик элементиардан иборат чуқурлашган - фазовий композиция уйғунлигини ўрганиш.

*Вазифани бажариши методикаси:* қоғоз ёки картондан (бошқа материалларни қўллаш ҳам мумкин) оддий геометрик фигуралар елимланади. Бу элементлар ўлчами жиҳатидан бир хил ёки турлича бўлиши мумкин. Ундан композициянинг ҳамма қонунларини қўллаган ҳолда чуқурлашган - фазовий композиция бажарилади. У симметрик ёки асимметрик, динамик ёки статик бўлиши мумкин.

Томошабин томонидан фазо, чуқурлик, перспективани кўрсатиш вазифаси бажарилади.

#### **4-вазифа.**

Бир-бирига контраст турли габарит ўлчамли оддий геометрик элементиардан иборат фронтал композиция яратиш.

*Вазифа мақсади:* бир - бирига контраст геометрик элементиардан иборат фронтал композиция уйғунлигини ўрганиш.

*Вазифани бажариши методикаси:* қоғоз ёки картондан оддий контраст геометрик фигуралар елимланади. Бу элементлар ўлчами жиҳатидан бир хил ёки турлича бўлиши мумкин. Ундан композициянинг ҳамма қонунларини қўллаган ҳолда фронтал композиция бажарилади. У симметрик ёки асимметрик, динамик ёки статик бўлиши мумкин.

Томошабинга фронтал (олддан) идрок қилинадиган текисликдаги композициясини яратиш вазифаси топширилади.

#### **5-вазифа.**

Бир-бирига Контраст, турли ўлчамли, оддий рангли геометрик элементиардан иборат композиция яратиш.

*Вазифа мақсади:* бир-бирига контраст геометрик элементлардан иборат композиция уйғунлигини ўрганиш.

*Вазифани бажариши методикаси:* қоғоз ёки картондан оддий контраст геометрик рангли фигуралар елимланади. Бу элементлар ўлчами жиҳатидан бир хил ёки турлича бўлиши мумкин.

Ундан композициянинг ҳамма қонунларини қўллаган ҳолда композиция бажарилади. У симметрик ёки асимметрик, динамик ёки статик, ритмик бўлиши мумкин.

### **6-вазифа.**

Бир ўсимлик, ҳайвон ёки ҳар қандай бошқа элемент стилизациясининг босқичини яратиш.

Қайириш усулидан фойдаланиб, 6 та орнаментал композиция яратиш.  
70x50 см ли планшетда гилам орнаментини яратиш.

*Вазифа мақсади:* секин - аста мураккаблашиш ёки соддалаштириш усулидан фойдаланиб, стилизацияланган (ўхшатирилган) элементлар яратиш. Энг муваффақиятли стилизацияланган элементдан график композициялар яратишни ўрганиш. Ранг ёки фондан фойдаланиб, ҳосил бўлган график композицияни планшетда тўғри жойлаштиришни ўрганиш.

*Вазифани бажариш методикаси:* А-3 форматдаги қаттиқ қоғоз ёки картоннинг листида стилизациянинг юқори босқичи жойлаштирилади. График композиция 50x70 см ли планшетда жойлаштирилади.

### **7-вазифа.**

5 геометрик фигурага (айлана, овал, квадрат, тўғрибурчак, учбурчак) ихтиёрий объектни киритиш.

*Вазифа мақсади:* ҳар қандай предмет объектини тўғри жойлаштира олиш.

*Вазифани бажариш методикаси:* А-3 форматдаги қаттиқ қоғоз ёки картоннинг листида киритилган объектларни беш геометрик фигура (айлана, овал, квадрат, тўғри бурчак, учбурчак) жойлаштирилади ва бўялади.

### **8-вазифа.**

Турли фигуралардан фойдаланиб, бадиий композиция яратиш.

*Вазифа мақсади:* имитация (ўхшатиб ишлаш)нинг турли усуллари ёрдамида 5 та турли-туман (ёғоч, тош, тери, пластмасса, металл, мато)материаллар фактурасини яратишни ўрганиш.

*Вазифани бажариши методикаси:* А-3 форматдаги қаттиқ қоғоз ёки картоннинг листида турли-туман материалнинг фактуралар композициясини 10x10, 15x15 см. текисликда яратиб планшетга жойлаштирилади.

### **9-вазифа.**

Турли ранглардан (монотипия усулида) фойдаланиб, бадиий композиция яратиш.

*Вазифа мақсади:* монотипия турли усуллари ёрдамида турли-туман композициялар яратишни ўрганиш.

*Вазифани бажариши методикаси:* А-3 форматдаги қаттиқ қоғоз ёки картоннинг листида рангли турли-туман композициясини 10x10, 15x15 см. текисликда яратиб планшетга жойлаштирилади.

## **АМАЛИЙ ТАВСИЯ ВА ИЛОВАЛАР**

Қоғоз танлаш. Бажарилаётган ишга қараб қоғоз танлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки қоғоз турлари ҳар хил бўлиб ҳар хил мақсадларга мўлжалланган. Масалан, қаламда, тушда, акварель бўёқда ишлаш ва бошқа ишлар учун мўлжалланган.

Акварель бўёқда ишлашга оқ зич, масалан, чизмачилик учун, ватман, ярим ватман ва торшон қоғозларини ишлатиш ўринлидир. Ана шундай қоғозларга қилчўп (кисть) билан ишлаш қулайдир. Торшон қоғозлари силлиқ қоғозга нисбатан акварель бўёғини яхши ушлайди ва ёруғлик тушишига қараб ранглар товланиб туради. Силлиқ қоғозга бўёқ текис жойлашади ва деярлик жилоланиш ёки тусини ўзгартириш кам бўлади.

Қоғоз тасвир характериға қараб тўғри танланиши лозим.

Акварель бўёқда ишлаш учун кенг тарқалган қоғоз бу чизмачилик қоғозидир.

Қоғозлар сифати ва вазифасига қараб тубандаги маркаларда ишлаб чиқарилади: В,Ф,А,О, турларидир.

В - бадий ишлар кўргазмаси учун.

Ф - гравюра тайёрлаш ва тушда ишлаш учун

А - акварель бўёқда ишлаш учун

О - умумий ишлар учун

Қоғозлар рулонларда ва бўлакчаларга қирқилган ҳолларда (210x297; 240x287; 420x594; 594x841; 640x878 миллиметрларда) ишлаб чиқарилади.

Рулон қоғозлари буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи билан келишилган ҳолда ғадир - будирли ёки силлиқ ишлаб чиқарилиши мумкин.

Чизмачилик қоғозидан ташқари, эскиз қоғози ишлаб чиқарилиб акварель бўёқда, қаламда ва кўмир қаламда ҳам ишлаш мумкин.

Эскиз қоғози чизмачилик қоғозига ўхшаш бўлиб 130x190 ва 190x270 миллиметр ўлчамларида тайёрланади.

Қоғозларга қўйилган талаблар.

Акварель бўёғида рангтасвир ишлаш учун қоғозга асосий талаблар:

1. Сувланган қоғоз қуриганидан кейин деформация бўлмасдан текис ҳолатга келиши керак.
2. Акварель бўёқ билан ишлаш қоғоз текислигида бегона доғлар пайдо бўлмаслиги керак.
3. Бир неча марта сув билан ювилган қоғоз эриб кетмаслиги ва ғадир-будур текислик ҳосил бўлмаслиги, шунингдек асли кўринишини сақлаб қолиши лозим.
4. Бўёқ қатлами осон ювилиши ва чуқур из қолдирмаслиги керак.
5. Қоғоз ранги оппоқ бўлиб ўз рангини кўп ўзгартирмаслиги керак.
6. Акварель бўёғи қоғоз юза қисмида енгил жойлашиши.
7. Қоғоз юзаси ялтироқ бўлмаслиги; майда доначалик, ўрта доначалик, йирик доначалик ёки силлиқ текисликда бўлиши лозим.
8. Қалам изларини ўчирғич билан ўчирганида қоғоз титилмаслиги керак.

## БЎЁҚЛАР ТЎПЛАМИ

### *Акварель бўёқлар тўплами*

1. Кадмий лимонный (лимон тусли сарик бўёқ)
2. Кадмий жёлтый (ёрқин тусли сарик бўёқ)
3. Охра светлая (оч малларанг)
4. Сиена натуральная (тўқ малларанг)
5. Золотисто – жёлтая ЖК (олтин тусли сарик)
6. Кадмий оранжевый (ёрқин тусли зарғалдоқ ранг)
7. Охра красная (қизғиш темир ранг)
8. Сиена жжёная (ер рангига ўхшаш ранг)
9. Железная красная (қизғиш темир ранг)
10. Алая (алвон ранг)
11. Краплак красный (ёрқин қирмизи ранг)
12. Кармин (ёрқин қизил ранг)
13. Краплак фиолетовый (бинафша тусли қирмизи)
14. Ультрамарин (зангори ранг)
15. Кобальт синий (тўқ ҳаворанг)
16. Голубая ФЦ (нилоби ранг)
17. Изумрудно – зелёная (тўқ яшил ранг)
18. Перманент зелёный (яшил рангнинг бир тури)
19. Травяная зелёная (кўкатсимон яшил)
20. Умбра натуральная (мош рангига ўхшаш жигарранг)
21. Марс коричневый (жигаррангнинг бир тури)
22. Умбра жжёная (мош ранг)
23. Сепия (ер рангига ўхшаш ранг)
24. Нейтральная чёрная (тим қора ранг)

Акварель бўёғи пластмасса қутичада чиқарилган бўлиб, тўпламда 24 та ранг бор. Қутича устида иккита қизил юлдузча бўлса ёруғликка ўта

чидамлидир. (5 балл). Иккита қора юлдузчалиги ёруғликка чидамлилиги ўртача (3 балл) деб белгиланган.

Шунингдек, **“Нева”** ва **“Малютка”** номида ҳам ишлаб чиқарилади.

Тўпламлар :

N 1 – тўпамда 24 ёки 30 бўёқ

N 2 – тўпамда 16 бўёқ (металл қутичада)

N 10 – тўпами 24 бўёқ

N 11 – тўпами 14 бўёқ

N 51 – тўпами 30 бўёқ

N 51 А – тўпами 30 бўёқ

N 3 – тўпами “Нева” акварель бўёғи 16 бўёқ

N 4 – тўпами 12 бўёқ

N 31 – тўпами 16 бўёқ

N 31 А – тўпами 16 бўёқ

“Нева” бўёғи яримсироп паста бўлиб туба (қўрғошин туба) га жойлаштирилган.

#### ***N 4 “Чёрная речка”, “Нева” тўпами***

1. Лимонная жёлтый (лимон тусли сарик)
2. Охра жёлтый (ёрқин лимонранг)
3. Оранжево – жёлтая (оч ковокранг)
4. Охра – красная (қизғиш малларанг)
5. Красно – розовая (оч қизил ранг)
6. Ультраморин (зангори ранг)
7. Голубая (нилоби ранг)
8. Изумрудно – зелёная (ёрқин, тўқ, яшил)
9. Зелёная (яшил)
10. Умбра натуральная (мош рангига ўхшаган жигаранг)

11. Красно – коричнаяя (қизғиш жигарранг)

12. Нейтрально – чёрная (тим қора)

Шунингдек, *“Гамма”*, *“Мастер класс”* гуаш тўплами ҳам мавжул.

Ёруғликка чидамлилиги юлдузчалар билан белгиланган:

Уч юлдуз – ёруғликка чидамли

Икки юлдуз – ёруғликка ўртача чидамли

Битта юлдуз – ёруғликка кам чидамли

Сақлаш муддати бир йил.

## Глоссарий

### *Тасвирий санъат атамаларининг*

#### *изоҳли луғати*

- Автопортрет** (грекча сўздан. Outos - ўзим) - рассом ўзини - ўзи тасвирлаган портрет. Бу ҳолда рассом ҳам, тасвирдаги шахс ҳам бир кишининг ўзидир.
- Акцент** (лотинча сўздан. Accentus - урғу) – Тасвирий санъатда ранг, тус, чизиқ ёки буюм, шаклнинг, чеҳрани тасвирий санъатда ранг, тус, чизиқлар ёрдамида урғу беришдир.
- Алла прима** (итальян сўзидан Alla - prima - бир йўла, бир ишлашда)– нафис тасвирий санъатда ишлатиладиган усул. Картина (асар) олдиндан қўшимча тайёргарликсиз, яъни бир сеансда тугалланган.
- Абрис -** чегара чизиқ.
- Абстракционизм** – мавҳум санъат асарларини ўз ичига олган бадиий йўналиш.
- Академизм -** академик услубга оид бадиий йўналиш.
- Акварель -** (французча сўздан aquarelle, лотинча aqua- сув) – сувда тез эрийдиган ва ювиладиган майин ва шаффоф бўёқ. Акварель тасвири ниҳоятда рангли, нафис ва нозик. Оқ бўёқ сифатида кўпинча қоғоз замини сақланади.
- Антик санъат** -қадимги деган маънони билдиради. Тараққий этган қадимги Юнон, Рим санъати назарда тутилган.
- Блик -** (немис сўзидан Blik – қараш. боқиш)- ёруғ - соя элементи. Ёритилган буюмнинг энг ялтироқ жойи, айниқса ялтироқ

жисмда. Ёритилган қисмдаги умумий тусга нисбатан энг ёруғ, ялтироқ, ёриқроқ қисмидир.

**Бадий -** борлиқни, инсонни, унинг ҳаётидаги воқеаларни, кечинмаларини ўзаро ўхшатиш, шакллантириш ва ранго-ранг тасвирлаш.

**Бадий цикл -** бирор давр, тарихий босқич, санат, меъморчилик, дизайн асарларида маълум циклининг характерли жиҳатлари намоён бўладиган услуб.

**Ватман -** рассомчилик ва чизмачиликда ишлатиладиган қалин, олий нав қоғоз.

**Вариант -** (лотин сўзидан - ўзгарувчан) – санъат асарининг муаллиф томонидан такрорланиши. Шунингдек композиция, картина ранг ечимига, қомат ҳаракатига, қўл ҳаракатига ўзгариш киритиш. Сюжетли композицияда маъно (тема) ни сақлаган ҳолда тасвирларни ўзгарган ҳолати.

**Гармония -** (грекча сўз бўлиб, harmonia – хушбичим, умумийлик, қисмлари (бўлаклари) келишган) – Тасвирий санъатда тасвирланаётган буюм шакли ёки рангнинг ўзаро умумийлиги, хушбичимлиги.

**Графика -** (грекча сўздан олинган бўлиб, graphikos – чизиқли, чизилган) – тасвирий санъатнинг бир тури. Рангтасвирга нисбатан кам ранг ишлатилиб, асосан оқ ва қора контраст ранглар, чизиқ ва штрихлар характерлидир. Графикага чизматасвир, гравюра, литография каби босма тасвир турлари киради.

**Гризайль** - (французча – gris - кулранг) – бир хил рангда мўйқалам ёрдамида бажарилган тасвирий асар. Оқ ва қора рангда туси билан фарқ қиладиган усулда ишланган тури.

**Динамика** - ҳажм элемент ёки элементларнинг маълум бир йўналишда композицион ривожланиб боришини, яъни визуал харакатини ифодаловчи меъморий ёки орнаментал ечим.

**Ёрқин контраст** - кўшни ранглар таъсирида ранг ёрқинлиги ўзгариши.

**Жанр** - (французча – genre - тур) – тасвирий санъатда мавзу ўхшашлигини бирлаштирувчи тушунча. Рангтасвирда: натюрморт, интерьер, пейзаж, портрет, сюжетли картина (маиший, тарихий) турларидир.

**Живопись** - (рангтасвир) – тасвирий санъатнинг етакчи туридан бири. Нафис тасвирий санъат холст, картон, қоғоз ва бошқалар сатҳ текислигида бўёқларда бажарилади.

Рангтасвирда: сувли бўёқ – акварель, мойбўёқ, темпера, энкаустика, пастель – қуруқ бўёқ, гуашь каби ашёлар (бўёқлар) ишлатилади.

**Интерьер** - (французча – interieur – ички, ичкаридаги) – ички кўриниш, бинонинг ички хоналари кўриниши ва унинг тасвирий саъатда тасвирланиши. Шунингдек, хона, бино ичидаги нарсалар, буюмлар, деворларнинг (мозайка, фреска, накш, матолар билан) кўриниши.

**Илиқ гамма** - сариқ, тўқ сарғиш - қизил ва уларнинг оралиқ ҳолатлари.

**Картина** - (расм, сурат) – алоҳида белгиланган нафис тасвирий санъат асари. Расм (картина) ҳар хил жанрда бўлиши мумкин. Этюдга нисбатан борлиқни (натурани) пухта ўйланган ва пухта ишланган, тугатилган, деталлари ва шакллари моҳирлик билан акс эттирилган кўринишидир.

**Колорит** - (лотинча – color – ранг, бўёк) – санъат асарининг алоҳида ранг ва тус тузилишидир. Колоритда реал борлиқ (натура)нинг табиий рангларини алоҳида мақсадли ажратиб бадиий образли бўёқларда акс эттириш. Ранглар мажмуаси ва ранг гўзаллиги нисбатлари. Иссиқ ва совуқ, ёрқин, қизғиш, мовий каби гаммаларда бўлиши мумкин. Асар инсонда руҳий ва бадиий образ хиссиётини уйғотиши мумкин.

**Композиция** - (лотинча – compositio – тузиш, боғлаш, баён қилиш) –  
1) асар қурилмасида қисмларини маъно - мазмунга боғлаш, бўйсундириш, шакллантириш.

2) Композиция - бадиий образ яратиш воситаси ва изланиш йўллари. Рассом фикрини амалга оширишни излаши. Тема мазмуни (сюжетни) очиб беришда рассом томонидан изланиш олиб боришидир. Композиция устида ишлаш ғоя туғилгандан бошлаб асар тугаллангунча давом эттирилади. Бунда рассом танлаган мавзуси асосида сюжет устида иш олиб боради.

Композиция тузиш жараёнида тасвирдаги нарсаларни, буюмларни, одам қиёфаларини картина текислиги (рангтасвирда холст, графикада қоғоз) да мақсадга мувофиқ бадиий жойлаштиради, тасвирлайди. Бунга шунингдек асар маркази, ечими, иккинчи даражали нарсаларни жойлаш назарда тутилади. Ранг ва ранг контрастлари, силуэт, ёруғ ва соялар ҳам аниқланади.

Композиция ишлашда натуранинг перспектива қурилиши, масштаб ва нисбатлари (прапорция), тус ва ранг ечими ҳам муҳим.

Контраст (французча – *contraste* – кескин фарқ, карама - қаршилиқ) – тасвирий санъатда карама - қарши қўйилган тус, ранг, шакл, қиёфа назарда тутилади. Масалан: оқ - қора, ёруғ - соя, қизил - кўк, тўғри - эгри, иссиқ - совуқ ва бошқа контрастлар. Контраст тус ёки ранг композицияда бадиийлик образини кучайтиради, асосий қисмини таъсирчанлигини янада оширади.

**Корпусли рангтасвир** – ранг (бўёқ) қалин, қуюқ. Деярлик рельефли усулда бажарилган нафис тасвирий санъат асари.

Компоновка (ингл. *компоно* - «ташкил қиламан») – турли элементларнинг бир - бирига нисбатан энг яхши жойлашуви. қоғоз варағи юзаси турли шакл, фактура, рангнинг тасвирий юзаси сифатида ифодавий воситаларга эга.

**Композицион мувозанат** - композициянинг ҳамма элементлари ўзаро мувозанатлашган ҳолат.

**Комбинаторика** - бирхиллаштирилган ва бир аеча марта такрорланган элементларни турли фазовий комбинацияда жойлаштириш ва бириктириш йўли билан мураккаб шакллар ҳосил қилиш.

**Картон** - қоғоз тури, рангтасвир асарнинг қораламаси, қалам ёки кўмир, қаламда ишланган нусхаси.

**Контур** - чегара, чизик.

**Копия** - нусха, кўчирма.

**Краплак** - бўёқ тури, қизил лавлаги рангига яқин ранг.

**Кулранг** - оқ ва қора рангдан ҳосил бўлган ранг тури.

**Уйғунлашган муносабат** - рангларнинг бир - бирига нисбатан энг яхши муносабатлари танлови, ранг синтезини топиш.

**Лессировка** - (немисча – *laisiren* – суюқ бۆёқда холст текислиги юзини енгил бۆйаш) – тиниқ, ўта кўринадиган бۆёқ фойдаланилган рангтасвирдаги бадиий усул. Бунда рангтасвирда ишлатилган бۆёқ бири иккинчиси устига кўйилганда тагидаги ранг қатлами кўриниб туради ва рангни янада бойитади. Ёки ранг кучини сусайтиради. Лессировка сув бۆёқ (акварель) да ишлашда кўп тарқалган, мойбۆёқда эса олдинги кекса рассомлар кенг ишлатган.

**Локал ранг** - (француз сўзидан *Local* - маҳаллий) – 1) бир буюмга хос бўлган ранг; 2) рангтасвирда кўшни рангга нисбатан катта қисмини ташкил қилиб, ранг туси майдалаб ишланмаганлиги.

**Мазок** - ранг бۆёқли мойбۆёқ (кист)нинг холстда, картонда ва бошқаларда қолдирган изи. Рангтасвирда ишлатиладиган бу усул (техника) ҳар бир рассомнинг ўзига хос эҳтиросига боғлиқ бўлади.

**Масштаблилик** - шакл ва унинг элементларининг инсонга, атроф - фазога ва бошқа шаклларга нисбатан ўлчамлилиги.

**Моделировка** - (италиян сўзидан *modeliate* - ясамоқ) – рассомчилик амалиётида: бу рельефни тасвирлаш, буюм шаклини тасвирлаш ва шаклни, қоматни у ёки бу ёруғликда тасвирини кўрсатиш. Чизматасвирда моделировка тус (ёруғ - соя) бериш орқали перспективада шаклни ўзгаришини эътиборга олиб бажарилади. Рангтасвирда эса моделировка рангда бажарилади. Бунда тус ва ранг бир - бири билан узвий боғлиқ. Хайкалтарошликда шаклни уч ўлчамли

ишлов бериш орқали моделировка амалга оширилади. Моделировка даражаси рассомнинг фикрига ва асар мазмунига қўйган талабига, мақсадига боғлиқдир.

**Мозаика -** (французча сўздан *mosaique* – ранг - баранг иш (асар), аралаш) – маҳобатли рангтасвирнинг бир тури. Тасвирлашда ҳар хил рангдаги табиий, сунъий тош (смалта), рангли ойна, кулол парчаларидан деворга ёки каттиқ материал жисмларга елим, цемент каби нарсалар ёрдамида ёпиштирилган санъат асари.

Одатда мозаика ранг ва тусни назарда тутиб амалга оширилади.

Мозайкани византия ва флоренция турлари мавжуд.

Мозаиканинг муҳим сифатларидан бири кучли безак бўлишидан ташқари у кўп асрлар давомида ўз рангини ўзгартирмайди.

**Монохром -** (грекча сўздан *monos* - бир, *chronos* - ранг) – бир рангли демакдир.

**Монументал -** санъат (маҳобатли рангтасвир санъати, лотинча сўздан *monumentum* - ёдгорлик) – монументал санъат асари дастгоҳли рангтасвирдан фарқи у архитектура билан боғлиқ бўлиб деворга, шифтга ишланиши ва кенг оммага мўлжалланган бўлиши мумкин. Асар композицияси тили содда, аниқ, ранг чиройли - безакли бўлишини талаб қилади.

**Муносабат, нисбат (отношения)** – асар яратишда фойдаланилган натура элементларининг ўзаро боғлиқлиги. Масалан: рангтасвирда тус ва ранг муносабати, ҳар хил ёрқинлик

нисбати. Чизматасвирда ўлчам ва шакл нисбатлари. Санъатда таққослаш усули билан аниқланади.

Тус ва ранг муносабатлари контраст, ўткир ва енгил нюансли бўлиши мумкин.

**Мастихин** - рассом қуроли, белча.

**Мазмун ва шакл** – санъатда ўзаро шартли категория. Мазмун санъат асарида нима тасвирланганини кўрсатади. Шакл эса қандай воситалар билан амалга оширилганини кўрсатади. Тасвирий санъатда мазмун шаклсиз амалга оширилиши мумкин эмас.

**Мато** - рангтасвир асарини ишлашда фойдаланадиган материал.

**Мўйқалам** - қилқалам, рассомлар ишлатадиган ёзув ва тасвир қуроли.

**Наброска** - тез ишланган хомаки чизматасвир. Наброскада шакл тасвири умумлаштирилган бўлиб умумий тасаввур беради. Наброска алоҳида аҳамиятга эга бўлиб картина учун бажарилиши мумкин.

**Натюрморт** - жонсиз табиат демакдир.

Рангтасвир турларидан бири бўлиб, буюмлар, мева-чева, гул ва хоказоларни ифодаловчи тасвир.

**Нукта, чизиқ, доғ** - текислик композициянинг ташкил қилувчи элементлари конфигурацияга (нукта, чизиқ, доғ) боғлиқ ҳолда томошабинга ассоциатив (ҳиссий) даражада, шунингдек, хотира даражасида таъсир кўрсатади.

**Образ** - (бадий) – санъатда ходисаларнинг акс эттирилиш шакли (формаси).

- Орнамент** - (лот. орнаментум - «безак») - безакнинг тури, буюм, бино, китоб ва шу каби безак элементларининг бирлашуви, турли табиат ва геометрик шаклларнинг қайта ишлаб чиқилиши.
- Нюанс** - (французча сўздан nuance - тус, хил) - жуда нозик тус ёки ёруғликдан соя қисмига енгил туснинг ўтиши.
- Палитра** - 1) рассомнинг ранг бўёқ аралаштириш ва бўёқларини жойлаш учун ишлатиладиган ёғоч тахтача; (ёғоч, металл, фарфор, пластмаса каби ашёлардан бўлиши мумкин).  
2) бирор картинанинг ранг характери мажмуаси, жилоси.
- Пастозность** - (италиян сўзидан pastoso - хамирсимон) – бўёқ қуюқ ҳолда рельефли из билан суртилган рангтасвир ишлаш усули.
- Перспектива** - (лотинча сўздан perspecto – охиригача қараш, кўриш – 1) масофадан туриб қаралгандаги буюм, шаклнинг ўлчами ва шакли, шунингдек ранг кўриниши ўзгариши. 2) одам кўзига шаклнинг бўшлиқда ўзгаришини текисликда тасвирлаш қонунини ўрганадиган фан. Перспектива қонунларидан фойдаланиб, буюмни бизга қандай кўринса шундай тасвирлашга ёрдам беради. Чизикли перспектива буюм шаклини, ўлчамини ва прапорциясини (нисбатини) ўзгаришини, қисқаришини аниқлайди. Рассомчилик амалиётида кенг қўлланиладиган кузатиш перспективали буюм шаклини ўзгаришини тасвирлашга ёрдам беради.
- Перспективада ишлатиладиган асосий терминлардан: *горизонт чизиги* – ҳавода шартли жойлаш, кузатувчи кўз баландлигидан ўтган тўғри чизикдир; *кузатиш нуқтаси* – расм чизаётган кишининг ўрни, *марказий учрашув нуқтаси* – кузатувчининг кўзи рўпарасида горизонт чизигида жойлашган нуқта; кўриш бурчаги - шаклни тўла

идрок қилиш, кўриш учун зарур бўлган масофа бурчаги. *Ҳавоий перспектива* - буюмнинг ёруғлик даражасини, чегара чизиғини ва ранг ўзгаришини аниқлайди. Буюм кузатувчидан узоқлашган сари ҳаво қатламининг таъсирида ўзгаришидир.

**Пластика** - (грекча сўздан *plastika* - ваяние) – 1) рангтасвирда, чизматасвирда ва хайкалтарошликда буюмни шакллантириш, тасвирни ҳосил қилиш; 2) ифодали рангтасвир ишлаш йўли, мўйқалам билан ишлашдаги энгиллик, моҳирлик; 3) хайкалтарошликда, графикада ва тасвирий санъатда шаклнинг аниқликка, ифодаликка эришиш.

**Пластичность** ҳар хил санъат асарида алоҳида гўзаллик, яхлитлик, нозиклик ва моделировканинг равшанлиги, буюмнинг ранг ечими, ранг бойлиги ва тусдан - тусга ўтиш, композицияда чизиқлар, шаклни ифодалилиги ва хушбичимли ўзаро алоқалари.

**Пленер** - (французча сўздан *en plein air* - тоза ҳавода) – табиий шароитда, очик ҳавода расм ишлаш. Пленер термини одатда пейзажда ишлатилади.

Мураккаб ранг мажмуаси ва тус муносабатларини, шунингдек ёруғ ҳаво шароитини акс эттирувчи ҳар қандай тасвирий санъат асарига айтиш мумкин.

**Подмалевка** - кўп қатламли мойбўёқда ишланган картинанинг энг аввалги бошланғич босқичи. Бошқа рангтасвир техникасида ҳам подмалевка ишлатилиши мумкин.

Подмалевка рангли ёки монохрамли (рангсиз, кулранг), бир тусли, юпқа рангли катламда ёки нисбатан қуюқ бўёқда бажарилиши мумкин.

**Полутень -** (яримсоя) – ёруғ - соя элементларидан бири. Полутень натурада, шунингдек санъат асарида – буюм юзасидаги тўқ соя билан ёруғ қисми оралиғидир.

**Полутон -** (ярим тус) – ёритилган буюм қисмининг икки қўшни кам контраст туси оралиғидаги ўтиш туси. Шаклда тусдан тусга катта юмшоқлик билан ўтиш моделировкани нозик бўлишига ёрдам беради.

**Портрет -** (французча сўздан *portrait* - тасвир) – тасвирий санъат жанри, маълум бир шахс (одам) нинг ёки бир неча кишининг (икки, гуруҳ ва бошқалар)га бағишланган асар.

**Пропорция -** (мутаносиблик) – (лотинча сўздан – *proportio* - соразмерность) – қисм ўлчови, ўлчамларнинг бир-бирига ва бутун шаклга бўлган нисбати. Рассом пропорция ёрдамида буюм ва қомат шаклини қуришда, асарнинг композициясини тузишда катта аниқлик киритади.

Бунга текислик шакли нисбати, фонга тасвир ўлчами нисбати, гуруҳлар нисбати кабилар киради.

**Пастель -** рангли қаламча, бўр. Шу қаламда ишланган асарлар ҳам пастель дейилади.

**Пигмент -** турли бўёқлар кукуни.

**Подрамник -** чорчўп, расм ишланадиган матони тортиб турадиган қурилма.

**Полотно -** бўз матога ишланган рангтасвир асари.

**Ранг** - моддаларнинг акс берувчи ёки нурланувчи ёруғликларининг спектор таркиби билан мувофиқликдаги кўриш ҳиссиётини уйғотувчи хусусияти. Фаол композицион восита сифатида фойдаланилади.

Ранг тозалиги - берилган ранг умумий ёрқинлигидаги спектрал улуш. Энг тоза ранглар бу спектрал ранглардир.

**Рельеф** - (французча сўздан relief – бўртиқ, ҳажмли) – хайкалтарошликдаги тури. Думалоқ хайкалдан фарқи рельеф ҳажми қисман текислик устидан бўртиб туради. Рельеф ҳар хил кўринишда бўлиб: Барельеф («ба» - французча паст) - текислик сатҳидан ўз ҳажмининг ярмига яқини туради.

Горельеф («го» - французча баланд) - шакл текислик сатҳидан тўла чиқиб туриши мумкин; чуқурлаштирилган, яъни текислик сатҳидан чуқур кесилган бўлиши мумкин.

**Рефлекс** - (лотинча сўздан reflexus - қайтиш)– 1) рангтаъсирда – кучли ёруғлик билан ёритилган буюм сиртидаги соя қисмида кўшни турган ранг туси, тури.

Рангли рефлекс буюмнинг теварак атрофидаги нарсалар таъсирида ҳосил бўлади.

Масалан: қизил мато қизғиш рефлекс ҳосил қилиши мумкин.

**Ритм (вазн)** - (грекча сўздан rhythmicos – бир меъёрдаги, текис) – асар композиция қурилмасининг муҳим томонларидан бири. Буюм, шакл, ранг ёки нақш элементларининг бир меъёрда такрорланиши, айниқса монументал санъатда. Амалий-безак санъатида ва архитектурада кўп учрайди.

Тасвирий санъатда ритм мураккаброқ бўлиб картинада алоҳида руҳ беради. Ритм композицияда қоматлар гуруҳи ҳаракатларида, қўл жойлашуви вариантларида, тус ва ранг такрорланишида, шакллар жойлашувида бўлиши мумкин.

**Ранглар гаммаси** - ранг тусларининг асосий муносабатлари. Картинада ранг ечими. Масалан: Иссиқ ёки совуқ ранг гаммаси.

**Сангина** - қон сўзидан ташкил топган атама. Жигар ранг ёки қизғиш бўрсимон қалам.

**Соус** - юмшоқ қалам, шу қалам ёрдамида ишланган асар ҳам, «соус» дейилади.

**Сюрреализм** - ўта реализм. Бу атама XX аср адабиёти ва санъатида пайдо бўлган. У Францияда вужудга келган бўлиб, олим Фрейд ғояси ва назариясига суянганлар. Яъни санъаткорлар ўз асарларида табиий туйғу, ҳаёл ва тушларни акс эттириб, нарсалар, ҳодисаларнинг шакл ҳолатларини мавҳум тарзда кўрсатишга алоҳида аҳамият беришарди.

**Свет (ёруғлик, нур)** – Тасвирий санъатда ёруғ - соя элементи. Натурада ҳам, санъат асарида ҳам юза(сирт)нинг ёритилган қисми учун ишлатиладиган термин.

**Светлота (ёрқинлик, равшанлик)** – ёруғ - сояга хос термин. Нафис тасвирий санъатда рангни равшанлик даражаси. Ёнма - ён турган ранг тусига нисбатан рангни ёрқинлигини таққослаш даражаси. Графикада – бир ранг тусининг иккинчисига нисбатан ёрқинлик даражасидир.

**Светотень (ёруғ - соя)** – шаклда соя ва ёруғлик нисбати, ёрқин ва қоронғу қирралар нисбати.

Композициянинг муҳим воситасидир.

Тасвирий санъатда умумий тус ечимида ёруғ - соя буюм шаклини ва материаллигини кўрсатишда муҳимдир. Ёруғ - соя кирралари: нур, соя, яримсоя, рефлекс, блик.

**Силуэт -** (французча сўздан silhouette – шакл кўриниши) – натурада буюм ёки қоматнинг умумий шакл кўриниши. Тасвирий санъатда шакл ва буюмни деталларсиз ясси ҳолда (тўқ ёки оч ранг фонида доғ сифат) кўринишини назарда тутилади. Ёруғлик қаршисига қўйилган буюм силуэт бўлиб кўринади. Графикада қора тасвирланган шакл профили силуэт деб аталади.

**Симметрия -** (грекча сўздан summetria – текис, баб - баробар, тенг ўлчамли) – композицияда ёки шакл тузилиши марказий ўк чизиғидан параллел, марказдан тенг узоқликда қисмлари жойлашган кўриниши. Масалан: цилиндр, кўза, тухум кабилар.

Симметрия композицияси амалий - безак санъатида кўп учрайди. Нафис тасвирий санъатда ва хайкалтарошликда симметрия асарни қуруқ ва зерикарли қилади. Чунки тасвирнинг жонли, ҳаётлигига мос тушмайди. Шакл тузилишида симметрия бузилса, у ҳолда асимметрия дейилади.

**Станковый -** Дастгоҳли рангтасвир санъати. Дастгоҳ (станок) номидан олинган, асар нимада яратилганлигига (хайкалтарошликда ) дастгоҳ, нафис тасвирий санъатда мольбертга боғлиқ. Дастгоҳли санъат асари мустақил аҳамиятга эга. Унинг ғоявий - бадиий томонлари у турган теварак - атроф муҳитга боғлиқ эмас. Монументал санъат асарида ва амалий - безак санъатида эса аксинча.

**Статичность** - (грекча сўздан *statos* - ҳаракатсиз турган) - динамикага карама - қарши, аксинча, тинч ҳолат, ҳаракатланмайдиган.

**Стиль** - (французча сўздан *style* – манера дастҳат) Стил (дастҳат) бир гуруҳ рассомларга ёки битта рассомга хос бўлиши мумкин. Агар унинг ижоди кескин фарқ қилса, фақат унга хос томонлари мавжуд бўлса, бундай рассомлар ҳам алоҳида дастҳат (стил)га эга бўладилар.

**Сюжет** - (французча сўздан *sujet* – тема, предмет) -

1) сюжетли картинада: тасвирий санъат асарида аниқ воқеани очиқ беради. Битта тема бир неча сюжетда олиб борилиши мумкин. Тасвирий санъатда сюжет маиший, тарихий ва жанг жанрларида бўлиши мумкин; 2) сюжет кенг маънодаги ҳар қандай тирик натура ёки буюмлар олами, тасвирлаш учун шакл тушунилади. Баъзи ҳолда сюжет деганда асарга асос бўлган мотив, манзара тушунчаси ўрин олади.

**Тень** - (соя) – тасвирда ва натурада кам ёритилган қисмининг ёруғ - соя элементи. Шахсий соя ва тушган соя турлари мавжуд. Шахсий - соя буюмнинг ўзида жойлашган.

Буюмнинг теварак - атрофга, ерга тушган сояси – тушган соя дейилади.

**Текстура** - предметда ишлатилган хомашё тузилишининг юзада кузатиладиган ташқи аломатлари.

**Тон** - (тус, ранг) - (французча – *ton* – бўёқ бериш) – натурадаги буюм (предмет) ва санъат асаридаги рангга хос ёрқинлик, равшанлик даражаси.

1) чизматасвирда бир ранг (монохром) туси;

- 2) рангтасвирда ранг кучи, ранг қуюқлиги тушунилади.  
Рангтасвирда ранг ва ёруғ - соя муносабатлари узвий боғлиқ;
- 3) ранг туси – рангнинг муҳим сифати;
- 4) умумий ранг туси тушунчаси ранг чашмаси терминига мос.

**Тус (Оттенок)** - 1) натура (шакл) нинг теварак - атроф таъсирида ранг ўзгариши; 2) рангни, ранг қуюқлигини, ранг ёркинлигини, тусини кичик фарқлари. Масалан қизил рангни қизғиш рангдан фарқи, сариқ рангни лимон сариғидан фарқи; 3) Совуқ рангнинг иссиқ рангга ўтиш жараёни.

**Трансформация** - предмет шаклининг зарур шаклга ўзгариши: айлантириш, чўзиш, баъзи қисмлар ўлчамида катталаштириш ёки кичиклаштириш.

**Фазовий планлар (режа)** – 1) натураларга қараганимизда фазога жойлашган буюмлар шартли равишда майдонларга бўлинади 2) картина бўшлиғидаги тасвирнинг ҳар хил даражадаги узоклашуви. Одатда бир неча планлар фарқланади: биринчи, иккинчи, учинчи ёки олдинги, ўрта, узок планлари. Уларнинг сони ҳар хил бўлиши тасвирланаётган объектга, ижодий ғояга боғлиқ; 3) моделировкада, фазода ҳар хил жойлашган шакл қисмларини шакл планлари деб юритилади.

**Фактура** - (лотинча – factura - ишлов бериш) –

- 1) ашё (материал)нинг характер хусусияти, натурада буюмнинг сирти ва унинг санъат асаридаги тасвири (масалан, картинада ёки натурада шиша кўзанинг ялтироқ сирти, юзаси);

2) материалнинг ишлов берилганлик хусусияти, материалнинг характерли сифати (масалан, нафис тасвирий асар фактураси – бу мезон (из), бўёқ қатламининг характери. У силлиқ, ғадир - будир, рельефли ва шу каби кўринишда бўлиши мумкин, ҳайкалтарошликда – ишлов берилган тош, ёғоч ва бошқаларнинг юзасидир).

Фактура расом ўзига хос ишлов бериш услуги бўлишимумкин. Шунингдек, қандай бўёқдан фойдаланилганига боғлиқ.

**Фон -** (французча – fond – тағ, чуқурлик қисми) – натурада ва тасвирий санъатда – шакллар ортида жойлашган муҳит, тасвирда орқа план. Тасвирий санъатда фон тасвири ёки тасвирсиз бўлиши мумкин.

**Форма -** (лотинча – forma - ташқи кўриниш) – 1) ташқи кўриниш, қиёфа; 2) тасвирий санъатда форма деганда шаклнинг ташқи хусусиятига айтилади. Тасвирий санъатда бадиий форма – бу композиция тузилиши, воситалар бирлиги, ҳамжиҳатлилиги, усули, бадиий ашёда амалга оширилганлиги ва бадиий ғоя мужассамлигидир.

**Фрагмент -** (лотинча – fragmentum - бўлакча) – асарнинг бир қисми, бўлакчаси.

**Фронтал композиция -** элементларнинг томошабинга нисбатан икки йўналишда: вертикал ва горизонтал йўналишда бўлиши. Шаклнинг чуқурликка кириб бориши бўйсунган кўринишда бўлади.

**Хроматик ранг -** (грекча – chromos - ранг) – ҳар хил тусдаги ранглар. қуёш спектри ранглари (қизил, сариқ ва бошқалар). Ранг

доирасидаги иссиқ ва совуқ ранглар гуруҳи. Ахромат рангга – оқ, қора, кулранг турлари киради. Улар рангсиз бўлиб, фақат туси билан фарқ қилади.

**Ҳажмий** - фазовий тузилиш - композициянинг шакл ва фазо орасидаги ўзаро алоқа, муносабатини белгиловчи категорияси.

**Ҳажмий композиция** - уч фазовий координатлар бўйича ривожланган шакл, нисбатан ёпиқ юзага эга ва уч томондан идрок қилинади.

**Чизиқ** - тасвирнинг асосий элементи. Тасвирнинг мустақил бадиий элементи сифатида чизиқли орнамент ёки предмет тасвири бадиий элементи сифатида қўлланилади.

**Чуқурлашган фазовий композиция** - материал элементлари ва фазодан, улар орасидаги интервалдан ташкил топади.

**Шакл** - буюмнинг маълум катталиқдаги нуқталар, чегара чизиқлари, юзалар бурчаклари, шакллар, ҳажмларнинг материал муносабатлари системаси сифатидаги фазовий қурилиши.

**Штрих** - (немисча – strich - чизиқ) – чизматасвирда тасвирлаш воситалардан бири.

**Цвет (ранг)** - нафис тасвирий санъатда асосий бадиий восита. Тасвирда шакллар оламини, ҳар хил хусусиятини тасвирлашда ранг турлари муҳим рол ўйнайди.

Ранг – бадиий образ яратишда асосий воситадир. Ранг кучининг одамга таъсири ниҳоятда кучлидир. Композициянинг муҳим элементи.

**Эскиз** - (французча – esquisse – набросок (қоралама) – ижодий ғоянинг асар учун бажарилган қораламалари.

Эскиз ҳар хил усул (техника)да бажарилиши мумкин. Эскиз бир неча вариантда бажарилади ва энг яхши деб топилгани асар учун асос қилиниб олинади.

**Эстетика -** (грекча - aisthetike) – ҳаётда ва тасвирий санъатда гўзаллик ҳақидаги фан. Эстетика борлиққа санъатнинг муносабати, бадиий ижод қонунлари асосини, ижтимоий ҳаётда санъатнинг ролини ўрганади. Гўзаллик – эстетика кенг аҳамиятини ўрганади.

**Этюд -** (французча – ўрганиш, машқ қилиш) – натурадан бажарилган иш (расм). Баъзи ҳолларда эскиз мустақил аҳамиятга эга. Рассом этюд орқали табиатни, натурани ўрганади, машқ қилади. Келажак асари учун маълумот йиғади ва рангларини аниқлайди. Этюд санъатнинг ҳамма турида мавжуд.

Тасвирий санъатда эса, рассом изланишлари машқлари, бирор нарсаларнинг ўзига, аслига қараб, одатда бирор катта асар яратиш учун ашё бўлиб хизмат қиладиган дастлабки расм.

**Эксперссия -** шижоат, шиддат, тезкорлик, ифодалилик, фикр, кайфият ва ҳис - туйғуларнинг ёрқин намоён бўлиши.

**Этюдник -** рассомларнинг ўқиш - ўрганиш учун ичига мўйқалам, бўёқ, калам, палитра ва қоғозларигача турадиган қути. У дастгоҳ вазифасини ҳам ўтайди.

**Қомат -** кишиларнинг умумий кўриниши.

## **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. «Маънавий юксалиш йўлида». ИТ.Уз. Нашр.1998
2. Каримов И.А. «Юксак маънавият - енгилмас куч». - Т.: «Маънавият».2008.
3. Баркамол авлод орзуси. Тошкент «Шарқ» 1999
4. *Ричард Шмидт*. «АЛЛА ПРИМА».
5. Klaus Reichold, Bernhard Graf. PAINTINGS that Changed the World.
6. Арюшин Л.Ф. «Цветоведение». Москва. Книга. 1982
7. Аксенов Ю, М.Левидова. «Цвет и линия». Москва «Художник» 1986.
8. Зайцев А. «Наука о цвете и живописи». Москва «Искусство». 1986.
9. Икромжонов А.Т. «Рангтасвирда этюд» Тошкент 2003
10. Иконников А., Степанов Г. «Основы архитектурной композиции». Искусство. Москва.1971.
11. Кузин В.С. «Психология». Москва. 1982.
12. Королькова Е.Ф. ”Декоративная живопись”. Тошкент. 2012.
13. Набиев М. «Рангшунослик». Ташкент. Ўқитувчи. 1995
14. Смолина Н.И. Традиции симметрии в архитектуре. Москва. 1990.
15. Тютюнник В.В. «Материалы и техника живописи». Издательства Академии художеств. Москва . 1992.
16. Фрилит Г.Ауэр К. «Человек – цвет - пространство». Москва. 1973.
17. Худайбергганов Р. «Рангшунослик». Тошкент. 2004.
18. Худайбергганов Р. «Композиция». Тошкент.2004
19. Худайбергганов Р. “Тасвирий санъатда ранг”. Тошкент. 2005 й.
20. Худайбергганов Р. «Рангшунослик асослари». Тошкент. 2006.
21. “ЖИВОПИСЬ”. Под редакции Иогонсона.
22. Шорохов Е.В. Основы композиции. Москва. 1979.

## Мундарижа

### 1 БОБ

Кириш .....	1 4
1.1. Рангшунослик ва композиция асослари ҳақида.....	17
1.2. Рангшунослик ва композиция асослари фанининг мақсади ва вазифалари.....	23

### 11БОБ

11. 1. Рангни ҳис қилиш (Ахроматик ва хроматик ранглар) .....	26
11.2. Бир ватқнинг ўзида таққослаш. (ёки солиштирув). .....	29
11.3. Рангларнинг асосий хусуиятлари .....	33
11.4. Умумий ранг ва тус(тон)лар ҳолати .....	37

### 111. БОБ

111.1. Ранг айланаси .....	39
111.2. Қўшимча ранглар ҳосил қилиш .....	41
111.3. Контраст ранглар топиш .....	44
111.4. Ранглар туси ( оқартириш, қорайтириш ) .....	45
111.5. Рангларни яқин ёки узоқлашганлиги .....	47
111.6. Рангларни аралаштириш .....	52
111.7. Ранг муносабатларининг пропорционаллиги .....	55

### 1V БОБ

1V.1. Рангнинг руҳий таъсири .....	59
1V.2. Ранг колоритини ҳосил қилиш .....	63
1V.3. Ранг эстетикаси .....	69
1V.4. Ёруғлик таъсирида ранг ҳолати .....	71
1V.5. Рангларга фон тусининг таъсири .....	73
1V.6. Ранглар тусини тўлиқ талқин қилиш(амалий тавсиялар) .....	75

## **V БОБ**

V.1. Ранг билан ишлаш .....	80
V.2. Гуаш билан ишлаш .....	83
V.3. Мойбўёқ билан ишлаш .....	86
V.4. Ранглардан композиция тузиш .....	89
V.5. Ранг ва фактура .....	90
V.6. Амалий машғулотлар .....	91
V.7. Рангшуносликдан амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар.....	93

## **V1 БОБ.**

V1.1. Бадий образларнинг ифода воситалари ва қуроллари.....	97
V1.2. Текислик ва фазо .....	103
V1.3. Фазовий қурилма .....	104
V1.4. Чизиқлар (линия) .....	105
V1.5. Ёруғлик, соя, ранг .....	106
V1.6. Фактура ва текстура .....	107.

## **V11 БОБ**

### **КОМПОЗИЦИЯ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ**

V11.1. Контрастлар.....	110
V11.2. Стилизация.....	116

## **V111БОБ**

V111.1. Композиция хусусияти. ....	117
V111.2. Яхлитлик ва ўзаро боғлиқлик .....	118
V111.3. Композицияда мувозанат.....	119

## **1X БОБ**

1X.1. Композиция элементлари .....	123
1X.2. Симметрия .....	124
1X.3. Асимметрия .....	126
1X.4. Ритм, ҳаракат (динамичность) ва тинч (статичность) ҳолати .....	127
1X.5. Бирлик ва бир - бирига бўйсунуш. Композиция маркази.....	131

## **X БОБ**

X.1. Композиция воситалари .....	133
X.2. Масштаб ва масштабlilik .....	137
X.3. Композицияда ритм (вазн) .....	140

## **X1 БОБ**

X1.1. Мураккаб шакл ва уни ташкил қилиш усуллари .....	142
X1.2. Симметрия, асимметрия ва улар комбинацияси .....	148
X1.3. Амалий вазифаларга услубий кўрсатмалар .....	151
АМАЛИЙ ТАВСИЯ ВА ИЛОВАЛАР .....	158
Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати .....	163
Адабиётлар .....	185